

83.3
92-69

УМИД ХОДЖАМҚУЛОВ

2020

МОҲИЯТНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Дунё асли мувозанат асосига
қурилган. Шукр билан сабрнинг,
ҳижрон билан ғисолнинг, заҳмат
билан роҳатнинг ёнма-ён туриши
ўша ҳаёт мувозанатини
таъминлайди. Тараққуёт ва
фаровонлик ортида нафс гирдобида
талғасага тушаётган инсон
қиефаси гаёдаланади. Нафс барча
ёмонликларнинг доясидир. Нафсининг
жиловланиши Аллоҳнинг раҳматига,
унинг ақси эса аянчли оқибатларга
сабаб бўлади. Бу ерда ҳам ўша БУЮК
МУВОЗАНАТНИ кўрасиз ва Аллоҳ
яратганининг мукамаллигига яна бир
бор ғаймон келтирасиз.

ТОШКЕНТ
«Университет»
2020

Чирчиқ давлат педагогика
институтининг
<https://www.csri.uz/uz>
ivchdri@edu.uz
Чирчиқ ш. А.Темур к. №104

Количество предъявленных
выдач _____

$\frac{1}{2}$ $\frac{1}{3}$ $\frac{1}{4}$ $\frac{1}{5}$ $\frac{1}{6}$ $\frac{1}{7}$ $\frac{1}{8}$ $\frac{1}{9}$ $\frac{1}{10}$ $\frac{1}{11}$ $\frac{1}{12}$ $\frac{1}{13}$ $\frac{1}{14}$ $\frac{1}{15}$ $\frac{1}{16}$ $\frac{1}{17}$ $\frac{1}{18}$ $\frac{1}{19}$ $\frac{1}{20}$ $\frac{1}{21}$ $\frac{1}{22}$ $\frac{1}{23}$ $\frac{1}{24}$ $\frac{1}{25}$ $\frac{1}{26}$ $\frac{1}{27}$ $\frac{1}{28}$ $\frac{1}{29}$ $\frac{1}{30}$ $\frac{1}{31}$ $\frac{1}{32}$ $\frac{1}{33}$ $\frac{1}{34}$ $\frac{1}{35}$ $\frac{1}{36}$ $\frac{1}{37}$ $\frac{1}{38}$ $\frac{1}{39}$ $\frac{1}{40}$ $\frac{1}{41}$ $\frac{1}{42}$ $\frac{1}{43}$ $\frac{1}{44}$ $\frac{1}{45}$ $\frac{1}{46}$ $\frac{1}{47}$ $\frac{1}{48}$ $\frac{1}{49}$ $\frac{1}{50}$ $\frac{1}{51}$ $\frac{1}{52}$ $\frac{1}{53}$ $\frac{1}{54}$ $\frac{1}{55}$ $\frac{1}{56}$ $\frac{1}{57}$ $\frac{1}{58}$ $\frac{1}{59}$ $\frac{1}{60}$ $\frac{1}{61}$ $\frac{1}{62}$ $\frac{1}{63}$ $\frac{1}{64}$ $\frac{1}{65}$ $\frac{1}{66}$ $\frac{1}{67}$ $\frac{1}{68}$ $\frac{1}{69}$ $\frac{1}{70}$ $\frac{1}{71}$ $\frac{1}{72}$ $\frac{1}{73}$ $\frac{1}{74}$ $\frac{1}{75}$ $\frac{1}{76}$ $\frac{1}{77}$ $\frac{1}{78}$ $\frac{1}{79}$ $\frac{1}{80}$ $\frac{1}{81}$ $\frac{1}{82}$ $\frac{1}{83}$ $\frac{1}{84}$ $\frac{1}{85}$ $\frac{1}{86}$ $\frac{1}{87}$ $\frac{1}{88}$ $\frac{1}{89}$ $\frac{1}{90}$ $\frac{1}{91}$ $\frac{1}{92}$ $\frac{1}{93}$ $\frac{1}{94}$ $\frac{1}{95}$ $\frac{1}{96}$ $\frac{1}{97}$ $\frac{1}{98}$ $\frac{1}{99}$ $\frac{1}{100}$

$$\begin{array}{r} 23.3 \\ \times 69 \\ \hline \end{array}$$

Skyggeren

МОХІЯТНІ АНГЛАШ САОДАТИ

3000

2020

OLIVIA O'RIENTALS TALLINN VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIGI
DALAT JOZAGOSIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Ҳоджамкулов У. Моҳиятни англаш саодати. Илмий рисолалар, илмий мақолалар, эссе. –Т.: Университет, 2020 й. 248 бет.

УЎК: 821.512.133.09(092)

КБК: 83.3г(5Ў)

X 69

Мазкур китобда муаллифнинг баъдий ижод тадқиқи, ҳаёт фалсафаси, педагогикада таълим ва тарбия мувозанати, сиёсат ва маффура каби турли мавзуларда ёзилган илмий рисола, эссе ва мақолалари жамланган. Ҳуламага киритилган илмий-ижодий ишларда таъбат ва жамиятда бўлаётган жараёнларга бефарқ бўлмаган инсоннинг муносабатлари ўз аксини тошган. Муаллифнинг раван тили ва ўзига хос ифода услуби таҳсинга сазовор. Теран мушоҳадалар китобхонни мулоҳазага чорлайди. Китобга киритилган барча тадқиқотлар моҳият ва мувозанат тушунарлари атрофида бирлашади ва яхлит бир композицияни ҳосил қилган.

Ушбу ҳулама адабиёт, тарих, фалсафа, педагогика каби ижтимоий-гуманитар фанлардан машғулотлар олиб борувчи ўқитувчилар, педагогикага ихтисослашган таълим муассасаларининг талабалари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Б.Менглиев – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори;

А.Шофқоров – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини доценти, филология фанлари номзоди.

Чирчиқ давлат педагогика институтини Кенгазининг 2020 йил 3 январдаги 7-сонли мажлиси қарорига асосан нашруга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-5604-5-1

© “Университет” нашриёти, Тошкент, 2020 й.

1-БЎЛИМ

БАДИИЙ ИЖОД ТАДҚИҚИ

(адабий-танқидий мақолалар, илмий рисола)

Бутун баъдий асарни атоҳида қисмлардан иборат муқаммал

бутунлик, дейиш мумкин.

Синглат, хусусан, баъдий адабиёт моҳият-эътибори билан эзгу иншир, яхши амаллар ва бунёдкор голлар тарғиботчисидир. Унинг ямридаги бу инсонпарварлик ғояси ҳам азалий ва абадийдир.

Умид Ҳоджамкулов

Ишоралардаги ҳаёт ҳақиқати

(Шукр Холмирзаевнинг "Яши "Нива" ҳикояси таҳлили)

Санъат, ҳусусан, бадний адабиёт моҳият-эътибори билан эзгу ишлар, яхши амаллар ва бунёдкор ғоялар тарғиботчисидир. Унинг замиридаги инсонпарварлик ғояси ҳам азалий ва абадийдир. Аммо маълум даврлар ва жамиятларда адабиётни санъатнинг юксак осмонидан пастга тушириш, уни сиёсат ва мафкура тарғиботчисига айлантириш, ўзининг асл моҳиятидан ўзоклаштириш ҳолатлари ҳам кузатилади. Ҳусусан, собиқ иттифок даврида умумшўро адабиёти ҳам ўша даврнинг яқка ҳукмрон партияси ва коммунистик мафкуранинг тарғиботчиси сифатида санъатнинг безавол ҳамда ўзгармас қонунчилигини тан олмайдиган қоллилар ичинда яшди. Большевиклар партиясининг асосчиси бўлган В.И.Ленин 1905 йилда "Партия ташкилоти ва партия адабиёти" номли мақоласини эълон қилди, унда адабиётнинг мафкуравийлиги ҳамда синфийлиги борасидаги назарияни илгари суради. Бу сохта назария оқибатида бутун шўро адабиёти коммунистик мафкура ва шу жамиятдаги синфларнинг таъсир доирасида фаолият олиб борди. Сохта ғоялар, оқибатда, адабиётнинг олдинга сохта вазифалар ва шунга мос масалаларни қўндаланг қўйди. Бадний асарлар санъат қонунчилигари нуктаи назардан таҳлил қилиниш ўрнига сиёсий нуктаи назардан тафтиш қилиниши натижаида қанчадан-қанча соф санъат асарлари коммунистик мафкура қоллиларига тушмаслик, уларда синфий кураш ғоялари акс этмаганини "айб"и билан бадном қилинди. "Тенглик" ва "биродарлик" тушунчалари нотўғри талқин қилиниб, кўпгина асарлар миллат ёки муайян миллатга мансуб тарихий шахсларни идеallasштириш "айб"и билан тазйикка учради. Миллат дардини қаламга олиш у пайтларда олқишланмас, аксинча, "адабий тафтишчилар"нинг бундай асарлардан зўр бериб "сиёсий

қалб топишлари" учун имконият яратар эди. Қувонарли жиҳати шунданки, адабиётта нисбатан эътиқолда содик қолган истеъдодли кўлилар ўша даврларда ҳам ҳар хил усул ва йўллар, турли рақз ва инвентар билан миллат дардини акс эттирувчи асарлар ярата олинди.

"Тўққизлар" (1963) повести билан устоз адиб Абдулла Қасқорнинг эътиборига тушган, "Ўн саккизга қирмаган ким бор?" (1965) ҳикояси билан китобхонлар қалбига кириб борган адиб Шукр Холмирзаев собиқ Шўро давлатининг охири йилларида "Яши "Нива", "Ўзбек характери", "Ҳукумат", "Йиги" каби инернинг кичик жанридаги қатор асарларини кенг ўқувчилар оммасига тақдим этди. Бу ҳикояларда адибнинг ижодий қамолоти исқол бўйи кўрсатади. Улар мазмун ва шакл, ғоя ва мазмун муносибалиги, энг муҳими, ижтимоий дард маҳсули эканлиги билан ажралиб туради. Мазкур асарларда миллат қайғусида ўрнатилган юракнинг беҳаловат зарбини эшитаёиз. Бу миллат дардига нисбатан беэътиқол хисси, миллий масалаларга нисбатан юксак инқилобчилик туйғуси бўлиб, уларда ёзувчининг ижтимоий позицияси исқол намойи бўлади.

Адибнинг "Яши "Нива" ҳикояси собиқ шўро жамиятида инқилобни авж олган шахста ситғиниш иллати: унинг пайдо бўлиши ва содбий оқибатлари ҳақида. Унда миллатимиз тафаккур тарзидати содбий эрилишлардан бири муаллиф томонидан чуқур дард, аччиқ иттироб ва бир оз захархандалик билан қаламга олинди. Адиб қиссонни шундай бошлади: "Аввало, шунги айтишим керакки, биз томонинг одамлари анча серандиша келади. Бунинг тарихий инқилоблари бор: биз катталарга – ҳусусан, ёши улуглару лавозимли инқилобга таъзим қилиб ўрганганмиз. Бир жихатдан қарасангиз – бунинг ёмон томони йўқ: ўзингдан каттани ёки арбоб шахси

хурмат қилиш керак-да". Асарнинг кичик сюжетлидаги кичик, аммо ўзинга яраша мураккаб тутун чуқур мазмунга эга мана шу фикрлар катига сингдирилган. "Бўнинг тарихий шидзлари бор", дейиш билан ёзувчи бу иллатни пайдо қилган ижтимоий сабабларга ишора қилиб ўтади. Ёзувчи "...биз томоннинг одамлари...", деб гарчи бир оз маҳаллийроқ масалани қаламга олаётганини иддао қилиб ўтган бўлса-да, аслида асардаги муаммо миллий, ҳатто, умуминсоний аҳамиятта молиқдир. Серандишлик ва каттага хурматни иллат сифатида кўраётган ёзувчини ўзбек ўқувчисининг дафъатан тушуниши қийин. Чунки биз андишани маъқуллайдиган ва назат-хурматни қадрлайдиган ҳалқмиз. Аммо ҳикоя давомиди англашилдики, четарадан чиқилганда, ҳатто, фазилат ҳам иллатга айланиши мумкин экан. Дарҳақиқат, ўзбекларда фарзандларига каттага хурмат ва андиша борасида ўтит берилмаган оилаларни учратиш қийин. Ёзувчи табири билан айтганда, "бир жикатдан қараганимизда – бўнинг ёмон томони йўқ". Бенихтиёр ўйлайсан киши: ҳўш, иккинчи томондан қараганда-чи? Ҳикоя ана шу "иккинчи томон"нинг таҳлили-ю бадий муҳокамасига, унинг салбий оқибатларига бағишланади.

Ҳикоя қаҳрамонларидан бири бўлган совхоз директорининг шахс сифатидаги ижтимоий эволюциясини ёзувчи қисқатгина қилиб шундай тасвирлайди: "Амаллиб мансабга чиқиб олган. Даслат тилларини принис-принис билан ошириб бажариб, герой бўйган. Кейин юқори маҳкамалардан "ака" тоналган, хуллас, ўзларига хон – ўзларига бек бўйган"лардан у. Бундай раҳбарлар ўша давр кишилари учун бегона эмас. Умуман, ўша давр раҳбарларининг мансаб пиллапоъларидан одимлашлари, аксарият, худди шундай типик характерда кетган. Уларнинг олам ва одамлар, ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг объектив қонунилари борасидаги фикр-

муносабатлари ҳам бир-бирига ўхшаш ва типик мазмунга эга. Бу ҳақда ёзувчи шундай дейди: "Ўзи, мен сизга айтсам, бундан ўнга хон – ўзига беклар ишари ҳамма жамиятларда бўлади ва, қилиш шундаки, улар бари бир-бирига ўхшаган". Шахста етганини ҳар бир кишилик жамиятининг бошлангич босқичларида мавжуд бўлгани ҳолда, жамият замонавий демократик тамойиллар сари юз буртани сари бу иллатнинг мавқеи ўз-ўзидан пасайиб боради. Аммо "бўнинг жамиятимизда уларнинг пайдо бўлиши..." шаклида ҳолдирки, бу кишини эсда ўйлантиради... Ҳикоя ёзилган йилларга келиб шахста етганини иллати бирмунча қораланаётган бўлса-да, у ҳақда очик-ошкор фикр билдиришга ҳали эрта эди. Шунинг учун ҳам ёзувчи қийналиб, "нима"ларадир имо ва инорлар қилгани ҳолда фикрини баён қилади. "Ўзи, мен сизга айтсам..." (ҳаммата ҳам эмас), "истисно ҳолдирки" (эҳтиёткорлик)... "кишини ўйлантиради..." (чунки оқибати ёмон) каби бирикмада ўйчанлик ва мулоҳазақорлик мавжуд бўлса, кўп нукта ("...") ишораси воситасида ифодаланаётган паъзалар ўша мулоҳаза-қорликни янада таъкидлайди. Ифодадаги бу ўйчанлик ва мулоҳаза-қорлик замирида ўша мўйловли "даҳо" раҳбарларнинг совух нигоҳ-ларидан ҳалиқсирашни сезасиз.

Умуман, ижтимоий муносабатлар психологик жараён бўлиб, у кишининг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи ва унга муносабати каби жуда кўпгаб оминлар билан бевоСИТА боғлиқ. Ҳикояда тасвирлангани каби кишиларда ижтимоий мавқеи-морфоларнинг бу каби ғайри усуллар билан таъмин этилиши уларнинг сийрати ва тийнатида шунга мос ҳолдаги ўзгаришларни юзига келтиради. Жамият қайсидир бўғинида юз берган объектив қонуниятларнинг бузилиши кишилар ўртаСИДАги робита ва ижтимоий муносабатларда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмай

қолмайди. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқканда, Ҳикоядаги совхоз директорининг “диктатор” сифатида шаклланишини ана шу объектив ҳолатларнинг бўзилиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳикоядаги каби шаклланган совхоз директорларининг наздида ҳамма масалани ҳал қилишнинг имконияти мавжуд. Энг муҳими, тепадаги “ака” си омон бўлса бўлгани. Бундай эътиқод ва фалсафа унинг характерида энди виждонсизлик, манманлик, олчослик, иккинчозламачилик каби қусурларни шакллантиради. Ҳикояда ёзувчи жамиятда тобора газак олиб бораётган ўша иллатга, унинг сабаб ва оқибатларига қарши туради.

Аммо бу мулоҳазалар Ҳикояда айтилмакчи бўлган завориди ҳулосанинг асосийси эмас. Аслида Ҳикоя худди шундай раҳбарларга нисбатан кишиларнинг муносабати масаласига, яна ҳам аниқроғи, шу муносабатнинг мудҳиш иқтимоий оқибатлари масаласига бағишланади.

Ҳикоянинг яна бир қаҳрамони институт ўқитувчиси. Ҳикояда тасвирланишича, у ўзи туғилиб ўсган юртига йўл олар экан, ўша “диктатор” директорнинг совхози ҳудудидати доводдан ўтади. Йўлда кетар экан, совхоз директорининг ҳамма билгидиган яшил “Нива” си унинг олдида пайдо бўлади. Катта институтнинг катта ўқитувчиси катта совхознинг катта директорининг хурматини қилибми, ҳар ҳолда, унинг машинасини қувиб ўтишга истихолоа килади. Буни қимдир хурмат ёки истихолоа дейиши, қимдир андиша ва одоё дейиши, яна қимдир кўрқоқлик дейиши ҳам мумкин. Мен эса буни “хурмат”, “истихолоа” ва “одоё” деганни тушунган ҳолда “кўрқоқ” деганни ёктаган бўлардим. Дарҳақиқат, Ҳикоядаги институт ўқитувчиси кўрқоқлик қилади, аммо оқибати тазйик ва бадном бўлиш билан тулашини кўра-била туриб шу ўринда мардлик қилиш ҳам ақмоқликдан бошқа нарса эмас. Чунки “...айримлар

қариндошларини қилиб ўтиб кетиб, баъзога йўлликханлар”. Қолаверса, “бу ернингнинг эълми институтга ҳам етиб борган”. Ҳатто, ректор ўзини номини эшитса эришлар эди: унинг қишлоғидан ёки қариндошларидан биронга бола ўқибган бўлса, аввало, ўшанинг қариндош оғли пайида, сикилиб-ўртаниб юради”. Хуллас, зўрнинг буни тегиримоннинг тошини юртизиб турган, “Докидларда индикиндан жуда бошбошдоқлик” авж олган бир замонда “институтнинг оодий ўқитувчиси – улар учун бир чигиртка”нинг зўрнинг хоҳишига қарши бориши ақлдан бўлармиди? Ҳикоя аслида яна шу мураккаб вазият ва унга жавобнинг ундан ҳам қийинлиги билан мукаммаллик касб этган, назаримда. Агар вазият тасодифий ҳолатлардан бири ва унинг ечими ҳам шунга яраша осон бўлганда эди, бу Ҳикоя учун материал бўла олмасди. Демак, Ҳикояда катта иқтимоий оқибатларни ўзида акс эттирган қичик муаммо қолганга олинган. Аммо бу қичик муаммо ўзининг негизинан оқибатлари билан бутун миллатимизга дахлдор ҳолиса сифатида катта аҳамият касб этади. Умуман, бутун миллатга дахлдор ҳолисаларнинг катта-кичиги бўлмайди: агар у ижобий бўлса тартиб қилиниши, агар салбий бўлса бартараф этилиши зарур. Албан шу нарса ёзувчининг юратига чўғ бўлиб тушган, унинг қўлига қалам тутказган бўлса, ажаб эмас.

Ҳикоядаги икки образга бу қадар катта юкларнинг юклатилишини ёзувчининг бадиий маҳорати билан изоҳлаш мумкин. Икки образ ҳам давр ва жамият маҳсули. Бу образларнинг характери ва тафраккур тарзида шаклланган қусурлар жамиятдаги инсонларнинг инъикоси. Диккат қилган ўқувчи Ҳикояда тасвирланган юксалар катида жамиятда объектив ҳолатларнинг инъикосини совхоз директор ва институт ўқитувчиси каби

умумлашма типларнинг пайдо бўлишга сабаб бўлади, деган хулосага келади.

Ҳикояда замон ва макон масаласи очик қолдирилган. Бу кечанинг тапими, бутуннингги ёки эртанинг? Ёзувчи "...*бу томоннинг одамлари...*", деганда қайси жой ва одамларни назарда тутмоқда? Ҳатто ўз юртининг номини ҳам очик ошкор қилмайди: "Х...". Ёзувчининг бу масалани айнан бир ҳудуд ёки ижтимоий қатлам билан боғламаслиги ҳам, ҳикоя қаҳрамонларининг исмисизлиги ҳам тасодиқий эмас. Бу баъдий усулнинг (приёмнинг) замирида ҳикояда қаламга олинган муаммонинг аҳамиятини ошириш, географиясини кенгайтириш билан боғлиқ максат яширинган. Агар ёзувчи ҳикоя қаҳрамонларига ўзбекча ёки қайсидир бошқа миллатга мансуб исмлар берганида, воқеалар аннот манзилу маконларда юз берганида, бу муаммо ана шу миллат ва ҳудуд билан боғланган, аҳамияти ҳам шу даражада қолган бўлар эди. Ёзувчининг баъдий топилмаси ёрдамида асарда кўтарилган миллий муаммо номусизлик ва қуллик психологияси билан заҳарланган ҳар қандай миллатнинг муаммоси даражасига ўснб чиқади. Оқибатда, ҳикоядаги ижтимоий дард маълум ижтимоий қатлам ёки миллат билан боғлиқ миллий маҳдудликдан юқориқ даражага кўтарилади, асарда кўтарилган ғоя умуминсоний аҳамият касб этади. Аслида ҳам шундай: ёзувчи ўз асарида башарият ёки маълум бир миллат муаммосини олиб чиқмас экан, у маҳаллий даражадаги маҳдудлик ботқоғида ўралашиб қолаверади. Бунинг учун ёзувчи, албатта, умуммиллий ёки умумбашарий муаммоларга мурожаат қилиши шарт эмас. Ижтимоий оқибатлари хатарли ҳар қандай муаммони объект сифатида олиши мумкин. Ҳамма тап унинг қандай йўсинда ифодаланганида. Ёзувчининг ёзувчилиги, унинг баъдий маҳорати ана шу ерда намоён бўлади. Афсуски, ўзбек

жаҳднинг энг қатта камчилиги ҳам миллий маҳдудликдир. Чунки ўзбек адабиётининг аксарият намуналарида кўтарилган муаммолар (агар муаммо кўтарилган бўлса, чунки қўлгина назирада муаммонинг ўзи кўзга ташланмайдиган) бошқа миллат вакиллари учун ёки қизиқ бўлмайди ёки улар бунга умуман қизиқмайди.

Ҳикоя давомида "диктатор" нисдан олинади. Замонлар ўтади. Қисмоннинг финалида эса институт ўқитувчиси шундай дейди: "*Лекин бир нарсани яширмай айтман, ҳали-ҳамон шахар ёрқинроқдир, оёқоқ жойлардами – яъни "Нива" ни кўрсан, юрагини сўраган тортиб келиди.*"

Нива бундай? Ақлим етмайди. Балки буям ўйлаб кўрадиган қандайдир ўғирми?"

Дарҳақиқат, бу ўйлаб кўрадиган ҳол: инсоннинг тафаккур тарғиб енгилган салбий иллатлар унинг руҳиятида ўз асоратини қолдириб қўймайди. Чунки руҳиятнинг муайян ҳодисаларга интибон аниқтатиш жараёни қийин кечгани каби унинг салбий асоратларини тозаланиш жараёни ҳам худди шундай мураккаб келиди. Шунинг учун ҳам иллат асорати билан хавфлидир. Иллатни кечгани чоралар кўриш билан бартараф этиш мумкин, ammo унинг асорати зарарланган руҳиятни узок вақт тарқ этмайди.

Ҳикояда айрим жузъий камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Аммо асосан, ҳикояда тасвирдан кўра баён етакчилиқ қилади, элементим элементлари кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, баъдийликнинг таъминловчи унсурларда тақчиллиқни юзга келтириши. Асарда салмоқли мазмун, фикр ва ғоя ўшанта мос баъдий шикла ифодаланмайдиган. Қолаверса, мазкур ҳикояда ҳам Шавқур Холимиров ижодий услубига хос бўлган ва мен ҳалигача таъинишнинг тушула олмаганим – русча сўз ва ибораларнинг ўринсиз

ишлатилиш ҳолатларини кузатамиз ("Қонца қонцов, шахсан менга ўхшайдиган одам ҳама ерда бор", "Практикага амал қилиб, довонга чиқиб келдим", "ТАИ پوستи берк" ва бошқа). Аслида, бадий адабиётда миллий ёки маҳаллий колоритни бериш, тасвир ҳамда персонажлар нутқида табиийликни таъминлаш мақсадида қўлланиш донраси четараланган ёки ўзга тилининг лексин бирикларини қўллаш ҳолатлари учрайди, бу табиий. Аммо Шукр Ҳолмирзаев асарларида, хусусан, таҳлилга тортилган мазкур ҳикоятда бу каби "чеккинишлар"ни тўлиқ ўша мақсадга қаратилган, деб айта олмаيمиз.

Шукр Ҳолмирзаев, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг забардаст ёзувчиси. Унинг асарларида ўзбек халқининг ўзлиги ва миллий қиёфаси бор бўй-баста билан бадий гавдалантирилган. Ёзувчи кичик жанрнинг катта имкониятларини ўзлаштирган ижодкор. Хусусан, "Яшил Нива" ҳикоясида шўро жамиятида авж олган миллиттошларимиз руҳиятида хануз асорати сақланиб қолган шахсга сизиниш иллати ҳамда унинг одамлар турмуш ва тафаккур тарзидаги салбий инъикоси, миллитмиғзга хос бўлган куллик психологияси умуминсоний фонда турли ишора ва рамзлар воситасида бадий талқик этилган. Ҳикоя бадий адабиётнинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси борасида, ёзувчининг миллит олдидagi масъулиги ва ижтимоий вазифаси, асар катти яширинган дард ва унинг ўқувчига юқиши, образ ва унинг зиммасидати бадий юктаманинг салмоти билан боғлиқ муҳим ҳулосалар чиқаришга имкон беради.

ҚУМУШНИНГ СЎНГИ МАКТУБИ

(Бадий асар композициясида мактуб элементини)

Бадий адабиётда асар сюжетининг динамикаси ва ёзувчи ижтимоий мақсадининг муваффақиятини таъминловчи, қаҳрамонлар ўрнатилган шахсий, сирли, романтик, лирик ижтимоий муносабатларни китобхонга зарур даражада ошкор этувчи композициялар бири мактубдир. Асар сюжетига муваффақият билан қўшилган, унинг мазмун ва ғоясини очишга ёрдам берувчи ва қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатни ўзида самимий акс эттирган мактубни асар ичиндаги асар дейиш мумкин. Чунки асар сюжетига қўшиб қўрилган хар қандай мактуб ўз зиммасига муайян бадий юкни олиди, олдига, бу юклама ўзининг ибтидоси ва интихосига эга бўлган (Протанк асарларидаги лирик муносабат ва кечинмаларни акс эттиришда мактуб ёзувчи учун муҳим восита сифатида қўл келади. Шундай экан, бадий асарда мактуб элементининг ролини баёнлашувчилик нуктаи назардан талқик қилиш, унинг бадий асар сюжетидagi аҳамияти хақида мулоҳазалар юритиш етарли асосларга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳамонанлий ўзбек насрининг тўнгич романи ҳисобланган "Ушан қутилар" романининг сюжети ва композициясида мактуб(лар) муҳим ўрин тутди. Айнан шу воситасиз "Ўткан кунлар" романининг сюжети ва воқеалар ривожини тасаввур қилиб бўлмайди. У тоҳида асар сюжети динамикасини таъминласа, тоҳида воқеалар ривожини таъминловчи конфликтни қучайтиришга хизмат қилган. Бизда эса асар қаҳрамонларининг лирик, романтик муносабатларини, уларнинг ахлокий, маънавий сифатларини очишга ёрдам беради. Ҳомиднинг сохта мактубларисиз роман воқеаларининг драматик тус олиши мумкин бўлмагандек, Қумушда (Ўзбекнинг мактубларисиз уларнинг ички олами, маънавий

дунёси ва миллий кадриятларга йўғрилган ахлокий сифатларни ўқувчига кўчмаган, улар сезилганлар сиймосининг рамзи сифатида ўқувчилар қалбидан жой эгалламаган бўлар эди. Зеро, ёзувчи айтагиндек, *"Отдабек ва Қумуш шикарида самимият, яна тўғрилик шеърда бор эди"*.

Мақтуб монологик нутқ шаклига хос бўлиб, у қаҳрамонлар ўрасиданги ўзаро мулоқот ва муносабатни таъминлайди. Бу кўринишдаги мулоқот асар сюжети динамикаси шиддатини таъминловчи диалоглардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Бу фарқ, аввало, ёзма ва оғзаки нутқ шакллариинини ўзига хослиги билан характерланади. Ёзма нутқ шакли адабий тил ва бадиий услубга хосланганлиги, ўзига хос лексик бирликларга эгалиги, оҳорли, хиссий-таъсирий бўёқдор сўзлар ишлатилишини билан оғзаки нутқдан ажралиб туради. Ана шу хусусият бадиий асарлардаги мақтубларнинг эмпонал таъсир кучини таъминлайди, асарга ўзига хос руҳ олиб қиради.

Шу маънода, “Ўткан кунлар” романида келтирилган мактублар ҳам характерлидир. Кумушнинг онаси Офтоб ойини ёзган охири хатида мактуб муаллифининг бутун янги олами, маънавияти, иймон ва эътиқоди, яқинларига бўлган самимий муносабати, руҳияти ва кайфияти ас етган. Бу ўринда Кумушнинг мактуб ёзилган пайтдаги ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Хат, бир томондан, Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги кундошлик муносабатлари юқори нуксасига етиб, кескинлик жуда авж олган, иккинчи томондан, Кумушнинг ой-кўни яқинлашиб, чин маънода, боши қоронгу бўлган бир пайтда ёзилган. Қолаверса, яқинларини соғиниш, уларнинг яхши-ёмон кўнида ёйла бўла олмаслик каби

¹ Абдулал Котирин, Ўшан кучибар, – Т. Фахр Гулом номидан Адабёт ва санъат нашрияти, 1994, 339-бет (Асрдан кестирилган келинги иккибослар ҳам ўзибашди олдинги ушун аср сирини) қисқини кестирин билин чекламини).

на сифатида уқубатлари мактуб муаллифининг айни пайтдаги ҳаётини қиқирлатиб берди. Шунинг учун ҳам хатнинг бошидан охиригача ушқун қиқират ва маҳзун руҳ кезинади. Хатни ўқиганда кайфиятнинг ўзгаришида муҳам хавотир ўрмалайди. Мактубнинг биринчи энергиялиддек бўвсининг ўлими ҳақидаги хабар ўқиганини қалбига аччиқ изтироб солганлиги баён қилинади. Ўзгариш Гюккенга, Маргилонда бўвсининг ўлиmidан хат орқали хабар қилини, бундан каттиқ изтиробга чўмади. Шу ўринда унинг айни ҳаётини, жинларига нисбатан самимий муносабат, чин ҳиссиёт ва сифатлиги қиёфаси янада яққолроқ намоён бўлган. Бундан мактуб муаллифининг куйидаги сўзларидан англаш мумкин: «Қани деб, амамо бечора бўлим экан берар экан, ёнида туриб бўлганим ёндо қолмаганим учун кўп ҳасрат чекдим. Кўз ёшларим билан қолганим юрдим. Бухун бешинчи кундан бери раҳматлик бўлим бўлганим ёндо қурбон бўлибдим. Хатм қилиб бағишлайман, худо берган раҳмат қилсин, сизга сабр берсин. Энди мусофир қалбимнинг бахтига сиз ўлиманг, омин»². Мактубдаги ушбу энергияли қалбимизга, бефарқ ўқиб бўлмайди. Шу тарика билан ўқиганини Кумушнинг айни пайтдаги руҳий оламига эътироф олиб қаради. Китебоҳонда унга нисбатан пайдо бўлган қалбимизни Кумушта нисбатан пайдо бўлган симпатияни янада яққолроқ кўриб, айни пайтда унинг йўлига тўсик ва бахтига гов

Анорон ундоу мактуо жуда катта говий, бадиний ва мантйкий
таламани Устадин на бу куйиндагиларда кўта ташланади:

Илгиринчилар, юкорида айтилганидек, Кумушнинг маънавий
олимагини ёритишда ушбу мактуб ўзига хос қалит вазифасини

Иккинчидап, Кумуш ва Зайнаб ўртасидати кундонини муносабатининг ўта кекинлашиб бораётганиги хақида ўқувчи ушбу мактуб орқали бохабар қилинади. “Ўткан халқларимиз кундашим билан миросамиз келтирмай турганини кўздурж тортдиб ёган эдим. Нафсламбирда эрса, орқамиз жуда бузилган, мен мен ўшан вақтларда чин кундашлик тўйини кийган эдим. Зайнабнинг биймас ҳужумати эса голубо манам икки қатъиғим ошкор бўлди кундан бошланди...”³ Бу эса асар кульминацияси ҳисобланган Кумушнинг Зайнаб томонидан захарланиши, ва ўлгиши билан боғлиқ воқеанинг бадиий асосланишига хизмат қилади. Мактубда бадиий ўртачилиги тортишувлардан чарчатган Отабек уларга қуйилган тахдид қилади: “Агар шу ҳолда давом этдирсангиз иккиларимиз ҳам баробар жавоб бериб қўшганим”⁴. Бу тахдид, албатта, кўпроқ ўзига қаратилганлигини аңлаган Зайнаб аразлаб онасининг уйига кетиб қолади. Бир неча кундан кейин эса ювошгина бўлиб қайтиб кетади. “Улардан (ота-онасидан — У.Х.) ҳам яхшигина дакки етди бўйса керак, бир неча кундан сўнг ёвошқина (таъкид бизники У.Х.) бўлиб қайтиб келди. Энди шу воқияга икки ой чамаси аввал ўтди ва лекин орқамиздан жасажас чикмади. Мен жўртмага бодиб ганларини тексаришқика олиб кўрсам ҳам ул чурқ эмтайдир”⁵ Зайнабнинг ана шу новош тортиб қолганлигида муҳим тап бор. Зайнаб онасиникида опаси Хушрўйбойи билан учрашади, машум режасига шундан сўнг боқичи-ма-боқич қиришади. Режанин биринчи боқичида Зайнаб бошқаларда шубҳа уйғотмаслиқ учун Кумуш билан ошқора муносабатини яхшилаши лозим эди. Кумуш эса Зайнабадаги бу ўзгаришни ўзича тахмин қилади: “Унинг бу ҳоли

[illegible]³ Уша асар. 363-бет.⁴ Уша асар, 364-бет.⁵ Yumacap, 364-6cr.

руҳиятини шу билан изоҳлаш мумкин. Қоляверса, хатининг тўра ўринларида Қумушнинг "Келаси ойдан жуда юрасам уюшадур Кечалари кўка қараб келаси ой шу қушиларда ёруғ дунёда борманми йўрманми дейман", "Келаси ойдан кўйқаман..." каби умидсизликни ифтихор билан хитоблари китобхонни беихтиёр хушёр тортирибди, ун келажакдаги муқаррар фожиядан огоҳ этади.

Тўрттинчидан, мактуб нафақат Қумушнинг, балки Заһид
Ўзбек ойм, Юсуфбек хож кибиларнинг ҳам образ сифатини
киёфасини янада ёрқинроқ тавдлаштириш имконини берди.
Ундати чизгилардан китобхон Ўзбек ойм характеридан
оғайликка мойиллик, халдан ортик ору-хавас кишиси эканлигини
яна бир бор амин бўлади ("Қудангиз мени на ерга ва на кўб
итондир, ўн беш кундан бери қўлимни соғуқ сузга ҳам урдирма
қўйди. Ўзи гўёки тўйга ҳозирлангандек бешик ясаб, сарпа тили
юрыйди..."). мактуб муаллифи типидан ўзига хос тарз
таъсирчан баён қилинган сифатлар ортида Юсуфбек хожинини
муъазам сиймоси янада баркамоллик касб этади, унинг
характеридати взаимиллик, мулоҳазақорлик ва ўзига тан бўлган
аёлларни қучли меҳр-муҳаббат билан ардоқлаш каби сифатлар
қўзга ташланади: "Сиз ранжисангиз ҳам айтай. қайин отанин
даданан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим қуянгизинин
дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўли
қўриган сиймосини, ойм деб хитоб қилгандаги мулоқим, беозор ва
муасир сўзини яхши кўраман. Ул насихат учун оғиз очса ержурин
эрб кеткандек ва бир турлук ухлиб ҳузуллангандек. Қисқаси
Заһид билан жанжаллашганингиз ўзи бир ҳузур ва жанжалдан
бўйсизган, қайин отанингиз қаршисига ўлириб насихат эшитини
ундан ҳам яхши ҳузур... Сиз маням тебба сўзларидан

[illegible]

Кўраётганимиз асарнинг алоҳида қисмлардан иборат муқаммал бўлиши, дейини мумкин. “Ўткан кунлар” сюжетидан ўрин олган биринчи мактубнинг қай даражада муҳим композицион қисм экани аниқланганга гуноҳ бўлдиқ. Ушбу мактубсиз биз асарни қандайдир тасаввур қила олмаймиз. Ваҳоланки, асарнинг ҳар бир сўзи ва сўзини инебатан шуқдай таърифни ишлатиш мумкин. Бизнинг адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов “Ўткан кунлар” романи асосан таърир экан, “*Адабий ёдгорлиқнинг*” (“Ўткан кунлар”нинг – *Ваҳоб Раҳмонов эмас, ҳар бир ҳарфи ҳам даҳисиз, асраб ва ҳимоя қилинган эндиликдан тижирлардор*”¹², дейди. Адабиётшунос-романист кўнлар” романининг тўлиқ тушуниш учун уни қамида беш қисмга қилин қилин, дейишганида асарнинг шу жиҳатларини назарда

Тарихий ҳақиқат ва унинг баъдий талқини

(Бобур, Ҳумоюн ва Акбар ўртасидаги оқшона ворисийлик Пиримқул

Қодиروف таълифиди)

Адабиётимизга 1950 йилда “Студентлар” асари билан кириб келган Пиримқул Қодиروف “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос” каби киссалари билан адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой эгаллади. “Уч илди”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар” каби романлари билан йирик жанрда ҳам тажрибасини орттиргач, анчайин мураккаб ва давр нуқтаи назаридан қалтис ҳисобланган тарихий мавзуга қўл уради. У ўтган асрнинг олтиншинчи йиллари охирига келиб темирўйлар салтанатининг Туронзаминдаги инкирози ва ўзга юртлар: Хуросон ва Ҳиндистонда қайта тикланиши, темирўй саркарда ва олим, шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг марказлашган йирик империяга асос солиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Юлдузли тунлар” романи устида иш бошлади. Ўзоқ йиллик изланишлар, қузатишлар, саёхатлар, ўй-мушходалар ва оғир меҳнат самараси ўларок асар ниҳоясига етди.

Адиб бу романи билан ўзбек адабиётида тарихий романчилик анъанасини янги босқичга олиб чиқди. Роман ўзининг ҳаққонийлиги ва тарихий воқеаларни баъдий ўзлаштиришдаги ютуқлари билан ажраллиб туради. Романдаги мураккаб ва зиддиятли воқеалар тасвири жараёнида марказий фигура – Бобур талантили лирик шоир, моҳир саркарда, тарихчи олим, меҳрибон ота, санъат ва адабиёт ҳомийси сифатида таваллангани.

Романда ҳаёт ҳақиқати, мураккаб ва зиддиятли давр тарихий ҳужжатлар, мемуар асарлар асосида баъдий талқин қилинган. Ҳусусан, Бобур образининг ёрқин ва мукаммал чиқишида ёзувчининг буюк шоир шахсини чуқур ўргангани, тарихий ҳужжатлардаги мавзуга доир маълумотларни синчиклаб ўзлаштир-

гани, руҳий таҳлил санъатидан моҳирона фойдалангани ва ҳар бир номининг пухта асослай билганлиги алоҳида аҳамият касб этган.

Ёзувчи “Юлдузли тунлар” романининг давом бўлган “Амоллар домони” да эса бобурийзодалар: Ҳумоюн ва Акбарнинг тарихий кифасини баъдий жонлантиради. Роман дилогияда Бобур, Ҳумоюн ва Акбар образлари бир-бирини тўлдирди. Тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда ёзувчи улар ўртасидаги маънавий алоқини изчиллик билан асослаб беради. Мазкур оқшона ворисийлик принципи бутунги талқикотимизнинг оёбъекти сифатида олинган.

“Юлдузли тунлар” романида Бобурнинг она – Ватанига бўлган меҳру мухаббатга, ўз Ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлиб чеккан изтироблари, марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш борасида олиб борадиган курашлари Бобур характерининг ёрқин ҳамда жонли оқшонини таъминлаган.

Асарда Бобурнинг мураккаб ва кўп қиррали тарихий сиймоси ошдирилган. Ёзувчи унинг инсоний фазилатларини онаси Қуддус Нигорхонимга, опаси Хонзодабегимга, суюкли хотини Мохим бегим ва азиз фарзандларига бўлган муносабатлари мисолида очиб беради.

Бобур қудратли давлат тузиб, юртни тинчитиш, мамлакатни обод қилиш йўлида курашар экан, илм, фан, санъат, адабиёт аҳлига қар жихатдан ёрдам беради. У улкан ва қудратли давлат барпо этиш учун мамлакат ичидagi фозил кишиларни ўз ёнига олади. Улар билан ҳамкорлик қилади.

Асарда йирик давлатга асос солган шоҳ, мамлакатни обод қилишга астойдил ҳаракат қилган бунёдкор, адабиёт ва санъат риножига катта ҳисса қўшган ҳомий сифатида Бобурнинг кент

камровли бадийи образи яратилган. “Менинг тақдирим ғалати, мавлоно, атрофимни обод қилганим сари ўзим сўлиб бормоқдаман... Мен бир зўр давлат қуриш мақсадини зимманга олганимда бўнинг қанчалик мушкул эканини тасаввур қилмаган эканман. Туну кун меҳнат, ташвиш, ўт-олов... худди ҳаракатдаги вулкон орасида тушиб қолгандекман. Қўзлаган мақсадим амалга ошгунча умрим етгайми, йўқми, билмайман”¹³, дейди Бобур бир ўринда.

Асарда сарой мухити, ундаги эҳдиётлар ҳам ҳаққоний акс эттирилган. Ёзувчи амир-амалдорларнинг қирдиқорларини фош этар экан, ўша даврга ҳос ҳаёт манзарасини чиза олган. Бобур ўзининг энг яқин кўрикчиси Тоҳирнинг: “Сиз подшоҳсиз, хазратим. Бекар сизнинг итотингиздалар”¹⁴, деган илтифотига жавобан: “Итоатимда бўлиб, итоат этдирурлар. Буларнинг шундай гирдоблари борки, сал беҳабар қолсангиз фарқ қилиб юборулар...”¹⁵, дейди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, сарой мухитида фисқу фасод, гина ва адоват, ноҳақлик ин қуриб олган. Шундай шароитда Бобур ўзидаги дипломатик қобилият, Амир Темурга ҳос адолатпарварлик билан танг вазиятларни бартараф эта боради.

Асардаги воқеалар жараёнида Бобур шахсида динамика қузғилиди. Бу табиий ҳол эди. Чунки ўн икки ёшида тахтга ўтирган Бобур шахси ҳаёт синюварлари ҳар томонлама тобланади, асар ниҳоятга қараб у буюк шахс сифатида ўқувчи кўз ўнгига ўсиб-ўзгариб боради.

Ёзувчининг “Юлдузли тунлар” романи эълон қилингач, тез орада бошқа тилларга ҳам таржима қилинди. Ўзбекистон ва Москва матбуотида юксак баҳо олди. Ёзувчи бундай маънавий медаллардан руҳланиб “Юлдузли тунлар”нинг давомини – Ҳумоюн ва Акбар

¹³ Қодиров П. Юлдузли тунлар. Роман. Сайёҳнома. 3-жилди. 3-китоби. –Т.: Адабиёт ва санъат нashриёти, 1988. 228 б.

¹⁴ Ўша асар. 228 б.

¹⁵ Ўша асар. 228 б.

қалъишги роман “Авлодлар довоми” устида иш бошлади. Иббуройлар сулоласига бағишланган кўплаб асарларни синчиклаб ўқигани, икки бор Ҳиндистонга сафар қилиб, асар қаҳрамонлари: Бобур, Ҳумоюн ва Акбар юрган йўлларни кезди, улар яшаган жойлар билан бевосита танишиди. Ниҳоят, дипломатнинг иккинчи китоби ҳам дунё юзини кўрди.

Асарда Ҳиндистон ва Ҳуросон тарихининг энг чингад драматик моменти, кўплаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, ашрофлар алмашуви, ғалаба ва инқирозлар, давр ғоялари, турли эътиқодлар тўқнашуви, диний, фалсафий масалалар қураши, олдий меҳнат аҳлининг аҳвол-руҳияти, ҳар хил миллат ва даврларга оид улум-тамоийлар, ғоят катта худуд – турли юртларнинг шахару қишлоқлари, табиати, иқлими, мухити – буларнинг барчаси жонли, иник манбалар асосида бадиий тавлаштирилди.

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, Ҳумоюн ва Акбар номлари билан боғлиқ.

Асар давомида Ҳумоюн халқпарварлиги, адабиёт ва санъатга, илм ва маърифатга ҳомийлик қилиши, хотин-қизларга муносабати, ўн ииларига бўлган меҳр-муҳаббати, халқнинг тинч ва тотув яшашини учун астойдил бел боғлаганлиги билан теурийзодаларга ҳос шох, хусусан шох ва шоир Бобурга муносиб фарзанд сифатида намоён бўла боради.

Ёзувчи Ҳумоюн Мирзонинг инсоний фазилатларини атрофидати қишларга бўлган муносабатлари мисолида очиб беради. Айниқса, Ҳумоюн аммаси Ҳонзодабетимни жуда қадрлайди. Унга меҳр билан муомала-муносабатда бўлади. Давлат ишларини олиб боришда ундан маслаҳатлар сўрайди. Ўз навабатида, Ҳонзодабетим ҳам Ҳумоюнни жуда ҳурмат қилади, иниси Бобур Мирзога муносиб ўғил эканидан қувонади.

Асарда Ҳумоюн Мирзонинг ўз давлатини катъий туриб ҳимоя қилиши, Ҳиндистондаги бошқа тождорлар билан олиб борган жангу жадаллари, аввало, Темурийлар салтанатининг вориси сифатидаги насъулиятдан қувват олади. Темурийлар салтанати Турон заминиди парокандаликка юз тутиб, Бобур Мирзонинг саййи-харақатлари билан, аввало, Хуросон, кейин Ҳиндистон заминиди қайтадан тикланди. Ҳумоюн Мирзо ворис сифатида бу салтанатни бус-бутун сақлашни, отаси Бобур Мирзо олиб борган сиёсатни давом эттиришни ўзининг аждодлари олдидидаги шарафли бурчи деб билади. Ҳумоюн тақдирини баъзи жихатлари билан отасининг тақдирини эслатади. У ҳам отасидек бир неча бор танг аҳволда қолади, енгиледи, тахтни қўлдан бой бериб, чекинади. Лекин умидсизланмайди, турли йўллар излайди. Зеро, умидсизлик-ка берилишга, тақдирга тан беришга унинг темурийлар салтанати олдидидаги ворисийлик хисси йўл бермайди. Натижада, отасидан мерос қолган улкан империяни сақлаб қолади.

Турли тождорларга, жумладан, ўша вақтда жуда катта кучга эга бўлган Шерхон шоҳга қарши урушларда Ҳумоюннинг отаси қаби тадбир ва ақл билан иш қўриши, тарихий тажрибаларга суяниши ва мохир саркардалик фазилатлари очилади. У Шерхондан енгилиб, Ҳиндистондан қувилгач, Эрон шоҳи Таҳмасп хузурига боради. Таҳмаспга хушмуомалалик билан совға-саломлар беради, унинг кўнгилга йўл топади. Айни шу жараёнда Ҳумоюннинг сиёсий онги ва дипломатик қобилияти кўзга ташланади. Таҳмасп ёрдамида у яна Ҳиндистонга қайтади, тахтни яна эгаллайди.

Асарда сарой муҳити, ундаги элдизлар ҳаққоний акс эттирилган. Амир-амалдорларнинг, дин пешволари, бекаларнинг адолатсизлиги, золимлиги, манфат ва мансабпарастлиги, шахзодаларни бир-бирига қарши қайраши, фитна-фасолда ружу

қўйишлили очик кўрсатилган. Саройдаги бу келишмовчиликларга нисбатан Ҳумоюн образидидаги донолик, тадбиркорлик қаби фазилатлар қарши қўйилади, шу жараёнда унинг шахсияти очилга боради. У ҳам тождор аждодлари қаби адолатни ўзига шор қилади, адолатсиз амир-амалдорлар билан муроасага бормаиди, уларга нисбатан зарурият туғилганда каттик жазо чораларини қўйлайди. Хусусан, асарда шахзодаларнинг ўзаро келишмовчиликлари, биродарқушлик урушлари, тахт учун талаш, Ҳумоюннинг эса уларни инсофта чақиритиш, ўзаро бихамжихат бўлишга ундаши билан боғлиқ эпизодлар фавқуллода таъсирли тасвирланган. Амалдорларнинг ғаразли ишлари оқибатида Ҳумоюн ва унинг иниллари ўзаро келишолмай яшайдилар. Ҳумоюн Бир неча бор инилларнинг хоинликларини кечиради, отаси айтганидек, уларга шифкат қилади. Бундан инилари сабоқ олиш ўрнига хўннатни яна илж олдириб юборайдилар. Оқибат Ҳумоюн Комроннинг кўзига мил тортишга мажбур бўлади. Бу ишидан қўп азобланган Ҳумоюннинг подшоҳлик ҳақидаги ҳулосаси қуйидигича жаранглайди: “Ҳа, шохлик – ўзи шифкатсизликдир. Аҳли жаҳон шундай бераҳм бўлса, бин не қилайлик?”

Асарда Ҳумоюн ва Ҳамида бону севтиси орқали соф муҳаббат, вафо ва садоқат улуғланади. Умуман, Ҳумоюн ҳам бошқа темурий хукмдорлар қаби, хусусан, Амир Темур, Мирзо Улугбек ва Ёобурулар қаби аёлларга ўта юксак даражадаги меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлади.

“Авлодлар довони” романидаги Акбар образиди дастлаб Ёобур миродади, кейин эса Ҳумоюн миродади инсоний фазилатлар, давлат сиёсатини олиб бориш тадбирлари, байналмилаллик ва диний бағрикенглик голлари яна бир потона юкорига кўтариллади. Бобур ва Ҳумоюндаги юртдан бегоналик

туйгулари Акбар образида сезилмайди. У Ҳиндистонда туғилди. Ҳиндистонни ўз юрти эканлигини ҳис қилган ҳолда фаолият олиб боради. Бобоси ва отасидан мерос қолган тахтни катъий туриб ҳимоя қилади.

Асарда Акбарнинг тоғу тахт учун олиб борган жангу жадаллари, бунёдкорлик ишлари, орзу-армонлари ёзувчи томонидан ўта маҳорат билан акс эттирилган. Ҳиндистон – кўп миллатли ва кўп эътиқодли мамлакат. Ҳиндистон халқи узок йиллар давомида миллий ва диний айирмалар, адоватлар жабрини неча бор татиб кўрган. Илгир кишилар эса миллий ва диний айирмаларга қарши чиқиб, турли дин ва миллат кишиларининг тинч ва тотув яшаш ғояларини илгари сурганилар. Акбар ана шу умумбашарий ғояни амалга оширмак йўлида астойдил кураш олиб боради. Акбар барча миллат, дин, эътиқодларни бир ҳилда кўради, уларни тенг деб эълон қилади. Бу борада у янги “сулҳи кул” – ҳар томонлама тинчлик сиёсатини илгари суради. Романда мана шу эзгу ғоянинг туғилиш тарихи, унга бўлган тарихий зарурият, ҳаётини эҳтиёж, бу ғояни рўёбга чиқариш йўлидаги машаққатли курашлар, сон-саноксиз курбонлар, унинг тантанаси ва фожеий инқирози Акбаршоҳ номи билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ёзувчи томонидан ўта билимдонлик ва катта маҳорат билан бадний тадқиқ қилинган.

Акбар образида Бобур ва Ҳумоюн мирзоларга хос фавқулодда мардлик, тадбиркорлик, ўз шаънини катъий туриб ҳимоя қилиш фазилатлари бўғтиб кўринади. Бу фазилатлар Акбар ва Байрамхон муносабатларида, хусусан фил жангида яққол очиб берилган. Акбар образидати инсоний фазилатлар асар давомида рўйи рост бўй кўрсата боради. Асарни ўқир экан, китобхонада беихтиёр бу образга нисбатан каттиқ муҳаббат, хайрихоҳлик туйғулари уйғонади. Бу

инжиглари билан Акбар образи адабиётимиздаги мукамал тарихий енгимолар қаторидан муносиб жой эгаллайди.

“Авлодлар довоми” бобурийларнинг Ҳиндистондаги сиёсати мақолада ҳикоя қилувчи кимматли тарихий романдир. Унда бобурийлар тарихига онд муҳим воқеалар йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун, гоҳо эса ҳар бир дақиқасигача аниқ кўрсатилади. Бобур, Ҳумоюн ва Акбар Ҳиндистон тарихида буюк ишлари амалга оширган буюк теңурий тоғдорлар сифатида ҳурмат билан тилга олинди. Атоқли француз тарихчи олими Эрнест Ренан буюк теңурий тоғдорлар: Бобур, Ҳумоюн ва Акбарлар орасидати оқшола нарисийлик тарихда факат бир марта содир бўлган нодир қолнаса эканлигини айтиб ўтган. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатта юз тутган Теңур салтанатини янги асосда тиклади, Ҳумоюн эса отаси носо солган салтанатни хилма-хил таҳдиду тажовузлардан омон келтириб қола билди, Акбар эса бу салтанат доврўғини жаҳонга ёйди.

“Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довоми” роман дилогияси ушбек тарихий романчилигида муҳим ҳодисалардан бири бўлиб, ёзувчининг катта ижодий ютуғи ҳисобланади. Теңурийлар тарихининг ҳаққоний манзарасини яратишда кимматли манба енгимолар бу романларнинг кадри янада ошиб бораверди.

МИРТЕМИР – СЌЗ САНЪАТКОРИ

(ичиний рисола)

1. Сўзнинг бадний имкониятлари

(Шоир ижод лабораториясига назар)

Бадний адабиёт сўз санъатидир. Ҳар бир шоир ёки ёзувчининг маҳорати, аввало, унинг сўздан қай даражада фойдалана олганлиги билан белгиланади. Бадний маҳоратнинг биринчи шарти сўз экан, унга қандай муносабатда бўлиш шоир ёки ёзувчининг ихтиёрида. Лекин бу эркинлик бадний асарнинг савиясини белгиллашини эътиборга олсак, ижодкордан сўзга нисбатан қучли масъулият билан ёндашиш талаб этилиши аниқ бўлади. Атоқли рус адиби М.Горький сўзни “Адабиётнинг биринчи элементи... адабиётнинг асосий қуролидир”¹⁶, деб баҳолайди. Таниқли сўз устаси К.Федин эса “Ёзувчининг маҳорати ҳақида гапни тилдан бошлаш керак”¹⁷, деб таъкидлайди.

Сўз инсонга тўғридан-тўғри хабар сифатида таъсир қилиши ёки унга эстетик таъсир қилиб, унда турли ҳиссийётларнинг қўзғолишига сабаб бўлиши мумкин. Бадний адабиётда сўз китобхонга эстетик таъсир қилади. Сўз эстетик таъсир воситасига айланиши учун унга “ёрқин истъодод этаси ўз муҳрини боستان бўлиши керак”¹⁸. Бу эса сўзнинг турли хил бадний имкониятларидан фойдалана олиш маҳорати билан воқеа бўлади.

Айни пайтда, эпик ва лирик асарларда сўзнинг бадний имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. Эпос тилида тасвирийлик ва манзарадорлик устуңлик қилгани боис, сўзнинг эстетик қучи ўқувчига воқеа-ҳодиса орқали таъсир қилади. Бу жараёнда ўқувчининг диққати сўзга эмас, воқеа-ҳодисага қаратилган бўлади.

¹⁶ Горький М. О литературе. – М.: 1953, с.672.

¹⁷ Федин К. Бадний ижод ҳақида совет ёзувчиларининг нутқи на мақолалар тўплами. – Т.: Ҷаҳоннашр, 1960, 113-бет.

¹⁸ Мейсен С. Ўбек тили на адабиёт. 1982. 2-сон, 33-бет.

Лирик асарларда эса сўзнинг масъулияти эпик асардагига нисбатан каттарок. Чунки лирик асарларда турли қўринишдаги кечинмалар ифодаси биринчи планга чиқади. Моддий нарсани тасвирлашдан қўра маъхум нарсани ифодалаш ҳам, тасаввур қилиш ҳам бироз қийин. Шунинг учун шеърни айнан ўқиш жараёнида (тўла матн қўринишида) унинг тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шеърнинг мазмунини ҳикоя қилиш ёки ундан олган тасвуротларни баён қилиш билан унинг таъсир қучи йўқолади. Бу ҳол шеър матнидаги сўзлардан бирортасини олиб ташлаш, ҳатто, алмаштириш ҳам унинг баднийлигига путур етказди, деган қулосини беради. Зеро, поэтик сўзнинг ўзига ҳослиги ҳақида “шеър лексикаси бўлундай ўзига ҳосдир”¹⁹, деган эди Л.И.Тимофеев. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, шеър ўз табиатиға қўра “эңг яқин тартибланган эңг яқин сўзлардир” (Қолдирик).

Масалата шу нукта на зардан қаралганда, бадний адабиётда, қулуши, шеърый асарда сўзнинг бадний имкониятлари масаласини ўрғиниш, ҳақиқатан ҳам, шoirнинг бадний маҳоратини ўрғанишнинг асоси ва қалитини ташкил этади. Шунинг учун ҳам улкан санъаткорлар ҳамиша тилға алоҳида аҳамият бериб келгандар, бадний асарда сўзнинг ўрғини асарнинг асосий қимматини белгилловчи муҳим омиллардан бири, деб ҳисоблагандар.

Шоир Миртемир ҳам ижодкор сифатида бу масалата катта эътибор билан ёндашган. Бунга шoirнинг бой шеърый луғатидан қам, образли ифодаларга тўйинган сатрларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Шoirнинг бой, рангин лексикаси, халқ қўшқларига қамоханг, баъзида ўйноқи, баъзида тамгин, баъзан эса кинояли тевир усули, ўзига ҳос оригинал ва тансиқ ташбиҳлар ишлатиши

¹⁹ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: 1971, с.268.

МИРТЕМИР – СЌЗ САНЪАТКОРИ

(илмий рисола)

1. Сўзнинг бадий имкониятлари

(Шоир ижод наботдорлигига назар)

Бадий адабиёт сўз санъатидир. Ҳар бир шоир ёки ёзувчининг маҳорати, аввало, унинг сўздан қай даражада фойдалана олганлиги билан белгиланади. Бадий маҳоратнинг биринчи шarti сўз экан, унга қандай муносабатда бўлиш шоир ёки ёзувчининг ихтиёрида. Лекин бу эркинлик бадий асарнинг савиясини белгилашнинг эътиборга оласа, ижодкордан сўзга нисбатан қучли масъулият билан ёндашиш талаб этилиши аниқ бўлади. Атоқли рус адаби М.Горький сўзни “Адабиётнинг биринчи элементи... адабиётнинг асосий қуролидир”¹⁶, деб баҳолайди. Танқиди сўз устаси К.Федин эса “Ёзувчининг маҳорати ҳақида гапни тилдан бошлаш керак”¹⁷, деб таъкидлайди.

Сўз инсонга тўғридан-тўғри хабар сифатида таъсир қилиши ёки унга эстетик таъсир қилиб, унда турли ҳиссийларнинг қўзғоллишига сабаб бўлиши мумкин. Бадий адабиётда сўз китобхонга эстетик таъсир қилади. Сўз эстетик таъсир воситасига айланиши учун унга “ёрқин истеъдод этаси ўз муҳрини боёсан бўлиши керак”¹⁸. Бу эса сўзнинг турли хил бадий имкониятларидан фойдалана олиш маҳорати билан воқеъ бўлади.

Айни пайтда, эпик ва лирик асарларда сўзнинг бадий имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. Эпос тилида тасвирийлик ва манзараторлик устуңлик қилгани боис, сўзнинг эстетик қучи ўқувчига воқеа-ҳодиса орқали таъсир қилади. Бу жараёнда ўқувчининг диққати сўзга эмас, воқеа-ҳодисага қаратилган бўлади.

¹⁶ Горький М. О литературе. – М.: 1953, с.672.

¹⁷ Федин К. Бадий ижод ҳақида совет ёзувчиларининг нутқи ва мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 1960, 113-бет.

¹⁸ Меллер С. Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон, 33-бет.

Лирик асарларда эса сўзнинг масъулияти эпик асардагига нисбатан каттароқ. Чунки лирик асарларда турли қўринишдаги кечинмалар ифодаи биринчи планга чиқади. Моддий нарсани тасвирлашдан кўра маънум нарсани ифодалаш ҳам, тасаввур қилиш ҳам бироз катин. Шунинг учун шеърни айнан ўқиб жараёнида (тўла матн қўринишида) унинг тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шеърнинг мазмунини ҳикоя қилиш ёки ундан олган тасвуротларни баён қилиш билан унинг таъсир қучи йўқолади. Бу эса шеър матнидаги сўзлардан бирортасини олиб ташлаш, ҳатто, алмаштириш ҳам унинг бадийлигига путур етказди, деган қулосани беради. Зеро, поэтик сўзнинг ўзига ҳослиги ҳақида “шеър лексикаси бутунлай ўзига ҳосдир”¹⁹, деган эди Л.И.Тимофеев. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, шеър ўз табиятига қўра “энг яқин тартибланган энг яқин сўзлардир” (Қолдирж).

Масалата шу нуктаи назардан қаралганда, бадий адабиётда, муҳусан, шеърй асарда сўзнинг бадий имкониятлари масаласини ўрганш, ҳақиқатан ҳам, шоирнинг бадий маҳоратини ўрганшнинг асоси ва қалитини ташкил этади. Шунинг учун ҳам улкан санъаткорлар ҳаминша тилга алоҳида аҳамият бериб келганлар, бадий асарда сўзнинг ўрнини асарнинг асосий кимматини белгиловчи муҳим омиллардан бири, деб ҳисоблаганлар.

Шоир Миртемир ҳам ижодкор сифатида бу масалата қатта эътибор билан ёндашган. Бунга шоирнинг бой шеърй лугатидан қам, образли ифодадларга тўйинган сатрларидан ҳам биллиб олиш қилини эмас. Шоирнинг бой, рангин лексикаси, халқ қўшиқларига қамоханг: баъзида ўйноқи, баъзида ғамгин, баъзан эса кинолти тасвир усули, ўзига ҳос оригинал ва тансиқ ташбиҳлар ишлатиши

¹⁹ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: 1971, с.268.

ва “булбул”, “куй” ва “гул” сўзларининг ўзаро муносабатида кўринади. Чунки биринчи нашрда банднинг тўртинчи мисрасидаги “достон” сўзи билан олтинчи мисрасидаги “гул” сўзларининг мантикий боғлиқлиги ўта кучсиз бўлган. Таҳрир натижасида “достон” сўзи “гул” сўзи билан эмас, “булбул” сўзи билан янги алоқата киришган, натижада шеърини нутқининг мантикий изчиллиги ортган. Иккинчидан, дастлабки нашрдаги банднинг бешинчи-олтинчи мисраларидаги таҳрир натижасида ундаги маъно кўлами бадий мантик тақозосига кўра кенгайган. Агар биринчи нашрнинг айни мисраларида фикр факат гуллар ҳақида кетаятган бўлса, кейинги нашрда бутун олам ҳақида боради, жумладан, гуллар ҳам “танбуридан таралаётган наво”дан таъсирланишини истади шоир. “Қип-қизил гуллар” бирикмасининг “қирмизи гуллар” тарзида ўзгартирилиши шеърини нутқининг услубий мукамаллигини таъминлайди. Зеро, “қизил” сўзига нисбатан “қирмизи” сўзида поэтик услубга хослик кучли. Учинчидан, биринчи нашрнинг иккинчи мисрасидаги “чидолмай” сўзининг ўрнига “чарх уриб” бирикмасининг, “ерга” сўзининг ўрнига “чаманта” сўзининг киритилиши аллитерация санъатини (“ч” аллитерацияси) юзата келтириб, мисраларнинг оҳангдорлигини оширган, айни пайтда, образлилик ва сўзлараро мантикий алоқа ҳам таъминланган. Бинобарин, “чидолмай” сўзидан кўра булбулга нисбатан “чарх уриб” бирикмасининг ишлатилиши ва унинг “ерга” эмас, “чаманта” тушиши мантикий жиҳатдан тўғрироқ ва поэтик нутқка мос келади.

Миртемир асарларига шу тарика тинимсиз ишлов бериши натижасида сўз ва бирикмаларнинг маъно қирралари очила боради. Бавъан мисралардаги мавҳумлик ўрнини аниқлик, поэтик кечинманинг тиниқлиги эгаллайди. Масалан, шорининг “Тутқун

нинг” номли шеъри учинчи банди 1958 йилги “Танланган шеърлар”ида қуйидагича бўлган:

Синик қалб – тутқун

Қимми қутмади?

Қафасда кун-тун

Фарёд этади. (1. 32)

1970 йилги “Асарлар”ида шоир мазкур бандни таҳрир қилар экан, аввало, учинчи шахста қарата айтилган поэтик нутқ иккинчи шахста қаратилади, банднинг биринчи, иккинчи мисралари билан учинчи, тўртинчи мисраларининг ўрни алмаштирилади. Оқибатда, шеърлардаги мавҳум кечинмалар ўрнини аниқлик, кечинмаларнинг ёқинлиги эгаллайди.

Қафасда кун-тун

Фарёд этасан.

Синик қалб – тутқун

Қимми қутасан? (1.12)

Ёки шорининг “Чашма бўйида” номли шеърдаги “Табиат этоди кўклам тўйини”²² мисрасида ноаниқлик, фикрнинг тумтоқ-лиги кўзга ташланади. Бу эса “этали” сўзига ортик даражада муваққил маъно юклаш оқибатида содир бўлган. Аслида эса “эмом” сўзи тўлиқсиз феъл сифатида мустақил маънога эга эмас.²³ Бу мисрани шоир 1970 йилги “Асарлар”ида “Табиат бошламиш кўклам тўйини” тарзида ўзгартириб маъно аниқлигини таъмин-ловди.

Бавъан эса таҳрир натижасида шеърини мисралар халқ руҳига, поэтик нутқ эса халқ сўзлашув услубига яқинлашади. “Танбурим юмуши” шеърининг олдинги нашрдаги (“Танланган асарлар”, 1958 й.) “Шу чоқда тўхтагисин кўзларининг ёши” мисрасининг кейинги

²² Миртемир. Танланган асарлар. –Т.: Ҳадабийнашр, 1958. 31-бет
²³ Ҳодоев тилин грамматикаси. II томлик I том. –Т.: Фол, 1975. 419-бет.

нашрга ("Асарлар", 1970 й.) "Биракай тўхталсин кўзларининг ёши" тарзида ўзгартрилиши, яъни поэтик нутқда кам истёъмода бўлган сўзлашув услубига хос сўзнинг киритилиши Миртемир ижодий услубининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Зеро, шоир услубига хос хусусиятлардан бири ҳам унинг поэтик лугъатида халқона-диалектал лексиканинг кўп ишлатилишида кўринadi.

Шоирнинг "Кўзнингги ўйнатма.." деб бошланувчи шеърининг иккинчи банди 1958 йилги нашрда қуйилдигача:

*Кўп кунлар судрадинг сўнгсиз йўлларда
Мен-да тилсизларча эрсидим-кетдим.
Адашган эканман, бигисам чўйларда,
Мана эндишда тушуниб етдим...* (37)

Шоир 1970 йилги нашрга бу бандни битта сўзнинг ўзгартрилиши билан олиб қиради. Биринчи мисрадаги "сўнгсиз" сўзнининг ўрнига "тусмоғ" сўзи киритилди. Аслида, ўзгартришсиз ҳам поэтик хис ўйготувчи мисраларнинг ўзгартришдан сўнг таъсирдорлик қучи янада ортган. Чунки, биринчидан, "тусмоғ" ва "адашмоқ" сўзлари бир-бирига мантикий боғлиқ тушуначалар саналса, иккинчидан, кам истёъмода бўлган "тусмоғ" сўзи "сўнгсиз" сўзига нисбатан шеърин мисрада ўзининг хиссий-таъсирий бўёғини тўлароқ намойиш эта олган. Зеро, кам истёъмода бўлган ҳар қандай нарса қадри бўлгани каби сўзнинг ҳам кам ишлатилиши унинг таъсир қучини ўзида сақлайди.

Шоир ижодининг дастлабки даврларида сўз бобида баъзи лексик-услубий хатоларни ҳам учратиш мумкин. Лекин бундай хатолар шоир ижодининг эволюцион ўсиши баробарида бартараф бўла боради. Масалан, 1958 йилдаги нашрда "Нурхонни йўқлаб" шеърининг "Отир-отир рақсларингдан" (42) мисрасининг 1970 йилги нашрга "Қуш каби чарх уришларингдан" (1, 19) тарзида

киритилиши натижасида қиз бола рақсига нисбатан ишлатилган "отир" сифатловчисидати услубий хато бартараф этилади. Айни пайтда, иккинчи нашрдаги мисрада образлиқлик ва поэтик услубга қосилган аниқ кўзга ташланади. Ёки шеърдаги "Қанчалик ваҳший-бўз қуч" мисрасининг кейинги нашрга "Нечоғлиқ ваҳший-ёвуз қуч" тарзида таҳрир қилиниши шоирнинг йилдан-йилга сўзнинг поэтик жиҳодларини, услубий хусусиятлари ва хиссий-таъсирий бўёғини чуқурроқ англаб бораётганлигини кўрсатади. Зеро, "қанчалик" сўзига нисбатан "нечоғлиқ" сўзи поэтик нутқда қосилганлиги билан ажралиб туради.

Миртемирнинг бу каби шеър таҳрири ва сўзга нисбатан қучли ислоҳият билан ёндашуви ҳақида фикр билдирад экан, шоир А.Орипов шундай дейди: "Шеър устида шоирнинг бунчалик отир ақил қечкишини фазилат деб баҳоламоқ керак. Бир вақтлар рус шоири Вяземский Пушкин ҳақида таъриб, у "Тезгина ёзади, лекин қор бир сатрни узоқ вақт қиртишлайди", деган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, асар устида мутасил меҳнат қилиш таълантининг қичқилигини эмас, балки қатталигини билдиради"²⁴.

А.Мухтор айтганидек, "Шеърнинг биринчи хусусияти – табиийлик"²⁵. Миртемир шеърлари ҳам шоир поэтик тафаккурида юзига келган табиий ва самимий кечинмаларнинг муҳрланишидан юзига келади. "Миртемир шахси унинг поэзиясига жуда ўхшайди. Шеърлардаги ёрқинлик ҳам, одамга меҳрибонлик ҳам, ўйчанлик ва отирлик, собирлик ва оқиллик ҳам шоирнинг табиатида бор эди"²⁶. Зеро, шоирлик истёъоди унинг шахсиятига боғлиқ бўлмаган ёлғиз ҳолат эмас, балки унинг руҳияти, ички дунёси билан узвий

24. Миртемир замонашарни хотирлашда. А.Орипов. Юксик қаёл. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат пайишети, 1982. 141-бет.

25. Ушунга кўра. А.Мухтор. Устознинг таърифу ўрни. 33-бет.

26. Ушунга кўра. А.Мухтор. Устознинг таърифу ўрни. 32-бет.

равншида боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам, Миртемирнинг деразли барча шеърларида унинг табиатига хос муштарак жиҳат: майинлик, соддалик, ўйчанлик ва халқона оҳанг борки, аини шу хусусиятлар шоир шеърлари лексикасида ҳам ўз аксини топган. Шоир шеърларида сўз танлаганда шеър оҳанги ва унинг табиатидан келиб чиқади, уларга ички муҳимийлик асосига кўра тартиб беради. “Истардимки...” шеърда лирик қаҳрамоннинг самимий, беозор, ишқий туйғуларга тўла истатгани шундай ифодалади:

Истардимки,

Ҳеч бўлмаса, кўнш бўлсам содда,

Суюнганда,

Туйиб-туйиб тилга олармидинг,

Ўксинганда,

Мунгайганда динга солармидинг,

Балки шундоқ

Талай маҳал қолар эди ёдда.²⁷ (II. 141)

Шеъринг парчада лирик қаҳрамон ўзининг самимий истатини баён қилар экан, кўншлига йўл топа оладиган “содда кўнш” бўлиб, ёр билан яқин қолишни истайди, шу орқали маъшуқаси қалбига кириб бормоқчи бўлади. Шоир ўзи лозим топган сўзларни график жиҳатдан ажратлади, уларни алоҳида сатрларда беради. Бу билан ўша сўзлар ифодалаган маъно таъкидланади. Ажратилган сўзлар алоҳида интонацияни ҳам талаб этади. “Истардимки”, “Суюнганда”, “Ўксинганда” сўзлари ўзи тегилли мисраларнинг етакчи мазмунини ифодалайди. Биринчи мисрада фикр истак ҳақида кетаётган бўлса, иккинчи ва учинчи мисраларда маъшуқанинг икки хил ҳолатдаги кайфияти хусусида боради ва бу

қол “Суюнганда”, “Ўксинганда” сўзларининг алоҳида мисраларда таъкидланишига сабаб бўлган. Шеърдаги гумонлик маъноси (“Истардимки”, “олармидинг”, “солармидинг”, “балки” сўзлари негизасида англашилган) лирик қаҳрамон туйғуларининг самимийлигини ифодалайди.

Миртемир шеърларида шеър оҳангини мазмунга бўйсундириш тенденцияси кучли. Юқоридаги банднинг мазмуни шеърининг ўзига хос оҳангини ҳам белгилаб берган. 1,2,3-мисралардаги иккинчи турокнинг биринчи сўзи чўзиқ талаффуз қилиниши билан шеърнинг таъсир кучи янада ортади. Зеро, шеърининг бадий қудратини оширишда сўз-оҳанг муносабати ҳам муҳим. Чунки “Поэтик асарнинг етук бўлишини факат тилининг ўнгина ҳал этмайди. Аммо тил асарининг бутун ички оламни кўрсатувчи ойнадир ва поэзиянинг барча компонентлари билан муомала қилувчи кўп қиррали воситадир.”²⁸

Миртемирнинг баъзи шеърларида мисраларнинг охирига турли лексик элементлар қўшилиб келади. Бу ҳам шеърининг ўзига хос оҳанги талаби билан содир бўлади. Яъни, шоир бу каби шеърларида эрқаланиш, майинлик, халқона кўшқиларга хос оҳангини бериш мақсадида қисмларни мисраларга қистириб ўтди.

Шундоғам севаманки,

Сени, Фервонганим! (II. 145-бет)

Турпоқда ҳислат кўп, жисгарганим, ҳей! (II. 156-бет)

Дариси кўп дардага даво, яли-яли,

Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли... (I. 202-бет)

“Чинакам бадий асарда, – деган эди Г.А.Гуковский, – ҳар бир латифа, ҳар бир услубий хусусият, охир-оқибатда, ҳар бир сўз зарур, яъни образли вазифадор, муайян маъно ташийдиган”²⁹. Шоирнинг бу

²⁷ Миртемир. Асарлар. 4 жандлик. 2-жид. –Т.: Ёзувчи номинати Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 141-бет. Буни кўншли шеъринг парчада ушбу нашрдан олинди. Шунинг учун шеъринг парчаининг жонд ва сифоли рақамини қисс янча келтирилди.

²⁸ Адабиёт нашриёти. 1-том. –Т.: Фан. 1978, 356-бет.

²⁹ Гуковский Г.А. Изучение литературного произведения в школе. –М.-Л., 1966, с.103.

тахлит мисраларида тасвир этилатган ёки ифодаланган нараса-ходиселарга лирик қаҳрамоннинг кучли, самимий мухаббат, ҳаяжон, меҳри муҷассамлашади. Шердаги самимият, мухаббат, ҳаяжон, меҳр қаби туйгулар мисралар охиридаги айни ўша лексик-услубий элементлар воситасида юзага чиқади. Шoir “Фарғонам” дейиш ўрнига “Фарғонанам” дейиш билан олтин водийни, унинг “жаннатда йўк гўзаллигини” “шўх кўшиқ, жаранг нидо” билан куйлар экан, бу “кутлуғ юрт”га бўлган самимий мухаббатини оддий, лекин ўринли услубий восита орқали ёрқин ифодалайди. Чунки халқ тилидаги -гина элементи, кўпинча, кичрайтириш, эркалаш, севиш, меҳрибонлик қилиш қаби маъноларни англатади.

Миртемирнинг “Яли-яли” радифи муҳаммаси устоз Навоий ижодининг таъсирида яратилган. Мамулумки, Навоийнинг “Яли-яли” радифи газали мавжуд³⁰. Миртемир Навоийдаги ўша газалининг вазнини, оҳангини, кофийсини сақлаган ҳолда, шу радифда муҳаммас ёзди. Навоий ижодига халқ отаки ижодидан ўтган “яли-яли” радифи шерининг мазмунидан келиб чиқиб, турли хил оҳангни, кайфиятни ифодалайди:

*Гул очилиб, гулшан ўлув лолағун,
Бўйди анга назмасаро, яли-яли.
Бир назара солса дебон кўз тугурб,
Қоматимиз бўйди думо, яли-яли.
Ҳасста Навоийни тўхуб қонини,
Кўларига кўйди хино, яли-яли³¹.*

“Яли-яли” радифи Навоийда лирик қаҳрамоннинг аламли, ғамгин кайфиятини ифодалашга хизмат қилса, Миртемирда эса

³⁰ Алишер Навоий “Яли-яли” радифи газали еттинчи шайбистунос оғзи А. Абдуғафуров айтиб ўтати. Қаранг: Абдуғафуров А. Буёқ бешлик сайёҳлари. –Т.: Ғ.Ғулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. 80-81-бетлар.
³¹ Ўша асар, 81-бет.

унинг шодлигини, ҳаяжонини ифодаловчи лексик-услубий воситага айланади.

*Дараса кўн дароға даво, яли-яли,
Дим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.
Ҳовлиқуши тегбанамо, яли-яли,
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли,
Шоққинидан тўйди ҳаво, яли-яли.*

Ўзбек тилидаги деврли барча сўзлар турли маъно товланиши-ларига эга. Бу жиҳатдан ўзбек тилининг (туркий тилларнинг) нокдавр бой эканини буёқ Навоий ҳам эътироф этиб ўтган³². Сўзлар билан ишлайдиган санъаткор тилдаги ўша маъно ранг-барангликларни нозик томонлари билан илғаш, ўқувчиларга ноктира олиши лозим. Зеро, асарнинг бадийийлигини, эмоционал таъсир кучини оширувчи омиллардан бири сўз қавридаги нозик инжикларни аниқ-равон ажрата билишдан иборат. Миртемир сўз имбиридаги нозик бадийий-мантқий, тасвирий-ифодавий, мусикий-интонацион имкониятларни широна юксак дид билан идрок этади. Бу ҳол, айниқса, мисралардаги сўзларнинг градацион тартиблани-шида яққол сезилади:

*Эсимга тушади оқсоч Туркистон,
Нодонлик, сарсонлик, зўллик, сўқирлик. (II. 330-бет)
Қизариб, бўзариб, саргайиб, сулғуш,
Шарқ томондан босиб келар эди туш... (II. 361-бет)*

Градацияга кўра муайян ҳолат, бир хилдаги тавсифларнинг муқтазам тартибда гуруҳлаштириб бериш, натижада, тасвирнинг минимуний ва эмоционал аҳамиятини кучайтириб ёки пасайтириб тасвирлаш назарда тутилади.

³² Алишер Навоий. Муҳаммад асарлар тўйлими, 16-том, “Муҳоммад ул-лугатий”. –Т.: Фол, 2000.

Юқоридати биринчи байтнинг иккинчи мисрасидати сўзларнинг градацион усулда берилиши шеър ғоясини шоирнинг кайнок хис-туйғуларига, кайфиятига мос ҳолда ифодалаганда ёрдам беради. Шеърда лирик қаҳрамоннинг қариллик чоғидати руҳияти, кўзига “тобут ва бешик” кўриниб қолган пайтдати ҳолати унинг поэтик тафаккурида жонланади. Шундай пайтда шоирнинг эснати ўзи туғилиб ўстан “оксоч Туркистон” тушади. Боғалик чоғлари кўз ўнгида жонланар экан, машаққати, аянчи даврлар поэтик мисраларга шундай кўчади: “Нодонлик, сарсонлик, гўллик, сўқирлик”. Бу мисрада шоирнинг боғалик даврини ёлга солувчи ҳар бир ҳолат ўқувчи хис-туйғусига фавқулодда кучли таъсир этади. Ўқувчида сўзлар “нодонлик-сарсонлик”, “гўллик-сўқирлик” тарида намоён бўлади. Сўзларнинг бундай мантикий боғлиқликда тасвирланиши шеър асарнинг бадий-таъсирий имкониятини оширади.

Адабиётшунос олим И.Султон айтганидек: “..бадий адабиётда ҳар бир сўз микрообраз”³³ дир. Шеърнинг навбатдати мисраларида шоир ҳар бир сўздан образ яратиш даражасида максимал фойдаланиш маҳоратини намоён қилади:

*Буноттурук, жусувоз, ташинлик, ёвзон,
Култепа, ютоқ жер, қора чуқурлик. (II. 330-бети)*

Мисралардати ҳар бир сўз образ сифатида ўқувчида ўз атрофида катта мазмун билан биргаликда намоён бўлади. Шеърдати ҳар бир сўз умумлашма образ: у теран, микёсн маъноларга эга, ҳар бири хис қилинган, ўзининг бадий-мантикий ва ҳаётий асосига эга бўлиб, ўзаро ўзвий боғланган. Шоирнинг санъатқорона яратилган салмоқдор сўз-образлари ўзининг давомли маънолари билан машаққатли ҳаёт манзараларини ёрқин акс эттиради. Адабиётшунос

олим С.Мелиев бундай образли “сўзлар оламдати муайян ҳодисани кайта тиклаши натижасида китобхон ҳисларини жунбушта қолтиради”³⁴, дейди.

Миртемир шеърларида градация усулини мисраларо ҳам кузатиш мумкин. Бундай шеърларда мисрлар оша маъно ҳам, оқант ҳам, интонация ҳам кучайиб (ёки пасайиб) боради. “Фактлар имбирида яшринган ижтимоий ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тўлиқлиги ва ёркинлигича тасвирлашни ўз олдига вазифа қилиб қўлган бадий адабиётдан равон, тушунарли тил, пухта ишланган бўлиб талаб этилади”³⁵. Мисраларо кузатилаётган градация усулида шоир буёқ адиб сўзларига амал қилади. Ифоданинг таъсир кўралигини ошириш мақсадида сўзларнинг эмоционал-экспрессив муносибати таънади, бунда лирик қаҳрамоннинг нутқи қаратилган нокста муносабати унинг сўзларида зуҳур топади. Бу ҳолни, айниқса, шоирнинг “Майли...” шеърда яққол сезиш мумкин:

*Майли, бўлишайлик – боғларни сен ол,
Ўй менга қолсин.
Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,
Қўл менга қолсин.
Агар қўлларни ҳам оламан десанг,
Сой қолсин менга.
Агар қўёғига қўл соламан десанг,
Ой қолсин менга.
Агар ой ҳам керак дер экансан, ол,
Юлдуздан қўл торти.
Оқ тузилар айшини сургин бемаюл,
Қундуздан қўл торти. (II. 143-бети)*

³³ Султон И. Адабиёт назариси. – Т.: Фан, 1980, 207-бет.

³⁴ Мелиев С. Шеърний сўз ва эстетик таъсир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1982, 2-сон, 27-28-бетлар.
³⁵ Гиромов М. Адабиёт ҳақида. – Т.: Ўзғанишлар, 1962, 239-240-бетлар.

Миртемирнинг бу шеъри билан Э.Воҳидовнинг “Барча шодлик...” деб бошланувчи шеъри мазму ва мазмун жиҳатдан ўхшаш хусусиятларга эга. Лекин бу иккала шеърга бадийлик, лирик қаҳрамонлар руҳияти, образ яратиб, ифода усули ва сўз қўллаш санъати нуктаи назаридан қараганда, устоз ва шогирдининг шеър яратилиши ўзига хосликлари намоён бўлади.

Аввало, иккала шеърда ҳам шоирлар ўз ижодий анъаналарини сақлашганини эътироф этиш керак. Биринчи халқона оҳанг, соддалик ва раволиқ устулик қилса, иккинчисида аруз вазнита хос вазнинлик етакчилиқ қилади. Миртемир тасвирдаги таъсирчан-ликни ошириш учун мисраларро грация санъатидан фойдаланса, Э.Воҳидов тазод санъатининг гўзал намунасини яратди:

*Сен менинг жонимни олгин, мен сенинг дардинг олай,
Барча соғлиқ сенга бўлсин, барча беморлик менга.*

“Қундуз” ва “тун” образлари иккала шеърда ҳам учрайди. Лекин бу образлар икки шоирда икки хил талқин қилинади. Марғумки, “тун” образи адабиётда, аксарият, фожия, зулмат, келажакнинг умидсизлиги каби салбий маъноларда келади. Миртемир эса мазкур шеърда бу анъанадан чекиниб, тунга ижобий маъно беради. Тўғрироғи, у тузнинг опшқ рангини кўради ва машуқасига уни барча роҳат-фароғатлари билан тортиқ этади:

*Оқ тузилар айшини сургин бемалол,
Қундуздан қўй торп. (П. 143-бем)*

Э.Воҳидов эса бу борада анъанавий йўлни танлайди:

Сенга бўлсин нурли қундуз, менга қолсин қора тун.

Лирик қаҳрамон руҳиятига эътибор берилса, шоирларнинг руҳият ва уни ифодалаш борасидаги сўз қўллаш санъатлари намоён бўлади. Миртемир сўз бирикмаларидаги нозик услубий ва маъно фарқларидан фойдаланиб, лирик қаҳрамоннинг кайфиятига, айни

интиқати рухий ҳолатига мос келувчи сўзлар топади. Масалан, биринчи ўта инжиқлиги лирик қаҳрамоннинг кайфиятига таъсир қилмайди, бунинг шеърини нутқдаги аксини шор нозик услубий маъноларга эга сўзлар воситасида асослайди. Мисралар оша вазнининг таранглаша бориши натижасида лирик нутқ бирмунча кескинлашади, натижада бандининг бошидаги “менга қолсин” бирикмаси бандининг ўртасида “қолсин менга” тарзида, бандининг охирида эса “қўл торт” сўз бирикмаси кўринишида намоён бўлади. Сўз бирикмаларидаги бундай услубий бўёқ инжидан фарқ мисралардаги мазмунга мантқан мос келади. Чунки “қўл торт” бирикмасида лирик қаҳрамон руҳиятидаги кескинлик ва норозилиқ аломатлари ҳам ўз ифодасини топади.

Бу борада Э.Воҳидов қаҳрамони анча вазнин. У машуқасига бирча нарсаларни тортиқ этади, барча ситамларга рози бўлади, яна унинг айбдордек хис қилади:

*Сенга шеърни битсин Эркин, йиртиб олмоқ ўз ишинг,
Қасби шикорлик сенга-ю, айбга шикорлик менга.*

Умуман, адабиётдаги бу каби ўхшаш ҳолатлардаги ўзига хос инжидларни ижодкорлар дунёқарашидаги яқинлик ва ижодий услубдаги ўзига хослик билан, адабиётнинг бир мақсад сари интилаётганлиги билан изоҳламоқ керак.

Миртемирнинг дастлабки сочмаларида жўшқинлик ва эҳтирос кўмрон бўлса, кейинроқ бунинг ўрнини эпик кентлик эгаллади. XX аср ўзбек лирикасида классик ғазал, мураббаъ ва китъалардаги қараганда ривож ордди. Воқеабандлик, тасвирийлик лирик шеърдаги ҳам кириб келди. Бунинг таъсири лирикнинг бирча компонентларида ўз аксини топди. Хусусан, тил боёида халқ сўзлашув услубига яқинлик, янгича ҳаётий тушунича ва ибораларни лирикага олиб кириш тенденцияси кучайди. Бу ҳол, айниқса,

Миртемир шеъротида яққол кўзга ташланади. Умуман, Миртемир лирикасида тасвирийлик, ёрқин ҳаётӣй лавҳалар замирида теран умумлашма ҳулосалар ясаш ҳусусияти бўртиб туради. Айни шу нуқтаи назардан Миртемир шеъротида баҳо бериб, адабиётшунос олим С.Мамажонов шундай дейди: “Ҳақиқатан ҳам воқеабандлик, манзарадорлик, конкретлик Миртемир шеъротининг етакли хусусиятларидан. Унинг шеърлари учун сийқалик, риторика, сентиментализм мутлақо ёт, у доим янги сўз ва фикр айтиш, инсон қалбини, кечинмасини чуқур ва конкрет таҳлил этиш, муҳим ҳаётӣй ҳулосалар чиқариш йўлидан боради. Бунда у ўзи таъкидлаганидек, шеърларига кўпроқ бирор ҳаётӣй воқеани, ситуациани асос қилиб олиб, шу заминда лирик қаҳрамоннинг ички қоллизиясини беришга эришди”³⁶. Воқеабанд лирикада шеърнинг асосий вазифаси – поэтик ҳис туғдириш бевосита сўзларга эмас, балки манзара ёки ҳолатнинг ёрқинлиги, ҳаётӣйлиги ва таъсирчанлигига юкланади. Демак, ҳаётӣй воқеалар асосида яратилган лирикада тасвирнинг тиниклиги муҳим. Зеро, манзара ёки ҳолат сўзлар воситасида бўнёнга келади. “Лирик шеър қайфият маҳсули бўлганидан, унда, кўпинча, лирик персонаж бўлмайди, тили ҳам қисқа, ортиқча жумла ва сўзлар лирик шеърда осонтгина билинади, лекин воқеабанд лирикада объектив мазмун субъектив ҳисларга қараганда кўп. Муайян ижтимоий воқеа унда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари тарзида акс этса-да, тилда ривоя (воқеа тасвири), драматизм, тасвирийлик туғилади”³⁷.

Миртемирнинг чексиз мўл сўз бойлиги, сербўёк ва ранг-баранглиги ҳам образлар психологиясини очишга қаратилган. Охори тўқилмаган, турли маъноларни ифодаловчи сўзларнинг салохияти алоҳида эътиборни тортади. “Ёдгор” шеърда шoir

жонини манзара ва ҳолат яратилишининг гўзал намунасини эришди. Мисрлар шундай тарашланганки, ҳар бир сўз – умумлашма бир образ, у бадиий-мантикий, ҳаётӣй асоси ва заруратида эга:

Қора ўрмон, қалин ўрмон,

Олис диёр...

Сўнғисиз ёбон, соғу ёбон,

Тизадан қор...

Юз хатар бор, жангчи билимас,

Бало тийёр... кўзга илмас!

Қора бўрон – зич ўрмонда,

Бўз ёбонда, кенг жаҳонда...

Айланади эли қалдиқроқ,

Булут-булут кўчар боғиқроқ,

Учар қизроқ, инғирар турроқ. (1. 300-бети)

Шoir сўз ва ибораларни шундай тоғиб ишлатадики, интижада, сикик мисрлардаёқ омонсиз жанг манзараси киртинасини тиник ранглarda ифодалашга муваффақ бўлади. Салмаққорона яратилган теран, вазндор, салмоқли сўз-образлари урушининг аён ва ногահоний офатларига, дахшатли оқибатларига қарши кишида нафрат ҳиссини уйғотади. Шеърнинг маъноли сўз тиррорларида, интонацияси ва чуқур паузаларида шoirнинг уруш интиҳаларини теран ҳис этганлигини англаймиз. Банднинг бошида тиррорланиб келувчи “Қора ўрмон, қалин ўрмон, Олис диёр” мисрасидаги ҳар бир бирикма давомли, салмоқдор мазмунга эга. Учинчи бандда шoir урушининг дахшатли фалсафасини ифода-лайди. Узоқ ва беомон жангларнинг бирида ёлғиз ўглининг ҳалок бўлишини беҳабар “она шўрлик”нинг фожеъ ҳолатини чуқур драматизмда беради:

³⁶ Мамажонов С. Замон билан чалғишган инсон. Шарҳ юлдузи. 1975, 6-сон, 191-бет.

³⁷ Адабиёт нашриёси. 1 том. – Т.: Фан, 1978. 364-бет.

Кора ўрмон, қатин ўрмон,

Олте диер,

Жанг – беомон, жанг – беомон,

Жанг – даҳшаткор!

Сур уфқда сўнадн кун,

Она шўртик... билмас бўтул,

Ёмғиз ўғли кутар ҳануз,

Кеча-кундуз йиғлар ўксиз... (1. 300-301-бет)

Урушнинг ўз ҳақиқати бор. У тапофат ва қурбонларсиз бўлмайди. Бу даҳшатли уруш фалсафасини шоир бир неча сўз лавҳасида аниқ ва таъсири қўзғайди. Ўрмон, жанг ва улар билан боғлиқ сифатларнинг қайта-қайта такрорланиб келиши билан шоир уруш манзарасининг даҳшатини янада қуоқлаштирмоқчи, таъкидламоқчи бўлади. Бу мисраларда шоирнинг поэтик сўзни чуқур ҳис қилиш салоҳияти ёрқин намоён бўлган. Бор-йўти икки-уч мисрада оналарнинг яраланган қалблари, кўкка учган умид-армонлари, ўксик кўз ёшлари, метин иродалари-ю бардошлари – бари мужассамлашган.

Умуман, Миртемирнинг уруш мавзусидаги шеърларида шоир катъий позицияда туриб уруш ва унинг даҳшатли оқибатлари, инсониятга етказган улкан моддий ва маънавий зарарларини таъсир билан қаламга олади, душманнинг жирканч қиёфасини ўзинга хос сўз ва ибораларда фош қилади. Шоирнинг “Мен она бўлсам атар...”, “Оғлик аскар”, “Вабо”, “Бешотар”, “Бу менинг Ватаним”, “Сой” каби талай шеърлари ўз хусусиятлари билан ўқувчида урушга нисбатан қучли нафрат ҳиссини уйғотиши табиий.

Миртемирнинг ишқий лирикасида гўзал ёр қиёфасини тиник бўёқларда чизишга интилиш қучли. Шоир бадиият талаби билан ёр тасвирини қайта-қайта яратар экан, ҳеч вақт бирини иккинчисида

информационликка ҳаракат қилади, ҳар бири учун ўзинга хос оригинал поэтик тафсиллар топа олади. Бундай шеърларда шоирнинг сўз саралаш, поэтик интонацияни ҳис қилиш ва сўзлар ўрнатилган гўзал, бетакрор маъно муносабатларини теран англаш мақорати ўзининг бор жозибаси билан намоён бўлади.

Қуйидаги сатрларда сулув қиз ва табиат гўзаллиги бадиий шеър объектга айланади. Табиатнинг илоҳий гўзаллиги – кеча, лентиз, ойнинг нафис манзараси ёрнинг сулув ва бетакрор гўзаллигини янада бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилади:

Кеча ойдин, кўз ойдин!

Мен сўрадим сўз ойдин,

Ой деди: ой юзланинг

Ойдинроқдир юз ойдин.

Ойишда денгиз сулув,

Сувада ой тенгсиз сулув,

Денгиздан ҳам, ойдан ҳам

Ой юзига шу қиз сулув. (1. 199-бет)

Шеърнинг ҳар бир сатрида қайта-қайта такрорланиб келган “ой” ва “ойдин” сўзлари оҳанглорликни таъминлаш билан бирга, маъно содмоғини ҳам оширган. Шоир сўзларнинг омонимик муносибати билан санъаткорона фойдаланиб, гўзал, такрорланмас бадиий лавҳа яратган. Биринчи бандининг ўзида “ойдин” сўзи уч хил ёруғ, ойдан ва гўзал маъноларида келиб, шеърнинг бадиий-таъсирий қудратини ошириш билан бирга, ўзинга хос муҳаббат оқинини ҳам таъминлаган. Шоирнинг поэтик мақорати шундаки, бир сўзнинг шеърда қайта-қайта такрорланиши сўз-мазмун муносабатининг сийқаланишига эмас, балки тасвирнинг тиниклиги ва ифоданинг ўзига хослигини юзата келтирган.

Бадий адабиёт сўздан санъаткорона фойдаланиш маҳоратидир. Сўз-маъно, сўз-оҳанг, сўз-ритм муносабатлари билан боғлиқ ноёб поэтик тафсиллар Миртемир шеърлигида анчагина. Бундай поэтик тафсиллар шоир сўзнинг маъно-моҳиятини нақадар тегин хис қилганигидан далолат беради. “Тортик” шеърдан келтирилган қуйидаги мисрларда шоир яна бир гўзал сўз ўйинини кашф қилади:

*Ойнакўй-ку, ойнадай тоза,
Мўйди-мўйди, ўта тиниқ сув... (II. 34-бем)*

Шеърда Ойнакўйнинг гўзал тасвири ва таърифини ифодаламоччи бўлган шоир сўзларга қучли масъулият юклайди. Гўзал сўзлар шодасини тизин билан бирга, уларга иккиламчи маъно ҳам беришга эришади. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “мўйди” сўзнинг такрорий қўлланиши натижасида, айни бир сўз ҳам сувнинг мўйлигини, ҳам ҳолатини ифодалаб келган. Умуман, сўз такрори Миртемирнинг ўзига хос поэтик нутқ усули бўлиб, у баъзида бирор маънони таъкидлаш, қучайтириш, оҳангдорлигини таъминлаш, сўз ўйинлари воситасида шеърнинг бадий-таъсирий қучини ошириш каби маъноларда келади.

Бир адабий турда ижод қилаётган шоирнинг тили, сўзлардан фойдаланиш усули бошқа шоннинг шу хусусиятидан фарқ қилади, бу фарқ ижодкорларнинг тилдан қандай фойдаланишига боғлиқ. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир бир даврда яшаб ижод этишган: улар ижодининг мазмун-мундарижаси ҳам кескин тафовут қилмайди. Аммо тил, сўз қўллаш соҳасида Ҳамид Олимжон фольклорга хос соддалик, лирик ва романтик руҳга; Ойбек қучок образлилик ва тасвирийликка; Ғафур Ғулом публицистик тақин, фактлар асосида умумлаштириш ва сиёсий-фалсафий лексикага; Уйғун қучли ҳиссиётга, лирик персонажларни

ўн характерига мос сўзлаштишга; Миртемир эса халқ тилига яқин, содда, баъзан шева элементларидан ҳам кенг фойдаланишга интилади.

XX аср ўзбек шеърлигига Маяковскийнинг таъсири қучли бўлган. Унинг таъсири лириканинг барча компонентларида, айниқса, ритм, интонация ва сўз боёлида ўзига хос янгиликлар ортди. Сўзга бўлган масъулият ортди.

Гарчи Миртемирнинг Маяковский усулида ёзилган ёрқин шеър бўлмаса ҳам, унинг риторик мувожаат, алоҳида сўзларга қучли таъкид маъносини юклаш, шеър оҳангини мисрлардаги мазмунга бўйсундириш борадидаги изланишларида, бевосита, унинг таъсирини сезиш мумкин. Миртемир шеърлигида халқ тилига яқинлик, шева элементларидан ижодкорларча фойдаланиш каби хусусиятлар ҳам шоирнинг халқ ҳаётига жуда яқинлиги ва Маяковскийнинг қучли таъсири туфайли содир бўлди. Зеро, II Тимофеев айтганидек: “Ҳозирги замон шеърлигига Маяковскийнинг таъсири масаласи – бу, энг аввало, лексика ва синтаксис нуқсидида, жонли нутқ манбаларидан фойдаланиш нуқсидидаги, поэтик тил ва жонли тил ўртасидаги чегарани даф қилиш нуқсидидаги масаладир”³⁸.

Адабиётшунос И. Султон айтганидек: “... ёзувчи (ёки шоир – У.Х.) омма тилига суянишга мажбур”³⁹.

Худди шу нуктага назардан Миртемир шеърлигига баҳо бериб, К. Яшин бундай фикрларни баён қилади: “Тўзалликнинг, ҳаётнинг чиннакам ошгани бўлган шоир она халқининг қалбини чуқур тўшунар, бой ва рангин тилини ғоят нозик хис қилар, қудратли,

³⁸ Тимофеев И. Из наблюдений над поэтикой Маяковского. Сб. “Творчество Маяковского”. – М.: 1952.

³⁹ Султон И. Адабиёт назариси. – Т.: Фан, 1986, 206-бет.

пурмаъно ва нафис халқ сўзларини шеърятимизга дадиллик билан олиб кирарди”⁴⁰.

Куйидаги шеърӣ парчада Миртемир халқ истеъмолидаги шевага хос сўзлардан унумли фойдаланиб, ўзига хос поэтик лавҳа яратди:

Қатор дўғми, дейсиз, ё қатор ўтов,

Бавзиси бақилоғ, бавзиси чўққу,

Босирмаи бўлур эшиксиз, бўтов,

*Ёки чинорларми – тарвақай, дўққу?*⁴¹ (П. 108-бет)

Бандлаги “дўғ”, “босирма”, “бўтов”, “дўққу” каби жонли сўзлашув тилига хос сўзларни шеърнинг умумий руҳи ва мазмунидан кийинчиликсиз англаш мумкин. Эътиборли томони – шу ўринда мазкур сўзларнинг ишлатилиши табиийдир. Шеърнинг ўзига хос фазилати сифатида қараш мумкин бўлган бу сўзларнинг ўрнига уларнинг адабий тилдаги эквивалентини қўйиб қўришнинг ўзиёқ шеър бадииятига путур етказди. Чунки шoir шеърта маҳаллий колоритни, кишлоқ ҳаётининг ўзига хос руҳини бериш учун атайин шу сўзларни ишлатади. Ўқувчини бу шеър руҳига олиб кириш учун, поэтик лавҳанинг ҳаётӣй ва табиийлигини таъминлаш учун жуда муҳим.

Умуман, қайси сўзни қаерда ва қанча ишлатиш маҳоратга боглик нарсa. “Мана бу сўз поэзияга киришга ҳуқуқсиз, деб қатъий чеклаб бўлмайди”⁴². Поэзия тили сўзга нисбатан ижодкорона муносабатда бўлишидир.

“...адабий норма ва бадиий адабиёт тили нормаси масалалари бир қадар мураккаб. Бинобарин, бадиий адабиёт тили ўзгачагина хос ҳуқуқиятлардан келиб чиққан ҳолда қўпинча адабий тил нормаси

донрасидан чиқади”⁴³. Чунки халқ тили бирмунча бепардоз, динларок бўлса-да, лекин тансиқ, оҳори тўқилмаган тасвирий носиталар ва бадиий имкониятларга бой. Бу борада шoirнинг ўзи ҳам “Тилимиз дағалрок, лекин жуда бой, рангин; оҳори тўқилмаган артaқ, дaстoн, қўшиқ қўп”⁴⁴, дея уқтиради. Бу имкониятларни поэзияга олиб кириш, шубҳасиз, уни бойитади, омма, халқ руҳига яқинлаштиради. Шoir бу хил сўзлардан бир неча усулда фойдаланади.

Миртемир ижодидати адабий нормадан чекиниш ҳоллари шoir томонидан онгли равишда бирор мақсадда амалга оширилади. Бу эса шеърнинг бадиий-тасвирий, тасвирий ва тасаввурӣй имкониятларини оширади. Шoirнинг сўздан, халқ тилидаги ноёб имкониятлардан фойдаланиш маҳорати, айниқса, халқ қўшиқлари руҳида ёзилган шеърларида яққол кўзга ташланади. Бунда шoir қалқ қўшиқларидаги гўзал, оҳорли бадиий санъатларни замонавий руҳ, ёзма адабиётнинг поэтик имкониятлари билан бойитиш нўнидан боради. Ёзма ва оғзаки адабиёт синтезидан гўзал қўйма шoirлар яратди. Бинобарин, шoirнинг ўзи ижодкор сўз бойлигининг кенгайишида фольклорнинг ўрни ҳақида: “Мaълумки, бадиий асарнинг энг биринчи зарур деталаридан бири, бадиий асарнинг негизи – тил. Фольклор, яъни оғзаки адабиётни яхши билиш тил бойлиги демак”⁴⁴, деб айтган эди танкидчи Ғ.Мўминов билан суҳбатда.

Шoirнинг “Қора сочим ўсиб, қошимга тушди”, деб бошланувчи халқ қўшигини эслатувчи “Қарқаралиқ” шеърда халқ қўшиқларига хос қўйма иборалар, шўҳ, ўйноқи оҳанг, ўзига хос

⁴⁰ Усрулов Б. Бадиий адабиётда сўз. –Т.: Фан, 1993, 40-бет.

⁴¹ Миртемир. Асарлар. III тоқилқ. I том. –Т.: Ғулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 6-бет.

⁴² Миртемир. Асарлар. 4 жилдиқ, 4-жилди. –Т.: Ғулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 118-120-бетлар.

⁴³ Миртемир замонашлари хотиралиқ. –Т.: Ғулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 21-бет.

⁴⁴ Адабиёт нашриёси. I том. –Т.: Фан, 1993, 40-бет.

вазн билан шоир шеърларига хос гўзал поэтик тафсиллар уйғунлашиб кетади.

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,

Қайдаги савдони соднинг бошимга.

Қайдаги савдони солсанг бошимга,

Қота кўрма қатрон менинг ошимга (I. 31-бет)

Шеърда Миртемирнинг нақадар сўз билимдони экани аён кўриниб туради. Бу мисраларда анъанавий, дабдабали сифатлашлар, фавкуллода оҳангли кофийлар йўқ. Уларнинг барчаси олдий халқ сўзлари. Аммо уларнинг замирида ёрқин поэтик образ, хис-туйғулар ғалаёни барқ уриб турибди. Бу лирик парчада шоирнинг сўз саралаш санъати, мазмун ва шакл муаносиблиги асосида сўзларни жойлаштириши; интонация, вазн ва оҳанглорлиқнинг шеър ва мисраларнинг ички табиатидан келиб чиқибши ўзининг бутун жозибаси билан намён бўлади. Шеърдаги аллитерация санъати, яъни ўринли товуш такрори ритми беэзаб, эмоционалиқни оширган, шеърый нутқ маданиятининг гўзал намунасини яратган. Сўзлараро товуш уйғунлигига эришиб (“к” ва “с” аллитерацияси), ўз навбатида, шеърта мусикий, ёдаки каби сифатлар берган. Чунки “...фонетик жиҳатдан пухта ишланган шеър хотирада узоқ сақланиб қолади. Товуш приёмлари ритми хосли қилолмайди, лекин мусикийлик даражаси, шубҳасиз, товуш приёмларига ҳам қарайди”⁴⁵. Бу лирик сифат ва шеърый фазилатлар шоирнинг “Қудратта кут кўшар кутлуг меҳнатинг” (II. 37-бет), “Ё хиёбон, ё кўл, ё сой бўйида... Ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!” (II. 39-бет), “Сой бўйида салқин чойхона, Соя солар юз йиллик чинор” (II. 281-бет), “Сув сулувдан сулувроқ, Сулув сувдан

сулувроқ...” (II. 87-бет), “Сокину саватли, сойбон сада” (II. 79-бет) каби кўплаб мисраларига ҳам тегишли.

Умуман, Миртемир шеърлигида сўз санъати алоҳида эътиборга лойиқ поэтик муаммодир. Ундаги фонетик, лексик ва услубий жиҳатдан гўзал тартибланган мисралар, хусусан, аллитерация, градация каби санъатлар шоирнинг шеърларига гўзал шеърый нафосат беради. Бу зўрма-зўракиликдан холи бўлиб, шоир инқомининг табиий ўзанидан эркин хосил бўлган шеър санъатидир.

Хулоса қилиб айтганда, Миртемир ижодкор сифатида сўзга алоҳида аҳамият билан қарайди, адабиётнинг биринчи ва зарурий элементи сифатида унга катта бадийий вазифа юклайди. XX аср ўзбек шеърлигининг халқ сўзлашув типига яқинлашуви, поэзия тилининг шевата хос сўзлар хисобига бойлиши, бевосита, Миртемир ижоди билан ҳам боғлиқ. Шоир шеърта ўзига хос муносабатда бўлиб, гўзал сўз уйинлари, чиройли шеърый санъатлар кашф қилди. Натижада, Миртемир шеърлигида сўз поэзиянинг бошқа компонентлари билан яқин муносабатга киришиб, асарнинг бадийий қийинчилиги оширади.

2. Образ яратиш санъати

(шоир ижодий эволюцияси тадқиқи)

Ёзувчи, адиб ёхуд шоир, хуллас ҳар қандай ижодкор қайси жанрда ижод қилмасин, асар яратмасин, у реал ҳаётта мурожаат қилди. Зеро, “Ҳар қандай санъатнинг мазмуни воқеалиқдир. Ўнбобарин, у, худди воқеалиқнинг ўзидек, туганмас ва қурбмасдир”⁴⁶.

XX аср адабиёти шаклланишга муносиб хисса қўшган Чўлпон адабиётни “...чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, ярадор кўнглига рух...” бағишловчи манба сифатлида

⁴⁵ Адабиёт назариси. I-том. –Т.: Фан, 1978. 384-бет.

⁴⁶ Ленинский В.Г. Поэт. собр. соч. т. XII. –М.: 1926. с.332

баҳолатан эди. Адабиётнинг кучига берилган бундай юкори баҳола Унинг образли тафаккур эканлигига ишорани сезиш мумкин. Зеро, ҳаёт бадний адабиётда образлар воситасида қайтадан жонланиди. Бунда ижодкорнинг билим-савияси, ҳаётий тажрибаси, умуман, олами, инсонни тушуниш, ҳис қилиш иқтидори катта аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бадний нутқ таъсирчанлик кудратига эга. Агар ҳаёт ҳодисалари, объектив воқеалик, у қандай кўлам касб этиши, характери қиш қиш кичик бир эпизодик ҳолат бўлишидан қатъи назар, таъсир қилиш қучига эга бўлса, инсон ҳаётда, унинг ички дунёсида бир ўзгариш қила олиш кудратига эга умумлашма бўла ола, шу ўринда бадний образ пайдо бўлади, образлилик юзати келади.

Ёзувчининг бадний иқтидори қай даражада эканлигини у яратган бадний образлар белгилаб беради. Чунки образ бадний адабиётнинг ўзақ масалаларидан бири бўлиб, ёзувчининг ҳаётий қузатишлари, дунёқараши ва савияси, бадний тўқимаси орқали умумлашган ҳолда шаклланади. Шундай экан, ижодкор томонидан яратилган образларни: уларнинг ҳилма-ҳиллигини, бадний савияси, ғоявий аҳамияти ва эволюциясини ўрганиш ижодкорнинг иқтидори, унинг ижодий қамолотини таққик қилиш билан бирга ижод жараёни ва унинг ўзига хос табиати ҳақида муҳим ҳулосалар чиқаришга асос бўлади.

Ўзбек шеърятининг кўпша миллий жиҳатларини ўзла мужассамлаштирган Миртемир ижоди, ундаги образлар силсиласи бадний мукамаллиги, ғоявий ва шаклий ранг-баранглиги, ҳалқ озаки ижодидати етакчи тамойиллари илғари сурганлиги билан ажралиб туради. Унинг шеърятда она, бободехкон, барҳаёт жанчи, фидоий аёл ёхуд Ватан таъбири; болалик, йигитлик хотиралари, табиат лавҳалари, иқтимоий ва ғоявий мазмун касб

атни нарсас-ҳодисалар шеър мисраларига, образларига айланади. Бу мавзулар тақдор-тақдор қаламга олинса-да, лекин ҳар гал бетакдор жонба касб этади, ўзига хос образларда поэтик таҳлил объекти инфидида намоён бўлади.

Ҳар қандай шоир ижодининг дастлабки даврларида, дейлик, образ яратиш бобида қийинчиликларга учраши, қамчиликларга йўл қўлиши, табиий. Бунга ижод жараёнининг табиий босқичи инфидида қараш, ундан ижобий фойдаланиш зарур, бу шоир ижодининг етуқлик палласида яратилган бадний мукамал образлар билан қиёлаш, атрофда таҳлил қилиш ва баҳолаш, демакки, унинг ижодий эволюциясини қузатиш имконини беради.

Миртемирнинг дастлабки шеърларида образ бобида қамчилик етуқлик қилишини қузатиш мумкин. Бир қатор шеърларида давр нуктаи назаридан муҳим фикр ва ғоялар иқтилоқчи бўлса-да, шунга мос юкори бадний шаклнинг етнимаслиги кўзга ташланади. Зеро, “факат юкори бадний шаклда инфидида этилган мазмунгина ўқувчига таъсир кўрсата олиши, “юқиний” мумкин”.⁴⁷

“Агар асар ўқувчини ҳажжонга соломаса, унинг эстетик дунёсини бойитолмаса... унда нималар айтимасин, қандай фойдали ва ўта муҳим фикрлар изҳор этилмасин... у ҳақиқий сепхат эмас”⁴⁸, деганда қирғиз адиби Ч.Айтматов адабиётда мазмун ни шакл муносабати борасида нақадар ҳақ гапни айтган эди.

Шоирнинг дастлабки йилларида ижоди ўша пайтларда бирмунча авж олган “вулгар социологизм”дан ҳам зарар кўрган. У қуруқ эхтиросларга, юзаки ҳиссийларга, ҳайқирикларга берилиб, иқтимоий-снсий ҳаётдаги турли ўзгаришларни табиат ҳодисалари фонда бадний таҳлил етмоқчи, қамон ғояларини инфидоламоқчи

⁴⁷ Султон И. Адабиёт нақариси. –Т.: Ўзғувчи, 1980, 160-бет.

⁴⁸ Айтматов Ч. “Интердурция пиласи”, 1971, 7 июль.

бўлади, лекин ҳар доим ҳам максалдига эришавермайди. Поэтлик тафаккурнинг бу жиҳати шоирни мавҳум, абстракт образларга етаклайди. Шоир “тоғ”, “бўрон”, “дентиз”, “тўлкин”, “ёлкин”, “ўр”, “олов”, “тонг” каби рамзий образларга ҳаддан зиёд ружу кўяди. Натижада, бундай ижод намуналарида адабиётдаги тасвирийлик ўрнини риторика, образлардаги бадийлик ўрнини куруқ рамзий ифодалар эгаллайди. Аслида бадий мукамаллик ва ифоданинг ёркинлигини таъминлаши керак бўлган рамзлар ўз функциясининг тўлиқ намоён эта олмайди, рамзийлик бўлган бадийлик ўртасида номутаносиблик юзага келади.

Шоирнинг “Тошқин” шеъри шу маънода характерлидир. Жамиятдаги “буюк” ўзгаришларни, бу йўлдаги “собитқадамлик”ни шоир табиат давҳалари воситасида ифодалашни максад қилиб кўяди. Шеърда тўлқин образи ва унинг ҳеч қандай “куч”, ҳеч қандай “тўсиқ” дош бера олмайдиган асов табиати жамиятдаги инқилобий кўзғолишларга киёс қилинади, шоир бу борадаги катъий ҳукмини баралла айтди:

Сусаймас тўлқин,

У – ўт, у – ёлқин.

Йўлни тўсолмас

На куч, на тўсқин. (l. 26-бет)

Лекин шеърда бундай покиза ният, ўткир ғой образ моҳиятига сингмайди, натижада, “ғой” ғойлигича қолиб кетади, ўқувчига етиб бормайди. Образнинг сифат ва хусусиятларини қайд этиш билан чекланган шоир бу ҳолат шеърнинг бадий қимматига путур етказаетганигига эътибор қилмайди.

Шоир катор шеърларида, хусусан, “Шу қадар матрур, шу қадар буюк” сочмасида тоғ образига рамзий тус беради. Дастлаб шоир табиатнинг бетакрор гўзаллигини, ҳисобсиз бойликлари-ю

иқдониини матрур ва буюк “табиатнинг ваҳший сийнаси, инларнинг – ўзгаришларнинг муқаддас фаҳри” бўлган тоғ тинсолида бермоқчи бўлади. Лекин бу буюқлик, куч-қудрат “инсоннинг матрур иродаси олдида не жавоб айтаркин?” Тоғлар эмас, “ёлтиз инсон ғурурланса бўлади”. Чунки “хаёт фақат инсон меҳнатидан кула олади”. Инсоннинг метин иродасини кўтаринки руҳда улугловчи бу сочмада шоирнинг фикри, айтмоқчи бўлган тосен, дарҳақиқат, тиник ва залворли. Лекин ёш шоир мазмун билан инсоннинг мутаносиблигидан ҳақиқий бадийлик юзага келишини интиборга олмайдди, натижада, айтлмоқчи бўлган фикрнинг ифода йўсинида сунъийлик кўзга ташланади. Шеърда бадий мантанининг бузилиши, композициядаги нотабинийлик натижасида образлар моҳияти етарлигича очилмай қолган. Шоир ўзининг муҳим фикрини, юзлом ғоссини мос туйғуларга буркаб, конкрет моҳияти очилган образларда ифода қилмайди, оқибатда, шоирнинг эзгу нияти, тосен ўқувчига кўчмайди.

Миртемир 30-йилларда икки поэмада тўппамини чоп эттирди. Шоир бу йилларда йигирмага яқин асарини дoston деб атаган бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилиги дostonнинг жанрий типларига тўла жавоб бермайди. Аммо ёш қаламкашнинг дoston жанрига мурожат қилиши улғайиш белгиси эди. Миртемир ўзининг дастлабки поэмадари ҳақида шундай дейди: “Агар илк дostonларимда даврнинг мукамал, ҳаётий типларини яратганимда, уларни қайта нашр эттирдим. Ҳозир ўша асарларимни ўқувчиларга тақдим этганимдан уялиб кетаман. Аммо у пайтда ўқувчилар ташна эди. Шу дostonларни ҳам китобхонлар қабул қилишар, мени турли жойларда ўқига даъват этишар эди. Ният қилган ва ҳолис эди. Қандай бўлмасин, замон ҳақида, одамлар ҳақида бирор шаклда ўз фикримизни айтишга шошилардик.

Афсус, маҳорат етишмаслиги туфайли мақсадиимизга кўнглидигидек эришолмаганмиз”⁴⁹.

Лекин шонрининг ижодкорлик салоҳияти шеърдан-шеърга ошиб борди. 30-йилларнинг ўрталаригача бўлган шoir ижодида, хусусан, “Йўк бўлмас” (1926), “Меҳнат” (1926), “Ён” (1926), “Чўл” (1928), “Ойниса” (1928), “Бонг” (1931) каби шеърларида образларда номукаммаллик, бадий мантикнинг бузилиши, риторика, декларативлик каби нуқсонлар кўзга ташланса, “Бу кеча” (1935), “Яхши киз”, “Қадах” (1935) каби шеърларининг фавқулодда маъжозий образлари китобхонда илик таассурот қолдиради.

“Бу кеча” шеърда шoir “оқ, мармар” кечаниннг кўламли образини яратди. Кечаниннг ўзига хос жозибали томонларини тасвирлар экан, шoir образларни куок бадий бўёқларда акс эттиради. “Дарё мавжларида ўйинга тушар, Тўлин ойининг юмшоқ Жимжималари... (1. 122-бет), дейди у ой нурининг сув сатҳидаги холатини тасвирлар экан. Ёки самони тўлдириб тиник нур сочаётган юлдузларнинг “Кечаниннг яркирок Оқ кемадари...” (1.122-бет), арчазор кирғоқларининг сувдаги кўланкаларини “Қорамтил сувларда Рақс этар тўп киз” (1.122-бет) тарзида кутилмаган истиоравий бирикмаларда берилиши кечаниннг бадий образини яратишда шoirга кўл келади.

Шoir бир неча ўринда кечаниннг “оппоқ” эканлигини таъкиллади. Аслида қора бўлган кечаниннг оппоқ рангда тасвирланиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Шеърда кечаниннг яратувчанлик руҳи: “ижод жабҳаси”нинг қайнаши, “меҳнат наъраси”нинг янграши бoис ҳам “бу кеча оппоқ, оппоқ!” Алдиёғида, аксарият, зулмат, фожиа, умидсиз келажак каби салбий маъноларни ифодаловчи кеча образининг оқ сифатлаши билан

⁴⁹ Халилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Ё.Ғулоқ номидиги Адибёғ на салмат нашриёти, 1980, 68-69 бетлар.

берилиши шoir ижодининг ўзига хослиги ва дунёқарашидиги кенгликни, истеъдодининг ранг-баранг қирраларини намоён этади.

“Яхши киз”, “Бу кеча”, “Қадах” каби шеърлиридаги бу каби бадий кашфиётлар шoirнинг 1936-1940 йилларда яратган шеърлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Энди шoir ижодида номжозий рангдорлик ёки маълум декларативлик ўрнини образлар инкилиги, тиниклиги, аввал нишонларга кўринган мазмун ва шакл бузулиши, поэтик умумлашмалар ола бошлади, бу сифатлар номжозий меъёрга айлана борди. Шoirнинг бу давр лирикасида реалистик тасвирининг қучайиб бориши романтик руҳга ҳалал бермади, аксинча, маъно салмоғи, образлар ранг-баранглиги ва тўланқонлиги, бадий баркамоллик бағишлади. Лирикада образ ва образчилик меъёрини тобора чуқур ҳис эта бошлаган шoir ўз таассуротларига кутилмаган ўхшатишлар, шеърй андозалар қилди. Айни шу изланишлар натижасида Миртемир шеърлигида бадий мукаммал образлар галереяси вуҷудга келди. Унинг Ватан қамқадлиги, ўзбек диёри, захматқаш, олийҳиммат, фидойи қишилар нимсоли, хусусан, она, қария, бободехқон образлари санъатқорона яратилган қатор шеърлирида барча иклим қишилари диққатини торта оладиган маънавий, самимий, жозибба бор.

Ҳар бир шoirнинг севган мавзуси, севимли рамзий образи бўлиши каби Миртемир поэзиясида бу она образи нисолида намоён бўлиди. Она мавзусида ёзилган ўнлаб шеър ва поэмалирида бу образ катта ҳажмли, кенг миқёсда маъно қасб этади, ўзбек аёлининнг барча инсоний фазилатларини ўзида мужассам этиб, инсонийликнинг бирта томонларини бадий таҳлил этишга имкон беради.

“Образ шеърининг энг муҳим ва ҳеч нараса, ҳатто, вақт ҳам, ҳар қандай поэтик мода ҳам ҳавф соломлайдиган ягона усулидир...

Образ – шеърининг қони”⁵⁰, деб ёзган эди Я.Парандовский. Ҳақиқий бадиий образга берилган бундай юксак баҳо шоирнинг онга образига ҳам бевосита тааллуқли. Шу мавнода, унинг “Онагинам”, “Сен – она”, “Култепа”, “Она бағрин”, “Мен кетганда”, “Ҳали ҳам”, “Долзар” каби шеърларида юксак бадиий маҳорат билан яратилган она образи мукаммал ифодасини топган.

М.Светлов “Шеър туйғулар йиғилишидан тугйлади”, деган. Туйғулар йиғилиши эса шоирнинг ҳаётни кузатиши, ўрганиши, бошидан кечирishi ва турли руҳий ҳолатларни ҳис қилиши натижасида воқеъ бўлади. Миртемирнинг она мавзусидаги асарларининг мантқий давом, шеърининг гўзал намунаси бўлмиш “Онагинам” шеъри ҳам кўп йиллар давомида шоирнинг қалбида йиғилган, неча марта қайнаб тинган, беғуборлашган туйғуларидан ҳосил бўлган. “Онагинам”нинг лирик қаҳрамони шоир боғалик, шўхлик, ўйинкароқликка тўла даврларини, ақлини кўпда танимасдан бурун онасидан айрилганини, жигартўшасини “сўнгги йўлга ўзи узатолмагани”ни хотирлаб, отир ва бениҳом ғамгин ўйлар исқанжасида азоб чекади. Шеърда она тимсоли улғуланади. Шоирнинг юратгидан самимий туйғулар қўйилиши натижасида шеър оҳанги ҳам ўзига ҳос вазминлик қасб этади:

Сўяқиримни сирқиратиб,

Оч тевадэй эжжисучи,

Кўзимга ёш турқиратиб,

Жигидонимда аччиқ бўзайдай аччичуи

зашлик... (I.366-бет)

Бу шеърда шоирнинг бутун эстетик олами намён бўлган. Унда онанинг буюклиги ҳақида баланд парвоз гаплар йўқ, зеро, ҳамманинг юрагидан жой олган оддий инсоний туйғулар

ифодаланган. Ундаги “оч тевад”, “аччиқ бўза”, “бедаво сизловч”, “жигидонимда аччиқ бўзайдай аччичуи”.

Лирик қаҳрамон онасининг хизматида бўлганлигидан, “жигидонимда аччиқ бўзайдай аччичуи” килотмагидан ғашланади. Шеърнинг сикик мисраларида ана шу ғашликнинг қаҳрамон қалбига солган адабсиз қийноқлари ифодаланган. Кейинги мисралар эса ана шу ғашликнинг сабабларини ечишга, шоирнинг юрак-юрагидан отилиб чиққан ўкинчларини, пушаймони ва тавалласини ифодалашга сафарбар этилади:

Сени сўйган йўлга ўзим узатолмаганим –

Товдай эш.

Абадиётдай чексиз армон бўйиб қолди дилимда,

Онагинам! (I.367-бет)

“Жон берган онамни кўришга кўзим етсайди”, дейди шоир:

Менда зашлик нешарди?

Йитмоқ ўтинидек,

Тамаки тутунидек,

Тонг пайтида таралган бадбахтлик тунидек –

Чексиз фазоларга тарқаб кетарди! (I.366-бет)

Шеърда поэтик тафаккурнинг етақчи хусусияти – фикр ва туйғунинг уйғунлигига эришиш, шоир ижодининг асосий функциялари – ғовий аниқлик ва ифоданинг тўлиқлиги яққол кўриниб туради. “Онагинам”да она образи Ватан, халқ образи парижасида олиб чиқилди. Элга хизмат – онага хизмат, деган нуқсатга келади шоир. Бу ҳулоса шоирнинг изтиробли ҳолатини, ғаминини аритувчи ягона омилга айланиб, халққа дастёр бўлиш бирдан-бир тасалли эканлиги шеъринг умумий та ситгиб кетган.

Миртемир “Азалик” шеърда эса муҳтарам оналарни жигартўшаларидан айртган урушни қоралайди. Фарзандидан

⁵⁰ Парандовский Я. Алхнамин слова. -М.: 1972, с.208.

айрилса-да, аммо марур, қадди буқилмаган оналар образини яратди. Шерда урушга нисбатан кучли нафрат, одамларни осойишталикка чакирувчи хитоб баралла янтрайди. Умуман, Миртемирнинг она маззусидаги барча шерларда шoirнинг юрак армони, ўқинч ва нидоси баралла эшитилиб туради. Бу ҳусусият турли маънодаги руҳий изтироблар шoirнинг катор асарларига, хусусан, “Онагинам”, “Култепа”, “Асо”, “Бетоблигимда”, “Ёдгорлик”, “Тўшмасин” каби шерларининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур шерларда армони хотиралар, ғамтин нидоларда тақдирга нисбатан исён туйғуларини жунбўшга келтиради. Биргина “Култепа” шеридаги култепа образи шoirнинг тугилиб ўсган она ер тўғрисидаги хотираларининг рамзин сифатида намоён бўлади. Шерда Ваган ва Она тимсолларни уйғунлашиб, бир-бирини тўлдирди. Она қалбидagi айрилиқ азоби, ҳасрат ва армон туйғулари, ёруғ келажакка умид шерда кучли пафос билан ифодаланади. Шу маънода:

Онам кўзларида зил қайғу, мотам,

Тузасига бошим кўйиб йиғлайман.

Ота аталмиш зот бўлмади отам,

Онам билан, нетай, тўйиб йиғлайман.

каби мисралар замирида канча армон, канча тугён нидолари бор. Эҳтимол, ота меҳрининг фарзанд тақдиридagi ўрни, она дийдорининг ҳам ғанимат эканлигини ички туйғу билан хис этаётган ўғилнинг аталми исёни, ҳаётнинг аччиқ-чуқук, иссиқ совуқлари қолдирган асорат, ёруғ ва айни пайтда, армонли хотираларга тўлиб-тошган келажакка ишонч туйғулари бир йўл тажассумини тошган. Гарчи қалбидagi зил бўлиб ётган армон онасининг отирини енгиллатолмагани, охирти йўлга кузатолмагани шoirни азобласа-да, у онасининг оқ фотиҳасини олишга улғурган.

Борсин, болагинам, ёруғликка чоп,
Менга пана ҳозир култепа баери.

Ёруғликка чоғини ва бахтингни тои,
Сени авсин-да, тақдирнинг қаҳри!

Айтиш мумкинки, шoir фарзанд сифатида онасининг шонинини оқлади. Шунинг учун онаси ҳам, оксоч Туркистон ҳам шoirга жилмайиб боқди.

Онам жилмайғуси зил уйқусида,

Шу дам нур кўрингай сўлгин тусида...

Менга жилмаёди тушларимда ҳам,

Бобои қалоним – оксоч Туркистон...

Шерда инсон руҳиятидаги қарама-қарши қутбларнинг бирдeй ифодаланиши лирик қаҳрамон образининг тўлақонли, ҳар томонлама муқаммал чиқишини таъминлаган. Ҳаётнинг ўзи қарама-қарши томонлар қураши асосига қурилган экан, лирикада ҳам, ҳусусан, образ яратишда ҳам бу иккала қутб тенг акс эттирилиши мумкин. Акс холда инсон образининг бирёқлама талқини юзага келиши мумкин.

Она образини яратишда шoir инсон ҳаётидаги қувончли ва изтиробга тўла лаҳзаларни тенг қаламга олади.

Мени авган йўқ тақдир унчалик,

Ҳар нечук, ёруғлик эмас бегонам...

Мана шoir “Култепа” шерида.

Миртемирнинг қуйидаги фикрларида унинг шерият ҳақидаги баёнлари мўжассам тошган: “...шер дегани – юрак дегани, тўлқин дегани, ҳажжон дегани, тимсол дегани, тимсолларда фикр юритиш дегани”¹.

¹ Миртемир, *Дустор даришда*. –Т.: Ёш гвардия, 1980, 197-бет.

Шоир ўзбек аёли образини ана шундай юрак дарди билан тўлқинланиб қаламга олади. Унинг “Сойдан ўтиб олсан”, “Қишлоқда киш”, “Қўқ чой”, “Паттининг хасратлари”, “Тошбу”, “Опоки” каби шеърларида ўзбек деҳқонининг, кеч ётиб, эртинг турадиган, ҳаётни қундалиқ меҳнат ва таъвишларсиз тасаввур эти олмайдиган, вафо ва садоқатда беназир, ҳар қандай синонним дақиқаларда ҳам ўзида сабот ва ирода топа оладиган ўзбек аёлининг тақорланмас образини яратди. Бу образ ҳоҳ она тимсолида, ҳоҳ энди қатта ҳаётга қадам қўётган покиза қизалок тимсолида яратилмасин, унинг қиёфасида соф миллий руҳ сезилиб туради.

“Опоки” шеърда уруш ортидаги отир ҳаёт манзарасидан бир лавҳа яратилган. Ундаги опоки образида ўзбек аёлларида ҳос фазилатлар: болажонлик, отир дақиқаларда ҳам эътиқодига солин қилиш, сабр ва бардош, ёруғ кунларга ишона тўйғулари мужассам, Опоки ўзининг “боласи талай” бўлишига қарамайдан онасини айрилган, отасини урушга жўнатган болани ҳам ўз қарамоғига олади. “Узунлар узилиб, қалта чўзилиб” турган бир пайтда далада меҳнат қилиб, бошқок териб қора қозонини қайнатади, фарзандларига қўшиб қўшни болани ҳам ювиб-тарайди. Эртинг баҳорда ётингарчилик қўп бўлиб, опоки етти кун ишта чиколмиди қолди. Шунда у ё онасидан, ё бўвиси ёки севтисидан хотира бўлган, ўзи учун энг азиз саналган қумуш соябоғини олиб бозорни жўнайди.

Оқим қайтиб келди чарчоқ ва сўйил,

Қўлида чорак мош, ёсмук бир туғил,

Қозон осди, лектин қанчалар мунгуз,

Дилидаги дарди тўйрак ва уруз. (Ш. 52-53-бетлар)

Ана шундай ҳаётинг воқеалиқлар замирида опоки образидати онг азиз инсоний фазилатлар очила боради. Шеърда қучли нағмалар маъно мужассамлашган. Бу уруш ортидаги “олам шимиди” ўч олаётган вазиятни кўрсатиш, ўзбек аёлларида ҳос ноёб қуёсизларни улуғлаш қабиларида яққол қўзга ташланади. Шоир ўз моҳияти билан прозаик бўлган ҳаёт ҳолисасини ҳаётинлик ва қўзқилиқ билан тўла бўлган поэтик образлар қиёфасида бера олгани билан ҳам ҳаётинг лавҳалар ортида опокининг буюк сиймоси қўзқилиқда намоён бўлади. Шеърда шoirнинг ўзбек аёлига инъибатан юксак эҳтиромини сезиш мумкин.

Миртемир шеъротида эпик тасвирга мойиллик унинг образ яратиш йўналишида муҳим бўрилиш ясади. Шоир иқолида воқеабанд шеърларнинг яратилиши 30-йилларнинг ўрталарида турри келади. Чунки 30-йилларда соф лирик шеърлар билан бирга қатълиги бирон воқеа, вазият асосига қурилган, эпик тасвир билан лирик элементлар моҳирлик билан уйғулашган воқеабанд шеърлар қам яратилди. Бу ўринда Ойбекнинг “Тансиқ”, М.Шайхзоданинг “Тривайчи хотин”, “Қоровул”, Уйғуннинг “Бригадир Қарим”, “Шоир отанинг қазаби” каби шеърларини эслаш қифоя. Бу нағмаларий анъана Миртемир шеъротида ҳам ўз аксини топди.

Шу ўринда лирикада эпик тасвир элементларининг қучайиши амалидаги А.Твардовскийнинг фикрларини эслаш жоиздир: “Поэзия нағмалар билан прозага яқинлашиш йўлидан борапти. Бу яқинлашишдан поэзия ютказгани йўқ. У беллетристика мазмундор, нағмалар ва заминдор бўлиб қолди. Шеърда эпик сюжет пайдо бўлишти, унга мураккаб ритмикани таъкидловчи диалог қатъийлик билан жойлашяпти. Шеърда конкрет шароит, шахс тасвири кирди ва бошқалар ва ҳоказо”⁵². Миртемир ҳам ўзининг амалий

⁵² “Интервью с поэтом”, 12 июль, 1942г. (Выступление А. Твардовского на пленуме Союза советских писателей)

фаолитини назарий жиҳатдан исботлаш мақсадида катор чиқишларида, хусусан, “Қўшиқ ҳақида” (“Қизил Ўзбекистон”, 1955 йил, 29 апрель), “Бир умртлик мавзу” (“Звезда Востока”, 1967 й., №11) мақолаларида, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг анкетасига берган жавобларида (1969 й., №1) А.Твардовскийга ҳамоҳанг фикрлар билдиради. Чунончи, у ёзди: “... Воқеабанд шеър... умуман, ҳамма тема учун ўта мақбул шеър тури-да”⁵³.

Поэзияда эпик тасвир элементларининг пайдо бўлиши Миртемир шеърларида конкрет қаҳрамонларнинг туғилишига сабаб бўлди. Шулардан бири кекса чол образидир. Шoirнинг “Етти йилит ва бир чол”, “Орденли”, “Бобо”, “Оқсоқол”, “Чоллар”, “Саҳройи”, “Сажада эмас” каби шеърларида бу образ ўзининг соф миллий кўринишлари билан ўқувчи диққатини тортади. Бу образ ҳаётининг тажрибали ва айни пайтда, содда кишии сифатида Миртемир шеърларининг бош қаҳрамони даражасига кўтарилади ва унинг ўй-кечинмалари, хис-туйғулари шoirнинг бадиий таҳлил объектга айланади.

Миртемир ижодининг ҳамма даврларида ҳам бу образни ранг-баранг киёфада акс эттиради, чол образи шеърдан шеърта бадиий мукаммаллик касб этиб, янги-янги кирралар билан намоён бўла боради. Ана шундай қарияни дастлаб шoirнинг “Етти йилит ва бир чол” (1938 й.) шеърисида учратиш мумкин. Шеърда жамоа ҳўжалитининг тажрибали раиси, айни пайтда, “ерта ошиқ” қариянинг фазилатлари санаб ўтилган экан, мисралар оша у ўзи бошқараётган жамоа ҳўжалитининг равақи йўлида “жон амаган”, халқ фаровонлиги учун курашчи, пешкадам инсон сифатида гавдаланади.

Миртемир шеъритидаги чол образи мисолида шoirнинг ижодий эволюциясини кузатиш мумкин. Бу ҳолат, айниқса,

урушдан кейинги йиллардаги ижодида, хусусан, “Қорақалпоқ дафтари” туркумига кирувчи шеърларида яккол кўзга ташланади. “Қорақалпоқ дафтари”да қария образининг кўлами, умумлашма кучи янада ошди, ғовий-бадиий савияси янада чуқурлашди. Туркумга кирувчи “Қўл бўйида”, “Саҳройи”, “Сажада эмас” каби шеърларда бу образ ўзининг ранг-баранг хусусиятлари билан намоён бўлади. Ҳар учала шеър бир-бирини ғовий жиҳатдан тўлдирган, унда шoirнинг тасвир усули ҳам, образ яратилш санъати ҳам ҳамоҳангдир. Бунда чол образи қорақалпоқ халқининг тинимсоли сифатида гавдаланади. Дастлаб шoir “Қўл бўйида” шеърисида “ўзи, кўли, сўзи ёркин” “саҳро ўтги”нинг ҳаёти мисолида инкилобгача ва ундан кейинги қорақалпоқ халқининг ҳаётини муқояса қилади. Шу мавзуда, образ замиридаги маъно диапазонини ошириб таъкирлайди. Шoirнинг “Қорақалпоқ дафтари”га кирувчи бошқа шеърлари ана шу ғоядан куч олади. Бу эса қария образининг ранг-баранг киёфасидаги тасвирига замин ҳозирлайди.

Миртемир 60-йилларда “Оқсоқол”, “Чоллар” каби шеърларида қам қария образини яратди. Бунда шoir бошқа шеърлари каби ўтмиш билан бутунги кун муқоясига урғу бермайди, балки образ таъкирлади халоллик, меҳнатсеварлик, соддалик ва нурунийлик сифатларини улутғайди.

Шoir қарияларнинг ҳолати ва юриш-туришига мос шундай миллий деталлар топадики, натижада, улар ўзбек халқининг тинимсоли сифатида гавдаланади. Чунки, “Шoir маҳоратини факат образ танлаш ва сўз териш билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмас экан. Шеър меъёрий нутқдан ташқари, зарур пайтларда тоғиб ишлатилган ҳаётий деталлар, маънодор воқеалар билан ҳам тўлдирилиши керак”⁵⁴.

⁵³ Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №1.

⁵⁴ Қўниқовлов М. Мелиса С. Абдулла Орипов. –Т.: Мазанит, 2000, 45-бет.

Умуман, ҳаёт бадий адабиётда образлар воситасида акс эттирилган, кенг маънода, объектив воқеаликнинг барча “элементлари” билан инсон тафаккурида муайян тарзда инъикос этиши образ асосини ташкил қилади. Шоир шеърда бадий образнинг асосини ташкил қилади. Миртемир шеърда бадий образнинг материалли типиклаштириб индивидуаллаштириб билиш жараёнида пайдо бўлади. Бу эса шоирнинг ҳаётий тажрибаси, оламни, инсонни тушуниш, ҳис қилиш иқтидори ва ижодкорлик маҳоратини туташган нуктасида ҳақиқатга айланади.

“Ҳар мавзунинг ўз шакли, ўз тисоли бор, ўша топилмас, шеър эмас”⁵⁵, деган эди. Шоир Миртемир ҳақиқатан ҳам, шоир образ яратилган шакли ва мазмун мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратади. Ўша тисолилар замиридаги нозик жиҳатларни англашда, шеър ғоясини очиб беришда, сатрлардаги нафосат ва жозибалорликни ҳис қилишда образли ифоданинг ўрни бекиёс.

3. Сўз ва портрет

(бадий портретда образ моҳияти тидуқи)

Портрет санъати бадий адабиётда образ яратилишнинг муҳим шартларидан биридир. Образнинг бадий баркамоллигини таъминлашда, қаҳрамонлар дунёсини очишда портретнинг ўрни бекиёс. Бадий асар ғояси, қаҳрамонлар характерида боғлиқ бўлиши эса портрет санъатининг ўта муҳим жиҳати ҳисобланади. Бадий асарда, ҳуусан, шеърда портретнинг вазифаси фақат тасвирийликни таъминлашгина эмас, балки образ характери, руҳиятини ҳам ёритишидир. Зотан, портрет ўз моҳиятига кўра персонажнинг ташки қиёфаси орқали унинг руҳий оламни ёритиши

ени, аксинча, батафсил тасвирланган руҳий дунёси орқали унинг ташки қиёфасини ҳам тавлаштиришидир.

Миртемир шеърларида бадий портрет воситасида образ моҳиятини очишга, характери ёркилаштиришга, персонажлар руҳиятида турли товланишларни бадий акс эттиришга интилади. Унинг лирик портретлари, ўз навбатида, шоирнинг муайян образга, бирон ижодий ёки салбий ҳодисага муносабатини англаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шоир, айниқса, портрет тасвирининг ҳаётий интиларга бой бўлиши ва миллий рангларда товланишга эътибор берилади. Миртемирнинг тасвир этилаётган қаҳрамонга муносабати муҳим бўлиб, айтиш мумкинки, бу ҳол образни тўлақонли идрок этишда асосий нукталардан бири ҳисобланади. Шоир “Фақат қалам билан ёзмайди, балки сўз билан сурат чизади, сурат чизганда ҳам рисомага ўхшаб одамларни беҳаракат тасвирламайди, балки уларни муқасил ҳаракатда”⁵⁶, турли руҳий ҳолатларда тасвирлашга интилади.

Миртемир қаҳрамонлар портретини бир ўриндаёқ турли тасвирламайди. Умуман, шеър асарда бунинг ҳамиша ҳам инқилипти бўлавермайди. Портретни бўлақларга ажратиб тасвирлашнинг ўзига яраша афзалликлари бор. Чунки бир ўриндаёқ турли тасвирланган портретда образнинг ички олами мукамал ифодасини топмаслиги мумкин.

Немис адабиётшуноси Хотхольд Лессинг: “Ҳаётда ҳеч нараса кўннинг ҳаракатидек тасвирчанглики бера олмайд, айниқса, қонқили жараянда, аммо кўл ҳаракати иштирок этмаган ва унинг қарикатини ифодалай олган юзнинг ҳолати яна ҳам тасвирчанрок бўлиши”⁵⁷, деган ва расом, аввало, чизадиған портретининг асосий композицион марказини топиб, бутун фикрни ўша ерда жамлашини,

⁵⁵ Гулстон И. Адабиёт назарисен. –Т.: Ўқитувчи, 1986. 210-211-бетлар.

⁵⁶ Лессинг Г.З. Лавқон и в границах живописи и поэзии. –М.: 1957. с.121.

⁵⁷ Миртемир, Дустлар дариғида. –Т.: Ёш гвардия, 1980. 50-бет.

ана шундагина ўзгалар диққатини жалб эта оладиган жозибалор киёфа ярата олиши мумкинлигини уқтирган эди. Шу нуқтан назардан, шоир қаҳрамонларининг алоҳида ҳаракатлари: йиғиси, кулгиси, турли мимик ва пантомимик ҳаракатлари воситасида уларнинг айни пайтдаги руҳиятини, маънавий дунёсини очишга ҳаракат қилади. Образ ёки персонажнинг ташки киёфаси, хатти-ҳаракатлари ва баъзи аъзоларининг тасвири орқали унинг ички дунёсига назар ташлайди. Бунда кўз, қош, юз, киприк ва бошқа аъзолар тавсифини қучайтириш орқали сатрлардаги тавсирчанликка эришади.

Жаҳон адабиётининг азалий ва абадий мавзуларидан бўлган муҳаббат Миртемир шетриятида ўзгача талкин ва оҳанглардан тараннум этилади. Шоир ёр портретини чизар экан, ўзига ҳос тасвир восита ва усулларидан фойдаланади. Масалан, ёрнинг ташки портрети унинг ички киёфасидаги тўзаллигини акс эттириш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ёрнинг ташки киёфаси, характери, маънавий оламига ҳос хусусиятларни батафсил ифодалашда бисотидаги энг тўзал, нафис сўзлардан истифода этилади. Шоир “Кўз” шетрида кўз ифодаси воситасида ёрнинг тўзал киёфасини яратади. Кўз, маълум маънода, калбнинг ташки кўзгусидир. Шунинг учун шоир портрет яратишда қаҳрамонларнинг кўзига алоҳида эътибор беради. Кўз тасвири образ яратилишининг, унинг руҳиятидаги нозик товланишларни ифодалашнинг муҳим воситаларидан биридир. “Кўз” шетрида биргина кўз ифодасида образнинг тўзал маънавий дунёси ва бетакрор ташки киёфаси ўз аксини топади.

Эй, сўзгун кўзларингдан,

Кўзларим узоқмайман,

Таҳрир керамас эксан –

Бир сўз ҳам бўзолмайман.

Қандоқ жодугар кўз бу,

Киприк эмас – кундўз бу,

Оламга тугелгандай

Айни саҳар юлдўз бу... (II. 140)

Шетрий парчада инсон портретининг икки унсури – кўз ва киприк воситасида ёр образининг тиник чеҳрасини тасвирлайди. Миртемир портрет тасвиридаги ана шундай маҳоратга эришувчи унинг сўздан фойдаланиш санъати муҳим роль ўйнайди. Одатда, кўз ёки киприк инсон портретининг алоҳида унсурлари сифатида унинг чеҳрасининг тўлқин тасаввурини бермайди. У ёр тасвирида унинг тўзаллигини таъкидлаган ҳолдагина маълум маъно касб этиди. Тасвирдаги “сўзгун”, “жодугар”, “кундўз”, “юлдўз” каби ўқатиш ва сифатлашлар ёрнинг бетакрор ташки киёфасини акс эттириш билан бирга, унинг тўзал ички оламинини ҳам ифодалашга қиммат қилади.

Миртемир қаҳрамонлар киёфасидаги кўз ифодасига алоҳида эътибор берар экан, уларнинг ташки тўзаллигига ва айни пайтдаги руҳий ҳолатига мос сифатловчи сўзлардан фойдаланади. Шоир ижодидаги “чакмок кўз” (“Сув ва сулув”), “хайратли, қора чўт кўз” (“Пардалик”), “самовий кўз”, “хаёли кўз”, “сирли маъноли кўзлар” (“Вибн Марам”), “сўзгун кўзлар”, “жодугар кўзлар” (“Кўз”), “меҳрибон кўзлар” (“Кулгичи”), “ҳасрат ва армонли кўзлар” (“Култепа”), “чакин кўзлар” (“Сутдек ойдин”), “махлиё кўзлар” (“Ҳинду раққосасига бағишлаганим”), “ўйчан кўзлар” (“Аборр Ҳилотов”) каби образли ифодаларда сифатловчи сўз образнинг ташки киёфасини акс эттириш билан бирга руҳиятини ҳам ифодалайди. Аслида, кўз билан боғлиқ бу каби сифатловчи сўзлар кўзнинг эмас, калбнинг, образ характерининг белги-хусусиятини

ифодалайди. Айтайлик, “мунгли кўзлар”, “хаёли кўзлар” каби тасвирий ифодалардаги “мунгли”, “хаёли” каби сифатловчи сўзлар факат кўз эмас, балки шахснинг, руҳиятнинг ҳам шундай сифатларда эканлигини англатади. Шу маънода, кўпгина шеърдаги кўз ифодаси образнинг руҳияти, шахсияти, маънавияти билан боғланиб кетади.

“Сув ва сулув” шеърда шоир сувчи кизнинг “сулув” чеҳрасини тасвирлар экан, унга илова қилинган “чакмок кўз” каби образли ифодалар кизнинг гўзаллигини таъкидлаш билан бирга, унинг характеридаги қайсарлик ва шижоатни ҳам ифодалаганини хизмат қилган:

Сўйқилдоқ, дўндикқина,

Яланг оёқ, қорамтир.

Кўз чакмок, нуқуққина,

Ҳар одими зўё сир. (l. 131)

Миртемир бавзи шеърларида образнинг маънавий оламига хос чизгилар унинг ташки қиёфасини акс эттиришда муҳим роль ўйнайди. Умуман, қаҳрамоннинг ички оламини батафсил тасвирлаш билан ҳам унинг ташки қиёфасини яратиш мумкин. Бунда шеърхон назарида лирик қаҳрамоннинг ички ва ташки қиёфалари орасида уйғунлик пайдо қилиш лозим бўлади. Шеърхон лирик қаҳрамоннинг ички оламига хос чизгиларни ўқир экан, унинг назарида, қаҳрамоннинг ташки қиёфаси ҳам жонланиши керак.

Миртемир “Биби Марям” шеърда “тангри маъшукаси” Биби Марям образини, унинг илоҳий портретини яратади.

Мазкур шеър ва унинг яратилиш тарихи шоир ижоди ва эстетикасининг муҳим белгиларини ўзида ифодалаган. Унинг яратилиши ҳақида шоир Шоиством Шомухамедов шундай хикоя қилади: “... Бир кунни гўзал Пичунда ярим оролгита экскурсияга

бордик. Унда XII-XIII асрлардан қолган бир қалъисо бор... Унда иншини хайратга солидиган гўзал Биби Марям тасвири ҳам бор. Миртемир ака унга боқдилар-у, дол қолдилар. Бир оздан кейин ташқарига чиқиб, боғ кезиб, ўрмонда сайр эта бошладик. Аммо меннинг олдимдаги дилкаш ва хушёр йўлдошдан... асар ҳам қолмаган эди.

Энди Миртемир ака ҳеч нарсани эшитмас ва тўймак, унинг бутун борлигини Биби Марям хаёли чўлгаб олган эди. Ёнимда пичирлаб шеър тўжиб борар, сатрларни кўрсаткич бармоқлари билан ҳавога ёзар, шу ондаёқ кераксиз топиб, кескин кўл ҳаракати билан ўчириб ҳам ташлар эдилар...

Эртасига пешингача устоз уйларида чикмадилар...”⁵⁸

Ҳақиқатан ҳам, бу хотирада ижодкорнинг руҳий дунёси, илғитик олами ҳақида айрим характери жихатлар акс этган. Унда шоирнинг санъат асарларидан қанчалик таъсирланиши ҳам, унга қанчалик мафтун бўлиши ҳам, ижод жараёни ва ундаги ўзига қосилганлар ҳам ўз ифодасини топган. Шоир Биби Марям сиймосини яратар экан, инсоният ҳақида, унинг дунёқарашидаги эврилишлар, инсонлишлар ҳақида чуқур фалсафий мулоҳаза юритади. Бу жараёнда шоир ўз дунёқарашини, маънавияти ва юксак билимини қам намоеъ этади.

Айниқса, шеърда “тангри маъшукаси”нинг сиймоси ўзининг муқаммал ифодасини топган. Портрет санъати ва унинг образ тасвиридаги аҳамияти юксак маҳорат билан очиб берилган. Биби Марямнинг маънавий оламига хос ифодалар унинг ташки қиёфасини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу маънода, Биби Марям портрети психологик портретдир. Шоир Биби Марям портретида ташки чизгиларга деярли тўхталмайди,

⁵⁸ Миртемир замонадошлари хотирасида. Ш.Шомухамедов. Бир шеър тарихи. –Т.: Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 58-бет.

лекин ички портрет оркали унинг ташки киёфасини ёритар экан, улар ўртасидаги уйғунлиكنи топа олган.

Чинкам сулуёсиз, чинкам барно,

Тенги кам сиймо.

Кўзингизда асрий ва сирли маъно,

Мужассам зако (II.40)

Лирик тасвирдаги “сулув”, “барно” каби тасвирий сўзлар ташки киёфага хос умумий чизгиларни ифодаласа-да, аслида образнинг тўзал маънавий дунёси ҳақида таъаввур беради. Шейрда кўз ифодаси юксак ғовийй вазифани ўтайди. Биби Марям калбиданги энг ҳароратли туйғулар, ноёб ғазилатлар унинг “асрий ва сирли маъно” касб этган “самовий” кўзлари воситасида ифодаланган.

Лекин кўзингизда бир олам ҳаё:

Омондай гўлбаъдан мана ҳозир ҳам,

Қарар кўзларингиз, самовий кўзлар,

Тангри маъшуҳаси, о Биби Марям... (II.40)

Шейрда ташки портрета хос кўз тасвири образ характер-хусусиятининг ташки ифодасига, маънавийтининг кўзгусинга айлانган. Биби Марям портретига хос чизгиларда ҳар бир сўз ўзининг ғовийй-мантикий асосига эга. Биби Марямнинг муқаддас сиймоси, юксак ақлу зақоси, бой маънавий олами кўз ифодаси билан боғлиқ “асрий ва сирли маъно”, “мужассам зако”, “бир олам ҳаё” каби ифодаларда ўз аксини топган. Кўз ифодасига “самовий” сифатловчисини бериш билан шоир Биби Марямнинг илоҳий сиймосига, муқаддас шахсиятига ишора қилади. Шоир шейрда бадий портретни асар ғоясига хизмат қилдиради, шейрда портрет тасвирига хос ҳар бир сўз Биби Марямнинг мураккаб ва илоҳий сиймосини яратишга бўйсундирилган. Ташки портретага хос биргина кўз ифодасида образнинг бутун ички оламини, ёки

иккинчи, ички портретага хос ифодалар воситасида Биби Марямнинг ички сиймосини тавдалантиришга эришган.

Миртемир поэтикасининг, хусусан, портрет яратишда сўзлан фойдаланишдаги ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг образни турли ҳолат ва вазиятларда хатти-ҳаракатлар воситасида ифодалашдир. Немис адабиётшуноси Х.Лессинг “Шейрийт баддини ҳам ақс эттириши мумкин, ammo бу ҳаракат воситасида баднига оширилиши керак”⁵⁹, деган эди.

“Бобо” шейрида Миртемир Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўғлидан айрилган ота образини, унинг руҳиятини, чуқур драматик ҳолатини бадий ақс эттирган. Машҳум хабарни эшитган отанинг кўзларидан уйқу қочади. Шоир отанинг руҳий ҳолатини унинг хатти-ҳаракатлари, ташки кўринишлари воситасида очиб беради:

Уйқу тугал қочди чол кўзларидан

Сархона синғурдай тортиди чилмини... (I. 270)

Рухий ҳолатни ақс эттириш учун топилган ноёб бадий деталь отанинг чилмига ёпилиши оркали шоир унинг калб ярасига, нотаъсиро ҳолатига ишора қилади. Ота ўғлидан қолган ягона битори – набирасини кўлига олар экан:

Титрар белхитиёр, тугтандай тўйдоқ,

Оптоқ соқолларга ларза тутади,

Нуроний юзларда икки қатра ёш

Садаф донлардек юмлаб кетар.

Ростлар қоматини ўша лаҳза чол,

Ўт нарча сингари неварасини,

Маарур ва меҳридон ўндаи тақдор... (I. 270)

⁵⁹ Лессинг Г.З. Любопыт и в границах личности и поэзии. – М.: 1957, с.183.

Шеърӣй парчада ҳар бир сўз ўзига яраша руҳий мазмун ва мантикий асосга эга. Оғир жудодик набирасини кўлита олгани чолнинг қалбини яна бир қарра ларзага солади, “тулқок туттандӣй титраб” кетади. Бобо набирасини кўрганда жудодикни яна бир марта отир хис этади, унинг кўзларида ёш қалқийди. Шу лаҳзадаёқ чолнинг руҳиятида кескин ўзгариш юз беради: “*Росилар қоматини ўша лаҳза чоӣ*”. Чолнинг руҳиятида юз берган бундай кескин ўзгаришни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчиси, ҳар қандай вазиятда ҳам аёл кишининг олдидан кўз ёши тўкиш ўзбекчада деган эр киши учун хос ғазилат эмас. Бу ўринда шеърӣй парчанинг биринчи мисрасидаги “бехтиёр” сўзи ички алоқа асосида учинчи ва тўртинчи мисралардаги мазмун билан боғланади: чолнинг кўзлари бехтиёр ёшланади. Иккинчиси, ўғлидан айрилга бўлса ҳам ўзи тиррик экани, набирасини ўзи тарбиялаши мумкин экани, энг асосийси, ортида зурриёти қолётгани отанинг қалбини нуллантиради: “*Ўйсам, зурриётим қолар жаҳонда...*”. Набирасини “мағрур ва меҳрибон” ўглиши орқали эса шoir бобонинг юқоридаги иккинчи сабабга нисбатан қатъий аҳлини таъкидламоқчи бўлади. Шеър давомида бобонинг “набирам” эмас, “боломсан” дея тақрор-тақрор айтиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шеърда чин ўзбек қариясининг сиймоси, ички ва ташқи қиёфаси ҳаётӣй деталлар воситасида жонли гавдалантирилган. Ҳусусан, шoir бобонинг нуруний чеҳрасини, бетубор қалбини, кўркем, нулли сиймосини унинг “оппоқ соқоллари” орқали тасвирлайди. Руҳият тасвирига онд чизгилар бевосита берилмаган бўлса-да, бобонинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзи ва тана аъзоларининг тасвири орқали унинг руҳиятидаги ўзгаришларини, қалб товланишларини пайқаш мумкин. Бунда сўзнинг маъно-моҳиятини чуқур тушуниши шoirга кўл келади. Бобонинг

қиёфсида, руҳиятида соф миллий қолорит сезилиб туради. Умуман, Миртемир шеъритади, у яратган бадий портретларда бу тенденция доимо устуворлик қилади.

“Бобо” шеърда шoir ўз ўғлидан жудо бўлган ота образини, унинг фожиаги дамилардаги қиёфасини яратса, “Йиғи” шеърда мавридӣйда онанинг сиймосини тиклайди. Миртемирнинг уруш йиллари поэзиясида ота, она, ўғил ва набира образлари тез-тез учраб туради. Бундай шеърларида урушда ҳалок бўлган ўғлидан айрилган ота-оналарнинг жудодик дардини, бўқилмас иродасини, енгилми қунарда ҳам ўзига таскин ва тасалли топа олган ўзбек қариларининг ҳаётини шoirона теран нигоҳ билан тадқиқ этади. Набира образи воситасида шoir ўзининг урушга бўлган чеқсиз нифратини таъкидламоқчи бўлади. “Йиғи” шеъритади чуқур лиризм билан суғорилган сатрларда онанинг характери, ташқи қиёфасига қос чизгилар ва мотамсаро ҳолати бевосита уруш ва унинг оқибатларига қарши кўйилади. Шеърнинг дастлабки сатрларидаёқ мусибатли қайфият сезилиб туради:

“Оҳ... Дилларни эзиб келар бу йиғи...”

Мунчалар инграмаган қандай кўрғулик?” (l. 277)

Шеър давомида аниқ бўладикки, бу “кўрғулик”, бу “йиғи” – жудодик йиғиси, тақдир кўрғулиги. Ҳар бир ҳаракат, сўз, ҳолат ёки қиёфа руҳиятти фoш қилиб турганидек, онанинг ҳам ғамгин нифити, руҳиятида юз бераётган замзамалар унинг ташқи қиёфаси, сўз ва ҳаракатлари воситасида ифодаланади:

Соқларинг ёйибсан мисли оқ булут,

Эгингга кийибсан мотам либоси,

Ўшнинг сурати қўлларингда бут

Сени адо қилмиш фарзанд савдоси

Мусибат қаддирини бўқимиш мисли ёй. (l. 277)

“Ошпок соч”, “мотам либоси”, “ўғилнинг сурати”, “фарзанд савдоси” каби сўз ва иборалар онанинг айни пайтдаги ташки киёфаси ва руҳиятига хос чизилар бўлиб, улар кўламли ғоявий мазмунга эга. “Ошпок соч” ибораси қайта-қайта такрорланади, бу билан жудодлик дардининг нақадар оғир эканини таъкидлаш билан бирга, онанинг нуруний сиймосига ҳам ишора қилади. Онанинг портрети шеър давомида босқичма-босқич: хатти-ҳаракатлари ва ҳолати, эгнисидаги либоси, юз тузилишига хос жиҳатларни акс эттириш жараёнида намён бўла боради. Онанинг дардли киёфаси жуда ёрқин ифодаланган. Мисраларда унинг сурати ҳаётини бўёқларда тиник чизилгани бос, шеърхон кўз ўнгидида яққол тавалланади. Онанинг мотамсаро киёфаси урушга нафрат туйғусини уйғотади, она учун ягона тасалли – набора образи эса урушнинг фавқулодда ҳолатига, ҳаётини сўндириш каби оқибатларига қарши қўйилади.

Портрет ғояга хизмат қилиши керак экан, бунинг учун ҳар бир сўз ва тасвирий ифода маъно салмоғи ва ғоявий функциясига эга бўлиши лозим. Шеърдаги “ох”, “йини”, “кўрулик”, “асрдийда”, “озор”, “ранж”, “мушибат”, “қайғу”, “мун” “фингон” каби сўзлар онанинг руҳияти билан боғлиқ жиҳатларни акс эттириш билан бирга, енинг “эй” каби бўқилган қаддини, мотамсаро ташқи киёфасини асослаш учун ҳам хизмат қилган.

Портрет тасвирида майда тафсилотларча эътибор қилиш, баъзида, китобхонни тасвирланаётган образнинг ўзига хос жиҳатларидан четга тортиши мумкин. Миртемир ҳам портрет тасвирида меъёрга амал қилишга, ортқича тафсилотларга берилмасликка ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан, баъзан қисқа портрет чизиларидаёқ поэтик образнинг моҳиятини очишга муваффиқ бўлади. “Ўғил” шеърда ота ва ўғил ўртақчилиги ахлоқий

муносабатларни, нозик кечинмаларни уларнинг қисқа-қисқа портретларида суратлантиради:

– *Ўғил кутлуғ, – дейди жисдий чол,*

Ғурури барқ урар кўзида.

– *Кутлуғ, ота, – дейман эб ҳушқол.*

Жиндақ ҳаё аён юзимда. (1. 151)

Фарзанд кўрган ўғилнинг ўз отаси олдиди ҳаяжонланиши, бир ва тортиниш ҳиссини туйиши – ўзбекона ноёб миллий кечинма. Шонир ўғилнинг “хушқол” аҳволи, “жиндақ ҳаё аён юзи” тасвирида айни шу нозик кечинмага ишора қилади. Қисқа портрет чизиларидаёқ ўғилнинг тўзал маънавий киёфаси, миллий руҳияти, қаддидаги ноёб ахлоқий сифатлар ўзининг тугал ифодасини топган. Бундай ўринларда шонир қаҳрамонлар руҳиятидаги нозик товланишларни излайди, унинг ташқи портретдаги ифодасини ўқувчига етказди. Отанинг характер-хусусияти: вазминлик, босқинлик, ҳаяжон ва ифтихор туйғусини шонир унинг “жилий” қолити, “турур барқ этган кўзи” орқали ифодалайди.

Миртемир шеърийнинг тасвирийликка мойиллиги, ривоят менталларининг кўп учраши унинг шеърларида портрет санъатида ҳам таъсир этиб, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи киёфаларини мутлақо ҳаракатда, ўзаро узлуқсиз тўқнашувларда тасвирлаш инқироби беради. Бундай шеърларда портрет фақат тасвирийликни тинимсизлигига қолмай, балки образ моҳиятини чуқуროқ очиб билиш бирга, унинг ҳаётини чизиларга бой бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Воқеабанд шеърларда фаоллият жараёнида образ ўзини ўзи намён этади.

“Тошбу” шеърда Тошбу портретини ҳаракат, фаоллият жараёнида, нарса-ҳодисаларга нисбатан муносабатлари замининда

тиклиди. Шер Тошбу характериға хос, унинг маънавий оламнинг ёритувчи мисралар билан бошланади:

*Чайирсан, чечансан, чуҷурсан, сўзсиз,
Эртақдай эзғурсан, бўлоқ янгиғ пок.
Кўз оломас ҳатто шғаса кўзсиз,
Ҳолбуки, муғлиғсан. Ғамдин кўксинг чоқ. (II. 294)*

Шерда воқеабандлик, тасвирийлик устуғлик қилади. Тошбу характеридаги меҳнатсеварлик, чидам ва бардош, вафо ва садоқат каби инсоний фазилатлар уруш ортидаги отир меҳнат жараёнида намоён бўла боради. Тошбу айрилик азобини ҳам, хижрон аламинин ҳам меҳнат билан енгишга интилади. У ёриға фақат шу меҳнат билан муносиб ёрдам бера олишини теран англайди. Худди шу жараёнда меҳнатқаш, садоқатни ёр қиёфаси намоён бўлади:

*Энида қалта тўн, оёқда этик,
Кўнги кўйдинг суғок нахтажорингга.
Жуяқларда қолдинг қош қорайғунча.*

Тер тўқиб, кўз тикдинг ўз девқорингга... (II. 294)

Лирик парчадаги Тошбунинг ҳаракат жараёнида тасвирланиши қаҳрамон портретининг динамик тус олишн учунгина эмас, балки шу орқали унинг ишчанлигини, бутун ҳаётин ва ҳаёти ҳалқ юқини енгиш қилишга, ёриға муносиб бўлишини қаратилганлигини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади. Портрет тасвиридаги ҳар бир сўз, тасвирий ифода образ моҳиятини очиниш, унинг характеридаги гўзал сифатларни ёритишга қаратилган:

*Бурмалик кўйлақ ҳам, нимчаноғ аяғиним,
Сирағлар сандиққа тушиди. Бардош бу...
Ҳитватта ёш тўқинг ёмғирдай сим-сим,
Кейин йиғи ҳам тирк. Бош бўйдинг, Тошбу... (II. 294)*

Тошбунинг меҳнат жараёнидаги қиёфаси “Энида қалта тўн, оёқда этик”, “Эсда турмас эди соч тираш ҳатто” каби мисраларда ифодаланса, унинг характеридаги ишчанлик фазилати “Кўнги кўйдинг суғок нахтажорингга”, “Жуяқларда қолдинг қош қорайғунча”, “Қиров кетмасидан таширдинг ўғит”, “Ўз бўйиниғда ин суғ, ўтоқ, чоник” каби мисралардан англашиғиб туради.

Шер давомида Тошбу образи вафо ва садоқатнинг гўзал тинсоли сифатида намоён бўлади. Тошбу кута олиш маънавийиға эга шахс. Ундаги ирода, бардош севғидан қуч олади. Кута олишининг замирида ҳақиқий инсоний туйғу – вафо ётади. Шоир Тошбу характеридаги бу туйғунини унинг қиёфаси, ҳаракатлари юстиғисидан очиб беради. Бошдан-оёқ гўзал образни ифодалар, поэтик тафсилларга ниҳоятда бой бўлган ушбу шердаги тасвир жонбодорлиғида сўзининг маъно салмоғи, айниқса, муҳим. Шерда ниҳоят элементи қучли бўлгани боис, образ характеридаги барча аниқатлар унинг амаллари, фаоллиғи орқали ёритилади. Тошбу характеридаги метин ирода, юксак бардош ва вафо фазилатлари “Кейин йиғи ҳам тирк. Бош бўйдинг, Тошбу”, “Шўх ҳисқарса қолдинг дарчаси ёниқ”, “Қорахат, ним қадҳат соломиди чанг” каби гўзал образли ифодаларга бой мисраларда ойдинлашади.

Миртемир шериятида “дунёнинг кўрки” бўлган инсонни қўйлаш, унинг шарағли меҳнатига мадҳия айтиш тенденцияси қучли. У инсонни баъзан қизгин меҳнат қучоғида, баъзан қонли уруш манзараларида, баъзан висол онларида ёки хижрон қунарларида тасвирлар экан, барчасида шоирнинг “ҳазрати инсон”га самимий муҳаббати, чексиз самимияти акс этиб туради. Шоир инсонларга бўлган ўзининг самимиятини ошқора баён қилмайди, балки мисралар қатига, шер руҳига синдириб юборади. У инсоннинг кенг маънодаги қиёфасини яратар экан, ўз муносабатини инсон

амаллари, маънавий дунёси, ўзгартирувчанлик фаолияти орқали баён қилади. Шундай муносабат шoirнинг "Чоллар" шеърлари "пийри бадавлат" ўзбек қарияларига нисбатан намён бўлган. Шейрда лирик портрет орқали шoirнинг муайян чоллар образини муносабати очик билинади, портрет тасвири ҳаётини ва миллий чизтиларга бойлиги билан ажралаб туради. Шейрда ўзбек қарияларининг матонатли меҳнати, ҳаётини ўзгартириш фаолиятини, бўқилмас иродаси, фаровон турмуши бадий портрет санъатини воситасида юзата чиқади, чолларнинг ички ва ташқи оламига хос хусусиятлар уйғун ҳолатда тасвирланади.

Чоллар ўтирибди кўриб чордона,

Давраси арзийди десак шоҳона:

Яктаклари олоқ, соқоллар олоқ,

Бошиларда чўст дўнги, кўзлари чакноқ,

Чаккаларда ёнар райхон ё лола.

Чайир кўлларида гардўн тийа,

Ичишди сито ва сакин кўк чой,

Қорамтир юзларда кўёнинг кўри,

Умрзоқ бахти бермиш меҳнатнинг зўри.

Соҳибқор, бишагон, меҳнатқаси, ўктам,

Дунёнинг ўзидай кекса ҳикмат жам.

Бўлар чўйда боз-роғ яратганлардан,

Оқ момикдан не тоғ яратганлардан.

Элмага танқил, ардоқли чоллар,

Ҳамшиша беллари белбоғли чоллар,

Замон энё тўқмиш бўлар дилига,

Бўлар жўда етук турроқ тилига,

Дунёга бергусиз тансиқ еридан

Таёҳар ундиртишар манглай теридан. (II, 79)

Шейрда чолларнинг ички ва ташқи оламига хос хусусиятлар уйғун ҳолда тасвирланади, уларнинг лирик портретига ҳар бир сўз ўзининг кўламли маъно салмоғига эга.

Инсон ҳар доим, ҳар қандай ҳолатда ва ҳар бир ҳаракати билан ўзини ўзи "фош" қилиб боради. Чолларнинг сўрида чой ичиб ўтирган олдиғина ҳолати орқали уларнинг бўтув ҳаётини, инқилибларини, маънавий қиёфасини кўрсатиш билан образнинг тўлиқлиги, ҳаётини тафсилларга, миллий рангларга бой бўлишини таъминлайди. Чолларнинг меҳнатда кечган ҳаёт йўли, бўқилмас иродасини матонатли қалби, ер билан тиллаша оладиган уста боболархон ва мард, танги, бағрикенг инсонлар эканлиги "Қорамтир юзларда кўёнинг кўри", "Ҳамшиша беллари белбоғли чоллар", "Бўлар жўда етук турроқ тилига" каби тасвирлардан аниқлиқлади. Ўзоқ ва отир меҳнатдан кейин фаровон ҳаётга етиб кетган қарияларнинг мамнун қиёфалари эса "Чоллар ўтирибди кўриб чордона, Давраси арзийди десак шоҳона", "Ичишди сито ва сакин кўк чой, Дастурхонни тўқин, суҳбатлари сой" каби минералларда акс эттирилган.

Шoir "Чоллар" шеърда бўюм, ташқи тафсиллар орқали ўларнинг маънавий оламига назар ташлайди. Уларнинг нуруний чекраси, гўбдорсиз қалби, бой маънавийлиги, етук ақлу заковати ўларнинг "яктаклари олоқ, соқоллар олоқ", "кўзлари чакноқ", "Замон энё тўқмиш бўлар дилига" каби тасвирларда ўз ифодасини топган. Шейрдаги чуқур лиризм билан сўғорилган сатрларда чолларнинг мағрур ва вазмин қиёфаси, чуқур маънавий олами, дўломлар тасвири ва шейр руҳи бевоқифа ҳаётини сезиш ва унга бевоқифа муҳаббат, меҳнат ортидаги роҳат-фароғатини ҳис қилиш руҳини ифодалашга хизмат қилади.

Шоир ўзбек ҷолларининг умумлашма образини яратиб, образининг ҳаётини ва халқ руҳиятига яқин бўлишини таъминлаш мақсадида ҳаётини деталларни ифодаловчи, миллий киффани аниқ эттирувчи сўз ва иборалардан фойдаланади. Шердаги “*кўрдан сўри*”, “*омоқ яқмак*”, “*омоқ соқол*”, “*чўст дўрни*”, “*Ҷаққаларда райҳон ё лола*”, “*гардун ниёна*”, “*кўк чой*”, “*белбоғ*” каби чизилар фикримизни далиллайди.

Умуман, Миртемир шерияти ҳақиқий маънодаги миллий шериятдир. Шоир ижодидаги ўзига хос җилкона оҳанг ҳам, услуб ҳам, сўзлардан фойдаланишдаги маҳорат ҳам, тасвир объекти ҳам соф миллий руҳ билан сўзторилган. Халқ ижодидаги кўплаб ижобий хусусиятларни ўзида жамлаган бу шерият ўзбек миллиятини, унинг руҳиятини, интилиш ва имкониятларини, кадрият ва анъаналарини, унга бўлган самимий муносабатини ўзида ифода этади.

Шоир бадиият талаби билан табиат тасвирига, портрет санъатига қайта-қайта мурожаат қилар экан, бунда ҳам у ўз анъанасидан бир оз бўлса-да, чекинмайди. У образ яратар экан, персонажлар миллий либосларда, миллий руҳият ва дунёқарашида кўз олдимизда намён бўлади. “Осоқол” шерияда шоир кишлоқнинг обрўли, суяги меҳнатда қотган, “чинор қоматини” ва “йўлбарс билакини” оқсоқолнинг портретини яратди.

*Бир оқсоқол кўрдим – бўйи чинордек,
Энида банорас, кўжраги очиб,
Қора чакмоқ каби ял-ял қорачиб,
Билакларда йўлбарс қуввати бордек
Белида тўрт белбоғ, кўлида асо,
Шу жойларнинг тўнғич ҳусмонидек,
Ўтмиши, буғуни, пок вилдонидек
Ақли дуқмонлардан тўйиқ ва расо. (II. 16)*

Бу тасвирда оқсоқолнинг ташки ва ички олами, жамиятдаги ўрни, ижтимоий мавқеи, ўтмиши ва буғуни, умуман, унинг миллий киффаси аниқ этган. Шоир оқсоқолнинг меҳнатда чиниккан, қариган чотда ҳам буқилмаган қомати ва иродасини “чинордек бўйи”, “очик кўжраги”, “йўлбарс қуввати” билалари, “тоғ янглиғ умрови” орқали тасвирлайди. Оқсоқолнинг эғнида “банорас тўн”, “беллида белбоғ”. Оқсоқол образи орқали Миртемир дунёнинг пасту бўлишини кўрган, тақрибали, ўтмишда кўплаб “кўргүлик”ларни боиндан ўтказган ўзбек қарияларининг типик образини яратган. Шоир оқсоқолдаги мардлик, ҷумардлик ва бағрикенглик каби сифатларни образли тарзда “беллида белбоғи бор” ибораси билан тасвирлайди. Бу билан шоир, бир томондан, асарнинг образлилигини, иккинчи томондан, портрет тасвирининг миллий, ҳаётини ва халқ руҳиятига яқинлигини таъминлаган.

Портретда оқсоқолнинг ички оламини, маънавий дунёсини аниқ эттириш учун ҳам ўринли сўз ва иборалар топган. Унинг тетик ва бирдам руҳияти “қора, чакмоқ каби” кўзларида, характерлидаги наъминлилик ва босиқлик эса “ошқора савлат” билан “секин, белмоқдор” юришида аниқ этган. “Ақли дуқмонлардан тўйиқ ва расо” мисраси орқали эса шоир унинг бой маънавиятига, юксак ақлу ҷақоватига ишора қилади.

Оқсоқолнинг эл орасида қатта обрўга эга, ҳурматли инсон эканиннинг образли тарзда шундай ифодадалайди:

*Йўллардан ўтади – эҳё бобойга
Она табииатнинг эҳи таъзимкор,
Одамлардай эҳё саломга тайёр,
Бобойни кўрганда тўйлар чиройга. (II. 16)*

Оқсоқолнинг шахсиятига, обрў-эҳтиборига нисбатан элнинг муносабатини шоир оқсоқол ва табиат ўртасидаги алоқада

кўрсатади: ҳатто “Она табиатнинг ўзи таъзимкор”. Бундан оқсоқолнинг обрў-эътибори нақадар юксак эканлигига ишорани сезиш мумкин.

Умуман, Миртемир лирик портретларида сўзга нисбатан кучли ғоввий-бадий вазифа юқлаганлигини сезиш мумкин. Натижада, тугал портретнинг ўзидаёқ шоирнинг асар воқеалигига муносабати теран англашилади, бу образ моҳиятини, унга ҳов ҳарактерли хусусиятларни англашда ёрдам беради.

Инсоннинг алоҳида аъзолари ёки ҳаракатлари тасвири билан унинг маънавий оламига назар ташлаш ва портретдаги миллийликнинг кучлиги Миртемирнинг бу борадаги ўзига ҳов услубини белгилайди. Хусусан, шоир портретдаги миллийликни таъминлаш учун шундай ҳарактерли чизгилар, сўз ва иборалар топдики, натижада образни соф ўзбекона киёфда тасаввур қилиш мумкин бўлди. Бу эса шоирнинг бадий сўзга муносиб вазифа юқлай олиш маҳорати билан юзата келди.

2004 йил

Китоб – саккизинчи мўъжиза

Мақола “*Volalar adabiyoti*” журналининг тақлифи билан ёзилган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида яшagan швейцариялик машҳур rassom Жон Баюр “*Бувимнинг айтишича, Худо китобни оламидир хато қилиб, афсус чекамасликлари учун тухфга қилган экан*”, деб ёзди. Дарҳақиқат, дунёга машҳур ёзувчи ва шоирлар, олим ва ихтирочилар, rassom ва санъаткорларнинг ҳаммаси китоб қилида бири-биридан ўтказиб фикр-мулоҳазалар баён қилишган. Уларнинг ҳаммасини умумлаштирадиган бўлсак, “**Китоб шу инсоннинг томонидан қашф қилинган ихтиролар оқинда энг улуғлидир**”, деган хулосага келиш мумкин. Чунки ҳар қандай буёқ ихтиро ва қашфиётнинг замирида китоб ётганидек, ҳар бир олим, шоир, ёзувчи ёки rassomнинг шаклланишида китобнинг ўрни катта бўлгани шубҳасиз.

Тўғри фаҳмладингиз, бутунги суҳбатимиз китоб ва китобхонлик маданияти, бадий асарларнинг инсон маънавиятига таъсири ҳақида бўлади.

Китоблар ўзнда ҳаётни қай тахлитда ифодалашга кўра, баъдий, хотира-мемуар, илмий, илмий-оммабоп, ҳужжатли, тарихий, публицистик каби кўплаб турларга бўлинади. Бутунги мулоҳазаларимиз уларнинг энг оммавийси ва ҳалқчили бўлган баъдий китоблар ҳақида бўлади.

Баъдий китоблар ҳаётни образли тарзда тасвирлаши билан фанка турдаги китоблардан фарқ қилади. Бундай тасвир усулида буғичи ҳаётий воқеаликни баён қилиш йўлидан эмас, балки таъмирлаш йўлидан боради. Яна ҳам соддарок қилиб айтсак, ёзувчи инжонларни ҳикоя қилиб бермайди, балки жонли тарзда ифодалайди. Шунинг учун биз баъдий асар ўқитганимизда

вокеалар кўз ўнгимизда жонланган, улар ичида яшётгандек бўламиз ёки ундаги вокеалар бизга таниш бўлган жойларда содир бўлаётгандек таассурот қолдиради. Айнан шу жиҳати билан бадний китоблар бизни ўзига жалб қилади, ундаги вокеалар ривожли бизни ортидан эртатиради. Ҳаётни образли тасвирида ёзувчининг ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, қаршилантириш каби бадний тасвир воситалари ёрдам беради.

“*Boldar adabiyoti*” журнали яратиб берган имкониятдан фойдаланиб, ёшларга ўзим англаган битта ҳаётини ҳақиқатини айтмоқчиман. Яшаш, жамиятда муносиб ўрин топиш, сени ўйлаганчалик, осон эмас. Ҳаёт жуда ҳам мураккаб. Унга енгиласанми муносабатда бўлиш билан муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Агар Сиз олдингизга улкан максаллар қўйган бўлсангиз (бунга шубҳа қилмайман), буларга эришиш учун тинмай меҳнат қилишингиз, ўқилишингиз, ўз устидингизда ишлашингиз керак бўлади. Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида кўплаб синовлар ва тўсиқларга дуч келади. Уларни мардондор енгиб ўтиши учун инсондан ирода, билим ва шижоат талаб қилинади. Шу билан бирга, ҳаёт, мен айтганчалик, кўрқинчли ҳам эмас. У жуда тўзат ва мафтункор. Буни тўла хис қилиш учун инсон ўзидан, фаолиятидан қониклини керак. Қачонки, инсон ўзининг жамиятга қирақлигини хис қилса, одамлар учун фойдали иш билан машғул бўлса, шундагина ўзидан қоника олади, ҳаёт гўзаллигини хис қила олади, роҳатланиб ҳаёт кечиради. Қўрапсизми, ҳаёт мувозанат асосига қурилган: роҳатга эришиш учун машаққатли меҳнат талаб этилади. Бу табиини мувозанатни ўзгартиришга инсон қодир эмас. Сизнинг меҳнатининг ҳозирча ўқиш ва ўрганишдан иборат. Ўқиш ва ўрганиш эса мунтазамлиқни ёқтиради. Агар сиз мунтазам ўқиб-ўргансангиз, албатта, катта муваффақиятларга эришасиз. Шунда атрофдаги

Сизга ҳавас билан қарашди, фарзандларига Сизни намуна қилиб қўрашди. Бу эътироф эса Сизга ҳаётга бўлган иштиёқни оширади, янада кўпроқ муваффақиятлар сари етаклайди. Шунингдек, бадний мутолаа ҳам мунтазамлик касб этсагина, маънавий қамолотга етаклайди. Чўлпон тили билан айтганда: “*Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, мажруҳ, ғардор кўнгушга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингиган қора балчиқларни тозалайдирган, ўткур юрак қирларини ювадурган тоза маърифат суви*”га айланиши учун инсоннинг бадний мутолаа билан шуғулланиш жараёни мунтазамлик касб этмоғи керак. Бадний мутолаа билан мунтазам шуғуллансангиз, Сизнинг қалбингиз ўз-ўзидан тозариб, покланиб бораверади. Чунки ёзувчи томонидан бадний асар замирига усталик билан сингдирилган эзгу ғоя ва максаллар мутолаа жараёнида инсонга юқади, шу тарика ўзи ҳам сезмаган ҳолда яхшиланиб бораверади. Аммо бир-икки, ҳатто ўн-ўн беш китобни ўқиш ёки маълум даврларда китоб мутолааси билан шуғулланиш, сўнгра анча муддатта бу машғулоти ташлаб қўйиш билан инсон ўзида бундай сифатларни шакллантириши қийин. Инсонда яхши сифатлар шаклланиши жуда секинлик билан кечадиган ва кунба-кун давом этидиган жараёндир. Бу жараёнда ўзилишлар қўзғатилса, самараси қўзғатилгандек бўлмайди. Сиз йиллар давомида мунтазам мутолаа билан шуғуллансангиз ва бадний мутоладан завқ ола билсангиз, албатта, сизда яхши инсоний сифатлар шаклланиши қамолатла-

нади. Бу жараёнда ҳаётга, инсонларга бўлган муносабатингиз ҳам ўзгаради. Ҳаёт ва инсонларни сезиб қоласиз.

Умуман, бадний мутолаанинг инсон маънавий камолотидан ўрнини куйидатича таъсиф қилиш мумкин:

Биринчиси, бадний мутолаанинг эмпониал таъсири. Мутолаа жараёнидаги турли эмпониал ҳолатлар – асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларидан таъсирланиш: қулти, йиғи, нафрат, мойиллик, симпатия ва антипатия натижасида юз берадиган турли руҳий ҳолатлар инсоннинг қалбида эзгуликка (яхшиликка) мойиллик ва ёвузликка (ёмонликка) нисбатан нафрат ҳиссини ўйғотади. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов “*Бадний асардан таъсирланиб йиғлаган инсондан ёмонлик чиқмайдми*”, деган эди. Дарҳақиқат, бундай эмпониал ҳолатлар гўё сув қаби бўлиб, ўқувчи қалб ойнасига кўнган чанг ва ғуборларни тозалайди.

Иккинчиси, бадний мутолаанинг интеллектуал таъсири. Бадний асар ўқиш жараёнида инсон шу асар мавзуси билан боғлиқ билимларга эга бўлади. Бадний асарларда ҳар қандай мавзу қаламга олинishi мумкин, натижада, ўқувчининг асар мавзусига мавқия равишда фалсафий, тарихий, адабий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларга оид билими ошиб бораверади. Масалан, Ойбекнинг “Навоний” романини ўқиш экансиз, Сизда XV асрдagi тарихий шароит, сиёсий вазият, ўша даврдagi инсонларнинг яшаш тарзи ва ижтимоий муносабатлари, улут бобомизнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ билимларингиз янада кўпаяди. Ҳақиқий бадний асарлар истеъдод маҳсули бўлиб, унда муайян даражада ҳаётий ҳулоса ва умумлашмалар акс этган бўладикки, бу ҳулосалар ўқувчи интеллектини оширишга, ақлий қобилиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Учинчиси, бадний мутолаанинг лисоний таъсири. Мутолаа, аввало, инсоннинг лисоний сифатларини оширади: унинг сўз бойлигини кенгайтиради, нутқий қобилиятини оширади. Бадний мутолаа билан мунтазам шуғулланиш инсонда ўз фикрини раво, тушунарли ва осон ифодагай олиш кўникмасини шакллантиради. Тарихий асарларни ўқиш жараёнида эса ўқувчи историзм ва архаизмлар билан боғлиқ тарихий лексик бирликлар билан танишади. Умуман, яхши китобхон тилдаги ифодавийлик, нафосат ва гўзаллиқни ҳис қила оладиган, ундан амалда фойдалана оладиган бўлади.

Тўртинчиси, бадний мутолаанинг маънавий таъсири. Асар таъсирига сингдирилган ғоя ва фикрлар инсонда иймон, виждон, инсоф, диннат, садокат, ростгўйлик, самимият каби қатор ғоялиқларни шакллантиради. Яхши бадний асарларнинг барчасида у ёки бу маънавий қадриятлар улуғланади, тараннум этилади. Чунки бадний асар ўз табиати ва моҳиятига кўра маънавийтни тартиб қилиш воситасидир.

Бешинчиси, бадний мутолаанинг эстетик таъсири. Бадний асар ҳаётдан кўра гўзалроқ ва мафтунокроқ бўлганлиги учун ҳам ундаги воқеалар биз учун қизиқарли. Бадний асарни ўқишимиз ҳам шундан. Бадний асардаги ҳаёт парчаси ёзувчининг шунга ўқилиш кўлаб воқеаларни кузатиб, уларни ақл элагидан ўтказиб, сирлаб олиши ва уларни ўқувчига эстетик таъсир қилдирган шаклда таъсирлаши натижасида бунёдга келади. Бу ижодий ҳодиса адабиётшунослиқда *типиклаштириш* дейилади. Ҳаётнинг типиклаштирилган вариантига гўзаллик, нафосат катгориюлари таъриб қилинади. Ҳаёт билан адабиётнинг моҳияти бир, аммо, унга муносабат масаласида фарқ мавжуд. Бунга образли тарада ҳаётга кинесланган оддий қиймдаги қиз билан адабиётга қиёсланган

келинлик либосидати кизга ўхшатиш мумкин. Бунда келинлик либосидати кизнинг гўзаллиги инсонлар диққат-эътиборини кўпроқ жалб қилганидек, адабиёт ҳам ана шу гўзаллиги билан китобхонани ўзига мафтун этади. Бу гўзаллик тараннуми эса ўқувчидати эстетик диднинг ўсиши, гўзалликни хис қила билш қобилиятининг шаклланишга хизмат қилади.

Олтинчиси, бадий мўтолаанинг этик (ахлоқий) таъсири.

Бадий асарларда муайн халқнинг анъанавий ахлоқий қадриятлари у ёки бу даражада ўз аксини топади. Адабиёт моҳиятан ахлоқий ҳодисадир. Асарнинг ижобий қаҳрамонларида мужассамлаштирилган ахлоқий сифатлар ўқувчига кўчади. Ҳар қандай ўқувчи асар қаҳрамонидати бу каби фазилатларни онг остида ёқайди, марқуллайди, ихтиёрӣ ва ихтиёрсиз равишда ўзида шу каби сифатлар шаклланишга сабабчи бўлади.

Еттинчиси, бадий мўтолаанинг информатсион таъсири.

Ҳар қандай бадий асар ҳаётнинг парчаси сифатида ўзида кўплаб ҳаётӣ хабар ва аҳборотларни ташӣйди. Асарда бу каби аҳборотларнинг мужассамлашуви инсондаги дунёқарашнинг кенгайишига, аҳборот базасининг бойишга хизмат қилади.

Саккинчиси, бадий мўтолаанинг ижтимоӣ таъсири.

Бадий асарни кўп мўтолаа қилган инсонларда бошқа инсонлар билан ижтимоӣ муносабатларга киришишда муаммолар қузатилмайди. Бундай инсонлар хушмуомала, суҳбатдошни тушунадиган, уни ўзига қизиқтирадиган, ўзгалар билан тез тил топиша оладиган бўлади. Ҳаётда эса бу фазилатлар жуда зарур. Яхши муомала маданияти инсонни улғуйликка етаклаганидек, ёмон муомала, аксинча, ҳаётда жуда кўплаб муаммоларнинг юзага келишга сабаб бўлади, яшашни қийинлаштиради.

Азизлар, қани айтмигчи, Сиз юқоридати фикрлардан қайси бирини инкор эта оласиз? Буларнинг ҳеч бирини инкор этиб бўлмайди, аксинча, бу рўйхатни яна давом эттириш ва бойитиш мумкин. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда биз энг муҳимларини айтиб ўтдик. Хўш, бадий мўтолаанинг шунчалик кўп ижобӣ томонлари бор экан, унда биз нега уни мўтолаа қилмаслигимиз керак? **Мўтолаа билан шуғулланиш факат ва факат инсон маънавиятини оширишга, ундаги ижобӣ сифат ва фазилатларни янада барқарорлаштиришга хизмат қилади.**

Модомики, гап бадий асар мўтолааси ҳақида борар экан, масъаланг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтишимиз жоиз. У ҳам бўлса, бадий асар сифатида нашр қилинган ҳар қандай асар ҳам инсон маънавиятини оширади, деган янглиш ҳулосадан саккинчи масъаласидир. Бозор иқтисодиёти важдан келиб чиқиб ноширликнинг ҳам бизнесга айланиб кетган бўлми кунда, айниқса, бу масъала янада хушёр ва эҳтиёткор бўлмок керак. Китоб дўқонларида кўзни камаштириб турган барча китобларни ҳам ўқишга яроқли деб бўлмайди. Уларнинг орасида муқоваси қанчалик қимматдор ва безакли бўлса, асар сифатида сизга тақдим қилинмаётган, аслида мазмунли саёз бўлганлари қанчадан-қанча. Иккинчи ёмондан, пучни тўқдан ажратиб олиш учун эса ўқувчида аниқбӣ дид бўлиши керак. Адабӣй дид эса йиллар давомида, бадий мўтолаа билан мунтазам шуғулланиш жараёнида шаклланади. Иккин китобхон янги китобни кўлига олиб варақлар экан, унинг ёлмонини тўғри таҳмин қила олади. Инсон йиллар давомида шифаланиб келаётган ахлоқий қадриятларимизга тўғри келадиган, қобилимизга нур каби кириб уни ёритадиган асарларни ўқиши, ўқовида ҳам ёзувчи сатрлар ортита яширган тамазмунни уқий олиши лозим. Китобларнинг айни шу жиҳати ҳақида гапириб, Марк

Твен шундай деган эди: "Матнан етук китобларни танлаб ўқи. Акс ҳолда, бир даста қозоғ ҳаётингни захарлаши мумкин". Дарҳақиқат, етук асарлар инсон учун қанчалик наф келтирса, саёз асарлар эса шунчалик зиён етказди. Аввало, у ўқувчининг дилини ўтмаслаштиради, унда адабиётнинг қучиға нисбатан шубҳа уйғотади. Бадий адабиёт дегани шу эканда, деган нотўғри қарашни шакллантиради. Ғовий жихатдан яроқсиз ва саёз асарлар эса ундан-да ёмон: улар ўқувчининг тафаккурини захарлайди.

Сухбатимизнинг бошида дунёнинг машҳур инсонлари китоб ҳақида бири-биридан ўтказиб фикрлар билдирганларини айтган эдим. Ана шундай ўткир фикрлардан айримларини келтириш билан бугунги суҳбатимизга хулоса ясамоқчиман. Хулосадан хулоса чиқаришни эса Сизга қолдирамиз.

Китобсиз уй – қалбсиз танага ўхшайди. (Цицерон);

Саводли бўла туриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ. (Марк Твен);

Китобдек ақлли ва содиқ дўст йўқ. (Эриест Хемингуэй);

Шоҳона, бироқ кутубхонасиз уйга ачинаман. (Жейн Остин);

Менга мен ҳали ўқиб улгурмаган китобни берган инсон мен учун қадри дўстдир. (Абрэхам Линкольн);

Агар уйингизда китоб учун жавон бўлмаса, сиз билан суҳбатлашиш бефойда ва мен бунни рад этаман. (Терри Пратчет);

Гапириндан олдин ўйла. Ўйлашдан олдин китоб ўқи. (Френ Лебевитз);

Яхши китобларни ўқиб – дунёнинг энг доно китобларининг суҳбатида бўлиш демак. (Рене Декартес);

Қаердаки китоб ёқилса, қун келиб ўша ерда инсон ҳам ёқилади. (Хенрих Хейне);

КИТОБ, ШУҒҲАСИЗ, САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАДНН (Ўткир Хошимов).

2-БЎЛИМ

МОҲИЯТ ВА МУВОЗАНАТ

(илмий мақолалар)

Ангилар! Инсон бўлиб тутилганимиз бу – омад, Инсонлик мақомида қолиш ва унга муносиб бўлиш бу – машаққат, Инсонийликнинг улугъ мартабасига кўтарилиш эса Саодатдир.

Ушбу Саодат ҳар биримизга насиб этсин!

Инсон муқаммал мувозанатга асосланган муносабатлар тизимини йўлга қўйишга қодир эмас... Тараққиётнинг комплекс равишда содир бўладиган ҳолдига эканлиги тобора ойдинлашиб қолди. Тараққиёт натижасида инсоният учун ижобий томонлар билан бирга салбий жихатлар ҳам ривожланиб бориши қайсибир жихатдан қонунийдир.

... Унутмаслигимиз керакки, яратилш фақат Яратгангагина хос. Унинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, инсоннинг ҳар қандай ирғитиги ўрнини тўлдириб бўлмайдиган ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки инсон яратилганинг аксариятида табиат қонунилари, ундаги олий даражадаги ўзаро мувозанатлар бўзилади.

Умид Ходжамқулов

БҮҮЮК МУВАЗАНАТ

(Ёхӯд тараққиёт фалсафаси ҳақида мулоҳазалар)

Дунё асли мувозанат асосига қурулган. Ширр билан сабрнинг, ҳиджрон билан висолнинг, заҳмат билан роҳатнинг (ва ҳоказо) ёнма-ён туриши ўнма ҳаёт мувозанатини таъминлайди. Тараққиёт ва фаровонлик ортида нафс гирдобида татасасан ташайтган инсон қиёфаси гавдаганади. Нафс босиб ёмонликларнинг доясидир. Нафсининг жашновлигининг Аллоҳнинг раҳматига, унинг ақси эса аялчан оқибатларга сабаб бўлади. Бу ерда ҳам ўша БҮҮЮК МУВАЗАНАТНИ кўрасиз ва Аллоҳ яратилганини мукамаллигига яна бир бор ғаймон келтирасиз.

“Абадий двигателъ”нинг имконсизлиги тамойили...

“Абадий двигателъ” (perpetuum mobile) орузи табиий ва техник фан соҳибларининг табиий мувозанатга қарши хомхаёндир. Агар ҳаётимизни буюк мувозанат бошқармаганида эди, абадий двигателъ, эҳтимол, ихтиро қилинган ва у бутунли ҳаётимизни бутунлай ўзгартириб юборган бўларди. Абадий двигателънинг ихтиро қилинишига аксарият кишилар инсоният мушкулларининг осон бўлишига сабаб бўлувчи омил сифатида ижобий қарашади. Аслида ҳам шундайми? Ушбу қурилма инсониятнинг мушкулларини осонлаштирармиди? Умуман, абадий двигателънинг ихтиро қилинишининг ва унинг оқибатларини инсоният тўлалигича тасаввур қилишига қодирми?

Мутафаккир шонимиз Эркин Воҳидов “абадий” тушунчасини ҳақида шундай дейди:

*Мангулик дер одам насли,
Пек инсоний тафаккур –*

Абадий набир асли

Қила олмак тасаввур⁶⁰.

таълим қилади ва оқибатда ҳурмат ва эътироф билан сийланади; билимсизлик ва нафсга берилиш эса иродани қийнамайди, меҳнат ва машаққатни талаб қилмайди, аммо у ҳурматнинг йўқолиши ва ориятсизлик билан жазоланади. Мавзу борасида бизнинг фикрларимиз шу жойда поёнига етди. Бу ёғига энди нафсининг жиловланиши ва меҳнат ортидан топишган ҳурмат ва эътироф билан кам меҳнат қилиб, нафсга эрк бериш оқибатида топишган “роҳат ва қўриқ”нинг вақтини ўқувчилардан виждон тарозиси таърифсин...

Ҳато қилишдан қўрқманг!

(Ностандарт фикрлаш тарзи ҳақида мулоҳазалар)

Узоқ йиллар давомида педагогикамиз ўқувчиларга инсоннинг томонидан шу пайтга қадар эътиборланган мавжуд билимларнинг ўрнатилгани энг мақбул йўл сифатида қараб келди. Бунида ўқитувчилар ўқувчиларга ўзларининг билигларининггина рўқча қилиб, ўқувчиларнинг ундан нари ёки берида ўтишлари раъбатлантирилмади. Натижада, бир неча авлод ўқувчилар адабиётларда мавжуд билимларни эсда сақлаб қолиш, уларни кўра кўрона ёдлаш, борингки, олган билимларини амалиётда тадбиқ этишдан нарига ўта олишмади. Бу эса ўқувчиларда педагогнинг жараёнда энг муҳим бўлган ностандарт фикрлашга бўлган раъбатини йўқотди. Қанчадан-қанча хотираси билим ва информацияга тўлиб тошган иктидорли ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнига сингириб “кўринмай” кетди. Бу миллий педагогикамизнинг оқибати энг муҳим хатоларидан бири эди, аслида. Нафсиламбирини айтганда, ушбу хато ҳали ҳам давом этмоқда. Ваҳоланки, агар ёшларда ностандарт фикрлаш тарзи шакллантирилса, уларда масаланинг моҳиятини англаш, сабаб ва оқибатларни тушуниб еттиш ва ҳулосалар чиқариш кўникмаси шакллантирилса, бу борида уларнинг интилишлари раъбатлантирилса, мамлакатимизда фан ва технологиялар соҳаси бўғунгидан кўра анча юксак марраларни юбган бўлар эди. Ҳуш, илм-фан ривожки учун шунақали аҳамиятга бўлган “ностандарт фикрлаш” детанда нимани тушуниш керак? У қандай намоён бўлади ва қандай натижаларга олиб келади?

Умуман, аввало “ностандарт фикрлаш” тушуначасининг ўнча изох бериб ўтсак: бу тушулча кишиларнинг одатий фикрлар тарзига номувофик, гайриоддий фикрлаш, ноодатий усул ва йўллар билан ҳулосалар чиқариши; вазиятдан чиқилишни қоти

гайритабйий, аммо энг мақбул муқобилларини излаб топиш, масалалар ва ҳолисаларга нисбатан ҳар доим ижодий фикрлаш орқали ёндашиш кўникмасидир. Дарҳақиқат, ностандарт фикрлаш кўникма бўлиб, бунга йиллар давомида фикрлаш тарзини мунтазам машқ қилириши ёрдамида эришиш мумкин. Ҳар қандай қучли иктидор эгаси ностандарт фикрлаш тарзи маҳсулидир. Одатий фикрлаш тарзи кишидаги иктидорни юзага чиқармайди, унинг ижодий, интеллектуал ва илмий салоҳиятининг ривожланишини тўсқинлик қилади. Оқибатда, қанчаллик иктидор ва салоҳият эгаси бўлмасин, одатий фикрлаш тарзига кўниккан инсон нари борса бой информацион базага эга “билимли ўқувчи” ёки “ҳодим” дан нарига ўта олмайд.

Модомики, гап ностандарт фикрлаш ҳақида борар экан, кўнгда келтирилиган воқеа ушбу тушуначанинг мазмун-моҳиятнинг тушунишимизга ёрдам беради.

Бир кунни университет ўқитувчиси Кириллик Академияси Президенти, физика фани бўйича Нобель мукофоти соғирдориди Резерфордга бир масалада ёрдам сўраб, мурожаат қилади. У бир талабасига физика фанидан имтиҳонда энг яхши натижага эришганини, лекин талаба бу баҳога рози эмаслигини айтади. Уларнинг ҳар иккиси: ўқитувчи ҳам, талаба ҳам учинчи бир ҳолис шаксининг фикрини сўраб кўришга рози бўлишлар. Улар бу масалада Резерфорднинг танлайдишлар. Имтиҳонда беришган савол қуйидагича эди: “Барометр ёрдамида бино баландлигини қандай ўлчаш мумкинлигини тушутириш”. Талабанинг жавоби қуйидагича эди: “Барометр бинонинг бинонинг томига чиқиб, ўзини арқонга бирометрни боғлаб, настига тутириш, сўнгара уни яна юқорига кўтариб, арқон узунлигини ўлчаш лозим, шу узунлик бинонинг

бағандиғини кўрсатади”. Вазият мураккаб эди, ўз навбатида, жавоб ҳам тўлиқ ва тўғри бўлган. Бошқа бир томондан, имтиҳон физика фанидан бўлган, бироқ шундай жавобга келишда эса бу соҳада қўлдан мумкин бўлган билимларга таянлмаган эди. Резерфорд талабдан қайтадан жавоб беришни сўрайди. Тайёргарлик учун олти дақиқа ажратиб, талабга жавобда физика конунийатлар ақс этиши лозимлигини таянглайди. Бети даққов ўтиғига қадар талаба имтиҳон варақасига ҳеч нарса ёзмайди. Резерфорд талабдан имтиҳонни то‘тириши ёки то‘тирилмаслигини сўраганида, у муаммонинг бир неча ечими борлигини, шунчаки, улар орасидан энг мақбулини танлаётганини айтибди. Қизқишиш ортиган Резерфорд вақт турмаган бўлса ҳам, бу талабдан жавобни айтишини сўрайди. Саволга энди қўйиладиган жавоб янграйди: “Барометр билан бинонинг томига чўкинг ва барометрни тизга боғлаб, настига ташланг, тушиши вақтинини белгиллаб қўйинг. Сўнгера формуладан фойдаланиб, бино бағандиғини ҳисоблаш мумкин”. Шунда Резерфорд ўз ҳамкасиби — ўқитувчидан жавобининг маъқул бўлган ёки маъқул эмаслигини сўрайди. Ўқитувчи жавоб қониқарли эканлигини таян олади. Бироқ талабдан бир неча жавобни билишини эслатади ва қолган жавобларини ҳам айтишни учун руҳсат сўрайди. Руҳсат берилгач эса, шундай жавоб беради:

- Барометр ёрдамида бино бағандиғини ўйчангинг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, қўёшли кунда кўчага чиқиб, барометр ва унинг сояси узулиғини ўлчаши мумкин. Худди шунингдек, бино соясининг узулиғи ҳам ўлчанади. Сўнг оддий пропорцияни ҳисоблаш орқали бинонинг узулиғини ҳам топиши мумкин.

- Ёмон эмас, — деди Резерфорд. — Бошқа усуллар ҳам борми?

- Ҳа. Жуда оддий усул бор, бу усулнинг сизларга ёқиб қолганига шончм қомил. Барометрни қўйингизга олиб, зинадан қўтаришга-сиз. Барометрни деворга тираб, белгилар қўйиб борасиз. Ўнгишлар сонини барометр узулиғига қўлайтириб, бино бағандиғини билиб olasiz. Бу энг асжойиб усул.

- Агар сиз мураккаброқ усулни хоҳласангиз, — давом этди у, — барометрга ип боғлаб, уни маътик қаби тебратиб, бинонинг оғоси ва томида эравитацион катталикни аниқланг. Бу катталиклар орасидаги тафовутдан бино бағандиғини ҳисоблаш мумкин.

- Ниҳоят, — якунида талаба, — бошқа қўлгина усуллар орасида бу масаланинг энг маъқул ечими шуки, барометрни олиб, бино бошқарувчисини топиш ва унга: “Жаноб бошқарувчи, менда шундай барометр бор. Шу бинонинг бағандиғини айтсангиз, уни сизга тўғри қиламан”, — деб айтиши.

Шунда Резерфорд талабдан наҳотки бу масаланинг ҳаммага маъқул бўлган ечимини билимаслигини сўрайди. У ечимни билишини айтибди, бироқ ўқувчиларга ўз фикрлаш усулларини рўқач қилиб, шундай фикрлашга масъулловчи ўқитувчилардан зерикканини, шунинг учун бино бағандиғини ҳисоблашнинг ўзи учун тўғри деб ҳисоблаган жавобни айтганлигини таянқилайди.

Бу талаба бунок физик, Нобель мукофоти совриндори Нильс Бор (1885-1962) эди”.⁶³

Ҳақиқатан ҳам, айнан ностандарт фикрлаш тарзи Нильс Борни миншуҳ физик сифатида дунёга танитди, у энг нуфузли Нобель мукофоти совриндори бўлди.

Ностандарт фикрлаш ва унинг инсон тафаккурини ринножиянтиришлари аҳамияти шубуҳасиз. Илмида, бизнесда, сиёсатда

⁶³ Нильс Хейррик Давид Бор — биография, (on-line: <http://ru.wikipedia.org/wiki:Bohr>)

ёки бошқа соҳаларда муваффақиятга эришган инсонларнинг барчаси одатдаги инсонлардан у ёки бу хусусияти билан фарқ қилади, ammo фикрлаш тарзидати фарқ эса шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, фикрлаш, тафаккур нориши бу бизнинг муваффақиятимиз ёки муваффақиятсизликларимизнинг энг муҳим ширтларидан биридир. "Тафаккур норишига ҳаракат қилган инсон, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилайган сўнги дарожадаги бахт-саодатга эриша олади", дейди буюк файласуф Абду Наср Форобий.

Инсонларнинг фикрлаш тарзи унинг жамиятда тутган ўрнин ва даражасига нисбатан тўғри пропорционалдир. Эътибор берганимиз, оддий фикрлаш тарзига эга инсонлар одатдаги инсонлар қадри ҳаёт кечирадилар. Аксинча, муайян соҳада муваффақиятга эришган инсонларнинг барчаси одатдаги инсонлардан кўра бошқача фикрлайдилар. Улардаги ностандарт фикрлаш тарзи инсоният учун ҳали маълум бўлмаган ечимларни топишга сабаб бўлган ва бунинг натижасида улар бизнесда, илм-фан ёки санъатда улкан муваффақиятларга эришганлар.

Ҳар қандай масалада ечимга келишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Аксарият инсонлар қайсибир масалага дуч келишса, бу масала ўзидан олдин қайси йўллар билан ечим топишга эътибор қаратишди ва шуларнинг орасидан ўзига энг маъқулни танлайдилар. Чунки педагогикамиз бизни узок йиллар давомида шу тарзда тарбиялаган. Ваҳоланки, ҳар қандай масаланинг ечимида ҳар доим шу пайтгача маълум бўлганидан ташқари яна бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлади. Уларни топиш эса нооддий фикрлайдиган, ўз йўлини кидирадиган инсонларгагина насиб этади. Масаланинг ечимида биз топган янги йўл энг маъқули бўлмаслиги мумкин, ammo у сизгагина тегишли эканлиги ва янгилиги билан қадри

бўлади. Янги топишган йўл бизнесда бу йўналишда рақобатчиларнинг кам бўлиши билан муваффақиятга етадиган, илм-фанда эса инсоният эришган илм-фан сарҳадларининг кенгайишига хизмат қилиши билан қадр топади. Янги усуллар топиш кишидаги фараз қилиш қобилияти билан амалга ошади. А.Эйнштейн фараз қилиш қўникмасини билимдонликнинг энг юқори поғонаси деб ҳисоблаган, фаразсиз янгилик очиниш мумкин эмаслигига ишонган.

Математиклар "Йигирмата масалани битта усул билан ечгандан кўра, битта масалани йигирмата усул билан ечган кшироқ" эканлигини таъкидлайдилар. Бу бир хилликдан қочиш билан бирга креатив ёндашуви, ностандарт фикрлашни раёбатлантириш демакдир.

Хўш, ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатиш учун бутунги кун педагогикамизда қандай усул ва воситалардан, методлардан фойдаланиш зарур? Бу борада биз қуйидагиларни тавсия қиламиз:

✓ ўқитувчининг талабаларга ўз фикрлаш тарзини рўқач қилиб, улардан ҳам шундай фикрлашни талаб қилишдан тийилгани;
✓ талабаларга фикр нориши учун имконият бериш;
✓ турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш, ўқитиш жараёнида мавжуд билимларни ёлдам ва хотирада сақлашдан кўра инсонларнинг моҳиятини тушунтиришга эътибор қаратиш;

✓ илмий термин ва тушунчаларнинг таърифи, қонуниятлар ва қондаларни шунчаки ёлдам эмас, балки уларнинг маъмуини аниқлаш ва моҳиятини тушунишга урғу бериш. Бунда унинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтиришда муайян таъриф, қоида ва қонуниятни аниқлаш (таҳлил) ва синтез (таъсиф) қилиш методи қўл келади.

✓ дарс машғулотида ўқувчиларни ҳар бир фан, керак бўлса қар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни аниқлашга, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат

ва мувозанатларни тушунишларига, чоғиштириш, солиштириш ва мантикий хулосалар чиқаришларига шaroитлар яратиш;

✓ талабалар (ўқувчилар)да моҳиятга етиб келишнинг янги йўлларини килиришга раёбат уйғотиш, бунда уларга хатога йўл қўйишлари табиий ҳол эканлигини ва бундан ҚЎРҚМАСЛИК кераклигини тушунтириш;

✓ янги, ноодатий фикрлар билан талабаларни қўлнинг қолмасликларига ишонтириш;

✓ бир нечта масалани бир усулда ~~ё~~нишдан кўра бир масалани бир нечта усуллар билан ечишга қаратилган методлардан фойдаланиш;

✓ талабалардаги ижодий фикрлаш тарзининг ҳар қандай кўринишларини раёбатлантириш;

✓ талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
✓ ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш ва хоказо.

Аслида мазкур тақлифларнинг ҳар бири ўқитувчидан изланишни, ҳар қандай дарс машғулотига пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шунинг учун мен ўқитувчиларга ҳар бир дарс машғулотини ижодий жараён сифатида қарашни ва унга тайёргарлик жараёнида мавжуд усул ҳамда воситалардан фойдаланиш билангина чексизланмасликни, балки шу мавзунинг ўқувчиларга етказишга ёрдам берадиган ҳар қандай усул, восита ва шакллардан фойдаланишдан ҚЎРҚМАСЛИКЛАРИНИ ангашиш бўлар эди. Демак, ностандарт фикрлаш тарзини барча фаоллиг турлари каторида дарс машғулотига ҳам татбиқ этиш мавзунинг мувофиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Умуман, *инсондаги ностандарт фикрлаш тарзининг аҳамиятини* эса талабаларда масаланинг моҳиятини англаш, содда

ингиллик ва кашфиётлар яратиш, ижодий фикрлаш тарзининг ривожланиши, ХАТО ҚИЛИШДАН ҚЎРҚМАСЛИК кўникмасининг шаклланиши, ўзига нисбатан ишонч ортиши каби ижодий натижалар билан характерланади. Энг асосийси, ностандарт фикрлаш уларни ўқишда ҳам, ишда ҳам кашфиётлар ва янгиликлар ери етказайди.

Таълимдаги “кўтариш” ва “тушириш” принциплари

(ЯПТ ва уларни қўллаш борасида айрим мулоҳазалар)

Таълим тизимидаги “кўтариш” ва “тушириш” принциплари ҳақида эшитганимиз? Эшитганимиз-а? Дарҳақиқат, бундай принциплар ҳақида педагогикага доир адабиётларда қайдар мавжуд эмас. Таълим тизимида мавжуд икки хил қарама-қарши тенденцияни мен ширтли равишда шундай номладим. Билки, бу принцип даржасидаги ҳодисалар эмасдир. Билки, сиз уларни бошқача номларсиз, аммо бу қизиқ эмас. Қизиги, шу иккита теокори ҳодисанинг таълим тизимида ёнма-ён ҳолда мавжудлигидир.

Бугунги кун педагогикасида ўргатишдан кўра ўрганишга ўргатиш кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Миллий педагогикамиз яқин йилларга қадар ўқувчиларга инсоният томонидан шу пайтга қадар эгалиланган мавжуд билимларни ўргатишни энг мақбул йўл сифатида қараб келди. Бунда мавжуд билимлар ўқувчи онг ва тафаккурита тайёр ҳолда сингдирилади. Бу жараёнда билимлар адабиётларда тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва бунни ўзлаштириш ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам қаноатланарли хисобланади. Аммо бу ўқувчиларда масала ва ҳодисалар моҳиятини англашга нисбатан ижодий ёндашувни назарда тутмайди, фақат мавжуд билимларни ёллаш, уларни амалиётга жорий этиш бу турдаги педагогиканинг бош максали сифатида қаралади. Бундай ёндашувда ўқувчининг қанчалик кўп билимини ёлда сақлаганига қараб унинг билими ҳақида ҳулоса чиқарилади. Бу, тўғри, аммо билим олиш жараёни икки босқичдан иборатлигини, биринчи босқич билимларни эгалиш, иккинчи босқич ундан ҳулосалар чиқариш эканлигини хисобга олсак, бу усул туталланмаган методика сифатида ўзини оқламалиги ойдинлашади. Билим билим учун хизмат қилмас экан, унинг оддий информациядан фарқи

қолмайди. Яъни мавжуд билимлар янги билимларни қашф этиш учун пойдевор сифатида хизмат қилмаса, бу жараёнда занжирли реакция ҳодисаси кузатилмаса, фан ва ишлаб чиқаришда кўпгитанлик ривожланиш ва тараққиёт кузатилмайди. Бунинг учун ўқувчилар масаланинг моҳиятини англаш, сабаб ва оқибатларни тушуниб етиши ва ҳулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади. Аммо бир неча авлод ўқувчилар юқоридаги тумтоқ методика “шарофати” билан адабиётларда мавжуд билимларни эсда солиб қолиш, уларни кўр-кўрона ёллаш, боринтки, олган билимларини амалиётда тadbик этишдан нарига ўта олмай қолишиди. Қанчадан-қанча хотираси билим ва информацияга тўлиб тошган иқтидорли ўқувчиларнинг иқтидорлари рўёбга чиқмай, ишлаб чиқариш жараёнига сингиб, “кўринмай” кетди. Ваҳоланки, дарс машғулотларида ўқувчилар ҳар бир фан, керак бўлса, ҳар бир мавзу борасида ҳолдса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англаш, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушуниш, чоғштириш, солиштириш ва мантқий ҳулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим. Бу эса дарс машғулотининг қай даражада жиддий ва ўзига хос жиҳатлари борлигини кўрсатади.

Юқоридаги ва бошқа сабабларга кўра педагогика соҳаси доимо ингилиниб, замонга мослашиб бораверади. Миллий педагогикамиз ҳозирда шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда, педагогикамиздаги энг муҳим янгиланишлардан бири ингиича педагогик технологиялар (ЯПТ) ва интерфол методлар исосида дарс машғулотини ташкил қилиш бўлиб турибди. Бугунги кунда ўқитувчидан бу тушунчалар доирасида дарс машғулотига нисбатан ноанъанавий ёндашувлар талаб қилинмоқда. Бу каби ноандарт тажрибалар замирида ўқитувчининг дарс машғулотига

нисбатан янги, самарадор усул ва воситалар билан ёндашиши, дарс машғулотида нисбатан ижодий жараён сифатида қараш мавжудлигини кўради. Янги усул ва воситалар, метод ва ёндашувлар агар фан ва мавзунинг ўзига хослигидан келиб чиқиб тўғри танланса ва меъёрида қўлланилса, шубҳасиз, дарс машғулотида самарадорлигини оширади. Аммо ҳозирда қўлланилатган ЯПТ ва интерфаол методларнинг барчаси дарс машғулотида самарадорлигини ошираётми, деб айта оламизми? Афсуски, йўқ. Тўғрироғи, ЯПТ ва интерфаол методларни нотўғри тушуниш ва тўғри талқин қилмаслик ҳолатлари кўзатишмоқда. Бизнинг назаримизда, кейинги пайтларда бу борада УРХО-УР ва хайбарқалчилик анча авж олиб кетгандек. Кузатишларимизга қараганда, бу ҳодисага нисбатан тушуниб-тушунамай ёндашиш натижасида қўлгина педагоглар (бу айниқса, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида) дарс машғулотида ўйинга, қандайдир кўнгиллоқлар машғулотида айлантириб қўймоқдалар. Айрим ўқитувчилар масалани кўр-кўрона ёндашиб, дарс машғулотида моҳиятидан узоккидан ва мақсаддан чекиниб кетаётганларини сезмай қолишмоқда. Зеро, синовдан ўтмаган, натижаси қафолатланмаган ёндашувларнинг таълим жараёнига татбиқ этиб бўлмайди. Чунки таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг тақдирини, уларнинг билим олиши бўлган конституциявий ҳуқуқлари бу миллат келажигига дахлдор ҳодисалар бўлиб, унинг устида “тажриба ўтказиш” учун ўқитувчининг ҳуқуқ ва ваколат берилмаган.

Ўнумтаслигимиз керакки, дарс машғулоти, илм олинган ҳеч қайси замон ва маконда ўйин билан амалга оширилмаган ва бўлмаган бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу борага ёндашган болалар ва ўқувчиларнинг мақсадларининг бошланғич синфлари учун тўғри бўлиши мумкин. Чунки уларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари

хисобга олинганда, турли ўйин ва кўнгиллоқлар машғулоти билан уларни таълимга олиб кириш ва шу орқали уларга **дастлабки билимларни бериш**да бу усул ўзига хос адаптация жараёни сифатида ўзини оқлаши мумкин. Аммо таълимнинг кейинги босқичларида давлат таълим стандартларида кўзда тутилган билим, маълум ва кўникмаларни ўқувчиларга тушултиришга ўйин методлари асосланган дарс машғулотида бериб бўлмайди. Бизнингча, бутун дарсни интерактив таълим методлари асосида ўтказиш қийиндиги сабабларга қўра дарс машғулотида қўлланган натижага эришиб таъсир кўрсатади: **биринчидан**, ҳар қандай интерактив методларни амалга ошириш алоҳида тайёрларлик ва шарт-шароитни талаб қилади, зеро ҳар доим ҳам бунинг имконияти бўлавермайди. **Иккинчидан**, интерактив методларни ташкил қилиш ва унинг моҳиятини ўқувчиларга етказиш ўқитувчининг иқтидори ортиқча “ўтгирлайди”. **Учинчидан**, дарс машғулотида ишлар давомида шаклланган ва тан олинган зарур таркибий қисмлари мавжуд: улардан ҳеч бўлмаганда биттасининг тушириб қўйилиши натижасида дарс машғулоти туғаллик касб этмайди. Интерактив методларга асосланган дарс машғулотида бунга амал қилиш жуда мушкул ва уларга нисбатан вақт тақсимотини тартибга солиб бўлмай қолади.

Таълим жараёнининг ҳар қандай даврларда ҳам ўзгармайдиган жиҳатлари бор бўлиб, бу қўйилганларда намоён бўлади:

Биринчидан, илм олиш ўқиш-ўрганишни, изланишни, умуман, меҳнат қилиш ва заҳмат чекишни талаб қилади. Тарғиб мақсадида йўналтирилган бўлса-да, қандайдир ўйинлар ва ўқувчиларнинг диққатини тортадиган кўнгиллоқлар машғулоти (буни биз “янги педагогик технологиялар” ва “интерфаол таълим методлари” деган чиройли илмий термин билан атаган бўлсак-да)

дарс жараёнини кизикарли ўқишини таъминлаши мумкинлиги, аммо самарали бўлишини таъминлай олмайди. Ҳар қандай кизикарли ўтган дарс машғулотини ҳам “самарали” деб бўлмайди. Умуман, дарс машғулотининг, яъни олишнинг кизикарли бўлиши борасидаги фикрнинг ўзи бир оз мунозарали. Дарс машғулотининг кизикарли ёки ўқувчиларнинг фаоллиги масаласи ихтиёрий, аммо унинг самарали бўлиши мажбурий, яъни шартлир. Дарс машғулотининг самараси эса таълим олувчининг таълим берувчидаги билимининг, шунингдек, билим олиш йўллариининг қай даражада ўзлаштирилганлиги билан белгиланади. Ўйин технологияларида асосланган дарс машғулотларида, ўқитувчида боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўқувчининг билими эмас, балки унинг “ўйин-дарс”даги фаоллиги биринчи даражага чиқиб қолади ва натижада ўқитувчи машғулоти жараёнида фаол иштирок этган ўқувчиларни рабатлантиришга мажбур бўлади. Дарс машғулотида ўқувчининг фаоллиги яхши, аммо фаоллик ҳар доим ҳам билимининг ўзлаштирилишини кафолатламайди.

Иккинчидан, таълим жараёнида икки томон: билим берувчи ва билим олувчи томонлар бўладики, “интерфаол методлар” деган тушунчага ружу қўйиб, уларни машғулоти жараёнида мавқеини ва фаоллигини тенглаштириш ҳам, бизнингча, унчалик тўғри эмас. Бу машғулоти жараёнида ўқитувчининг билим даражасидаги камчиликлари хаспўшлашга имконият яратди (**1-сабаб**), шунингдек, машғулотиинг тартибсиз ўтиши (**2-сабаб**) ва ўқитувчи обрўсининг пасайиши (**3-сабаб**) каби салбий оқибатларга сабаб бўлгани мумкин. Фикримизни изоҳлашга ҳаракат қиламиз: (**1-сабаб**) бунидан 5-10 йил олдин шахар ўрта махсус, касб-хушнар таълими бошқармасида бир ола масъул лавозимида ишларди. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирокидаги йиғилиш

ларда олага ўқув жараёни билан боғлиқ масалаларда савол берилса, ола дарров “интерфаол метод”га ўтиб оларди-да, тажрибали директор ўринбосарларига мурожаат қиларди: “Қани, сиз шу бўйича қандай фикрдасиз?” Табиийки, тажрибали директор ўринбосари ўзининг фикрини билдирарди ва ола “Тўғри!”, “Яхши!” деган қўллаб-қувватловчи сўзлардан нарита ўта олмасди. “Интерфаол метод” айна аудиторияда ўзини оқлагани шубҳасиз. Чунки тажрибали директор ўринбосарлари олага қаранда ўқув жараёнини ўн қарра яхши биларди. Аммо ўқувчилар аудиториясида ўқитувчининг бундай йўл тутиши ўзини оқламайди. Ҳар бир мавзу ўқувчи учун очилмаган кўрик. Уни билимли ўқитувчининг фаоллиги билангина ўқувчиларга бера олиш мумкин. Тан олишимиз керакки, таълим тизимимизда билимсиз, ялқов ва ўз устида ишламайдиган ўқитувчилар тўлиб ётибди. Ҳа, мен охирти жумламни “учраб турарди”, “оз бўлса-да, мавжуд”, “афсуски, бор” қиб бирикмалар билан ҳам тутатишим мумкин эди. Аммо, мен таълим тизимининг ичида бўлганлигим учун ҳам, бу соҳани яхши билганлигим учун ҳам шундай баён қилдим. Қолаверса, мен таълимни бошқарувчи соҳада ишламайман ва соҳадаги муқаррар минжуд камчиликларни хаспўшлаш, озайтириб кўрсатишдан минфатдор ҳам эмасман; (**2-сабабга далил**) интерфаол методлар натижасида дарс машғулоти пайтида ўқувчиларнинг фаоллаиши, табиийки, машғулотиинг тартибсиз ўтишига сабаб бўлади. Аудиториядаги шовқин-сурон, айрим ҳолларда қўшни аудиториядаги дарс машғулотига ҳам ҳалал бериш даражасига бориб етади. Бу тажрибада қўл бора қузатишган. “Нима ган?” деб ҳабар олишга кирганингизда, “Интерфаол метод асосида дарс ўтапмиз”, деган минобни оласиз. Энди ўйлаб кўринг, қўшни аудиторияга ҳам ҳалал бериш даражасидаги шовқинли дарс машғулотиини самарали дарс

машғулоти дейиш мумкинми? Ҳар ҳолда, мен бундай дарс машғулотининг сифатига шубҳа қиламан; **(3-сабабга далил)** дарс машғулотининг шовкинли ва унда ўқувчиларнинг ҳаддан ортиқ эркин бўлиб кетиши натижасида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги субординация йўқола боради. Аудиторияда билимли ва билимсиз ўқувчилар бўлгани каби, характер жихатдан жиддий ва ҳазил-мутойибага мойил ва томошатаълаб ўқувчилар ҳам бўлади. Ани шундай ўқувчилар ўқитувчи томонидан яратилган эркинликни суниётга соғай қилиб, аудиторияга мос келмайдиган лужмалар ташлаб, ўқитувчининг айна ноқулай вазиятдан чикиб кетишини томоша қилмоқчи бўлади. Ўқувчига фикрини эркин билдириш учун имконият яратилганда, аксарият ҳолларда, машғулот ману-сидан чекинши ҳоллари кузатилади. Ҳуллаас, шу жараёнда ўқитувчининг хурмати ва обрўси ўқувчилар кўз ўнгида пасайиб бораверади.

Бизнинг фикримизча, дарс машғулотида ўқитувчи фаолнинг ва ташаббускорлигининг юқори даражада бўлиши ўта лозим эканлиги англашилади. Ўзини хурмат қилган ва билимли ўқитувчи машғулот пайтида фаолликини ҳам, ташаббусни ҳам, биринчиликни ҳам ўқувчига бериб қўймайди. Бундай ўқитувчилар аудиториядаги дарс машғулоти, фан ёки ўқитувчига нисбатан зигирча бўлгани хурматсизликини, орият нуқтаи назаридан келиб чикиб, эътиборни қолдирмайди. Билимсиз ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг бундай муносабатини тўғри “қўрмайди”. Бундай ўқитувчилар ўқувчи-ларга ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлишади, чуқури ўқувчиларни тартибга чақириши ёки уларга танбех бериши билан боғлиқ ўқувчи-учун ёқимсиз ишлар ўқитувчидаги камчиликларни ўқувчилар томонидан ошқора айтиб юборилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу тарика ўзига, фанга ва дарсга нисбатан ўқувчининг хурматсизли-

қилиши уларнинг ориятини қийнаса-да, бунга қарши ошқора муносабат билдиришга журъат қилолмайдилар. Чунки унинг кечириб бўлмайдиган энг катта камчилиги бор – БИЛИМСИЗЛИК. Ҳуллаас, шу тарика билимсиз ўқитувчи фаоллик ва ташаббусни ўқувчига топириб қўяди. Аммо фаоллик ва ташаббус ўқувчида бўлиши лозим. Чунки таълим берувчидаги билим ва билим олиннинг усули ва йўллари унинг фаоллиги билан таълим олувчига ўтади. Бу чойнақдаги чойнинг пиёлага қуйилиши қабидир. Пиёлага чойнақнинг ҳаракати билан чой қуйилади ва бу жараёнда нисбатсизини ҳам фаоллаштириш ёки пиёланинг фаоллигини ошириш кутилган самарани бермайди. Бу билан дарс машғулотида ўқувчи фаол бўлмаслиги керак, демокчи эмасми, аммо ўқувчининг фаоллиги ўқитувчининг етарли даражадаги фаоллигига ҳалал бермаслиги лозим, чунки дарс машғулотининг вақти чегараланган бўлиб, унинг ҳар бир дақиқаси мақсадли сарфланиши лозим.

Учинчидан, таълим жараёнини сифатли ташкил қилиш ва унда самарадорликка эришиш учун таълим олувчининг етарли даражада қобилиятли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда дарс машғулотининг соддалаштирилиб, ўйинга айлантирилиши, билимнинг назаримизда, қобилияти йўқ ўқувчиларга билим бериш, дарс машғулоти пайтида уларнинг диққат-эътиборини жалб қилиш нисбатсизлиги қилинмоқда. Натижада, таълим жараёни қобилиятли ўқувчиларга таълим бериш даражасига кўтарилмапти, аксинча, қобилияти йўқ ўқувчиларга таълим бериш даражасига тушириб қўйилмоқда. Бу текари принциплари оқибатида таълим қобилиятли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг кетишларини қолдириш даражасига қадар етиб бора олмапти. Дарснинг таълим стандартларида “минимум” тушунарчаи мавжуд. Бу таълим босқичини битираётган ўқувчиларнинг билим даражасига

кўйилган минимум талабларни белгилайди. Тескари принципи натижасида бизнинг таълим тизимимиз ўша минимум талаблар, ҳатто, ундан ҳам паст даража атрофида ўралашиб қолмоқда. Шу ўринда бир қиёс келтирмакчиман: гарчи норасмий бўлса-да, репетиторлик таълимда энг самарадор усуллардан бири эканлиги ҳаётда ўз исботини топиб улғурди. Энг қизғини, репетиторлар камдан-кам ҳолларда ўйин технологияларига мурожаат қилишди. Аввало, репетиторлар ўқувчиларни билим даражасига қараб гуруҳлаштиради ва аудиториядаги энг иқтидорли боланинг эҳтиёжларига қараб дарс машғулотини ташкил қилади. Бу эса гуруҳлаштирилган ўқувчилар учун стимул бўлиб, уларнинг янада кўпроқ интилишига, пиروvardида, таълим жараёнининг сифат ўзгаришларига олиб келади. Дарҳақиқат, таълимда айнан “тушириш” эмас, балки “кўтариш” принципи амаг қилингани учун ҳам репетиторлик энг самарадор шакллардан бири сифатида тан олинмоқда.

Шу билан боғлиқ яна бир мулоҳаза. Битта гуруҳда ҳам

қобилиятли, ҳам қобилиятсиз ўқувчиларнинг таълим олишидан ҳар икки томон ҳам бирдай ютказади. Тўғри, бизда таълимнинг ўрта босқичлари мажбурий бўлиб, уларда фақат қобилиятли ўқувчиларни саралаб олишнинг имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Аммо ўқувчиларни гуруҳлаштириш таълим муассасасининг ихтиёрида бўлиб (мажбурий ҳолатлар бундан мустасно), бундан асосий мезон ўқувчининг билими бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу борада таълим муассасаларида ўқувчиларнинг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлаштиришларига тақим қўйилмаган. Агар ўқувчиларни гуруҳлаштиришда уларнинг қобилиятларига қараб, бу ҳар бир гуруҳга алоҳида дастур асосида ёндашиш имконини беради. Натижада, қобилиятли ўқувчилардан иборат гуруҳлар учун давлат таълим стандартларида назарда тутилган ўрта ёки юқори

даражадаги билим беришга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш им қўллаш имконияти пайдо бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, қобилияти паст ўқувчилар билан эса ўша минимум талаблар даражасидаги дастурлар асосида иш олиб борилади. Аммо ҳар иккала типдаги гуруҳларда ҳам гуруҳдаги энг иқтидорли ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш даражасида дарс машғулотларини ташкил қилиш таълимдаги “кўтариш” принципини юзга келтиради. Демак, таълим муассасаси раҳбари ўз ваколати доирасида бу борадаги номувофиқликларни баргараф этиш чораларини кўриши лозим.

Демак, янги педагогик технологиялар ва интерфаол таълим методларини қўллашда фаннинг, мавзу ва ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, натижани олдиндан чамалай билиш лозим ва анъанавий дарс машғулотига нисбатан самарадорлиги қиёлагатилган тақирда таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ватанпарварлик тарбияси

("Ватанпарварлик" тушунчаси бўйича Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий, сиёсий ва адабий мероси тадқиқи)

Собик иттифок даврида унинг таркибига кирувчи республикаларда истиқомат қилувчи миллатларнинг ўзлигини, маънавиятини, миллий қадриятларини касдан йўқотишга қаратилган ғарзли сиёсат олиб борилди. Бундай номақбул сиёсат натижасида иттифок таркибидagi миллатларнинг шонли тарихи сохталаштирилди. Бу юк ажодларимизнинг фаолияти ҳамда хизматлари инкор этилди. Бу даврда бой маданий меросимиз ўрганилмади ёки коммунистлик мафкура нўқтаси назаридан келиб чиққан ҳолда бўзиб талқин қилини ҳолатлари кузатилди. Илмий мантиққа мутлақо эид бўлган бундай сиёсатдан қўзланган мақсад собик иттифок таркибига кирувчи республикаларни маънавий меросидан маҳрум қилган ҳолда кулликда саклаш эди. Қолаверса, бундай сиёсат "Иттифок таркибига кирувчи миллатлар рус истилосидан кейинги маданий ва илм-маърифатга юз бўрган", деган сохта қарашни шакллантириш учун ҳам керак эди.

Собик иттифок тарқалиб кетгандан кейин Шарқ алломалари қолдирган маданий меросга муносабат тубдан ўзгариш Мутафаккирларнинг маданий меросига нисбатан ҳолисона фнр билдиришга, осори-атика ёдгорликларини ҳар тарафлама ўрганиш, қадриятларни тиклаш учун катта имкониятлар яратилди.

Ваҳоланки, Марказий Осиё азалдан цивилизация марказлари дан бири бўлиб келган. Жаҳон илм-фанида илк Ўйғониш даври (X-XII асрлар) ва сўнгги Ўйғониш даври (XIV-XV асрлар) деб эътироф этилган Марказий Осиё Ренессанси дунё илм-фани таракқийотида алоҳида босқич сифатида қаралади.

Марказий Осиё Ренессанси даврида ажодларимиз яратган бой маданий меросни ўрганиш кейинги чорак аср давомида анча жонланди. Бу маданий мероснинг ёшлар маънавиятига таъсирини ўрганиш ва улардаги ватанпарварлик ғояларини талқин қилиш илмий жамоатчилик олдидати муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Шарқ Ренессанси даври бутун дунё илмий жамоатчилигини қизиқтириб келгани шубҳасиз. Хусусан, бу давр Ҳиндистоннинг оқидемик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги ўрта Осиё ёзма манбаларини қиссий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан бўён самарали иш юритиб келётган профессор Мансура Ҳайдарнинг "Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарининг тарихий аҳамияти" деб номланган илмий монографияси халқаро микёсда кент эътироф этилди. Мансур монография Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни баъафси талқин этишга қаратилган. Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таниқли олима Матлида Махуф қоним "Бобуронома"ни араб тилига таржима қилди. Бу эса буюк оқидимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шох асари билан инглиз, форс ва бошқа қўллаб тиллар қатори эндиликда араб тилида қим танишиш имконини беради. Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортик нашр қилинган ишлар мушлфи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янсененнинг "Йбн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири" китоби, "Абу Али йбн Сино ва унинг мероси" тўплами фикат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида қим юқори баҳоланиб келинмоқда. Европада таниқли врач, соғлиқни саклашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида

тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта хурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданияти, фалсафа ва тиббиёт соҳасидagi илмий асарларини оммалаштиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда. Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олимни Роберт ван Гентнинг нашр этилган ўндан ортик китоби, 60 та мақоласи факат астрономия, картография ва геодезиянинг бутунини долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараккиёти тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқта мансуб даврни ҳам қамраб олади. Улуғ испан адиби Сервантеснинг “Тарих фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бутунлиги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир”, деган сўзлари ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларнинг тенгсиз асарлари ва илмий мероси факат бир миллиат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини тасдиқлайди.

Илк ўйғониш даврида етишиб чиккан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ал-Термизий, Кафол аш-Шоший, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Юсуф Хавожиб, Махмуд Кошғарий, Махмуд аз-Замахшарий, Бурхонуддин ал-Марғиноний, Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро каби алломалар, сўнги ўйғониш даврида яшаб ижод этган Амир Темур, Баҳоуддин Накшбанд, Мирзо Улугбек, Қозизода Румий, Аншир Навоний, Ҳусайн Вонз Кошфий, Шарофиддин Али Ялмон, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк тарихий сиймолар қолдирган бебаҳо маданий мерослар, илмий, бадиий асарлар нафақат ўзи мансуб миллиятнинг, балки бутун инсониятнинг

маънавий бойлиги сифатида қадридир. Уларни ўрганиш, турли нуқтаи назарлардан келиб чиккан ҳолда уларни илмий тадқиқ қилиш, мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш бутун башарият учун катта илмий янгиликларга йўл очади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов шундай деган эди: “Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқибат ва самарати фойдаланиш – бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир. Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида диққат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўрмининг бебаҳо илмий меросини қайтадан қашф этмоқдамиз. Ўйласанми, мен бавзан ўйлаб қолган, дунёда фанлар кўп, илм-фanning аажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушман. Бизнинг қалқимизда “Илм билан шўрлангилар – сена билан қудуқ қазилганлар борабор” деган мақол бор. Ана шу сена билан қудуқ қазилганлар бор бўлиши! Улар қўйғизмалар устида 10-20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлайдиган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилдиган инсонлар қалбда буюк даҳолар меросини бутун дунёга намойиш этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайдир”.⁶⁴ Дарҳақиқат, Шарқ мутафаккирларининг бой маданий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларда баён этилган назарий ва амалий аҳамиятга молик концептуал ғоялар, ҳулосаларни амалга тадбиқ этиш илмий инновативлик олдига турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

“Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларидаги маданий юксалишга олиб келган асосий сабаб феодализм муносабатларининг янги босқичи

⁶⁴ Каримов И. “Ўрта асрлар Шарқ алломаларини ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг инноватив инноватив ринноватив ролни ва аҳамияти” матбуадада халқаро конференциянинг қўйғизимиздаги нутқи / Самарқанд, 2014 йил 14 май.

бўлди. Бу давр маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунишни мамлакатларнинг ҳужалик-иктисодий алоқаларининг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар – Ҳинд, Ўрта Осиё, Эрон, Араб, Юнон, Рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб бориши катта роль ўйнайди⁶⁵.

“Уйғониш даври”да илм-фан қуйидаги йўналишларни ривожланган:

1. Биринчиси, аниқ, табиий фанлар ва тиббиёт йўналишини бўлиб, бу йўналишда математика, кимё, астрономия, минералогия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби фанларнинг ривожланишини Мухаммад Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Закариё ар-Розий, Ахмад Фарғоний, Жўржоний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг хизмати катта бўлган.

2. Иккинчиси, ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бу йўналишда фалсафа, мантиқ, нотиклик, тарих ва фикр каби фанлар билан Форобий, ал-Киндий, Захриддин Байҳақий, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Наршахий кабилар шугулланишган.

3. Учинчиси, педагогик-дидактик йўналиш. Бу йўналишда мутафаккир олимлар ўзларининг ахлоқий қарашларини фалсафий, таълимий характердаги илмий асарларида баён қилишган. Ўша давр илм-фанида маънавий ва ахлоқ масаласи инсон муаммосининг бош масаласи сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам ахлоқ ва тарбия масаласига мутафаккирлар катта эътибор беришган, бу муаммонининг руҳий-маънавий қамолотида ҳақ қилувчи олим сифатида қарашган.

Шарқ мутафаккирларининг маданий меросида Ватан, ватанпарварлик, халқпарварлик, юртпарварлик, байналмиллатлик ва тинчлик билан боғлиқ қарашлар юқоридаги учинчи йўналиш

минусб асарларда баён қилинган ва улар бўлуни кун ёшларини маънавий-маърифий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш-ди ҳам илмий, ҳам методологик жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилди. Мутафаккирлар қарашларидаги чуқур фалсафани ёшлар оғинга сингдириш, шубҳасиз, уларда миллий ўзликни англаш, ўз юртига садоқат, ватанпарварлик, ўз миллати билан фахрланиш ва бошқа миллатларни ҳурмат қилиш каби туйғуларни шакллантирди. Бу маданий мероснинг маъно-мазмунини ёритиш, улардаги миллий ва умуминсоний қадриятлар фалсафасини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш бўлуни глобаллашётган даврда қар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этди.

Кўриниб турибдики, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк аждоқларимизнинг бой маданий меросини ўқиниш, уларда Ватан ва ватанпарварлик, байналмиллатлик ва тинчлик ғояларининг қай даражада ақс этганини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, илк Уйғониш даври алломаларининг қарашларида айни мавзулар муайн даражада ақс этган. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг илмий мероси табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалалардан жуда бой маълумотлар бериувчи қимматли манба ҳисобланади. Алломанинг “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола” (“Рисола фи-т-танбиҳ ала асбоб ас-саодат”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас-сиёсат ан-мадания”), “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” (“Китоб фи маойиш ва-л хуруб”), “Фазилатли хулқлар” (“Ас-сийрат ал-фазила”) каби асарларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш, ахлоқ, тарбия каби масалалар ёритилган. Форобийнинг “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” асарида ўша даврларда маълум бўлган 30 дан ортиқ фанларга таъриф берилиб, аҳамияти оғиб берилган. Шунингдек, аллома фанларни 5 та гуруҳга бўлиб тасниф қилган: 1) тил ҳақидаги

⁶⁵ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: Ўзбекистон, 1971, 43-бет.

илм; 2) мантик ва унинг бўлаклари; 3) математика; 4) табиат-шунослик ва метафизика; 5) шахар ҳақидаги фанлар: сиёсий илм, фикр, қалом. Таснифдаги 5-туркумни умумлаштирган ҳолда ҳуқуқшунослик, этика ва педагогикага оид фанлар дейиш мумкин. Форобийнинг айнни шу туркумга кирувчи асарларида унинг маънавий ва ватанпарварлик борасидаги қарашларини учратамиз. Форобий “Ақл маънолари ҳақида” асарида “ақл” тушунчасини ҳар тарафлама таҳлил қилади ва у ички ва ташқи манбаларга асосланишини таъкидлайди. Форобийнинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган тўтма қувват – руҳий жараяндир. “Ақлни деб шундай қилишларга айтадилки, улар фазилатли, ўткир мулоҳазаги, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни қашф ва ихтиро этишга зўр истевдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четта олиб юрадилар. Ёмон ишларни ўйлаб топш учун зехн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқли деган номлар билан атамоқ лозим”⁶⁶, дейди Форобий.

“Маънавий” ва “ватанпарварлик” тушунчалари ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, “жамият” тушунчаси билан ҳамбарчарча боғлиқ. Инсон жамиятдагина маънавий ва маърифатга эҳтиёж сезади, ўз навбатида, маънавий ва маърифат жамиятдагина ривож ва равнақ топади. Форобий таълимотида “жамият” тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. У ўрта асрларда биринчилардан бўлиб “жамият” тушунчасини ҳар тарафлама тадқиқ қилган, унинг келли-чикиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил фикр-мулоҳазалар баён қилган жамиятшунос олим ҳисобланади. Форобийнинг жамиятшунослик таълимотида давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқа масалалар камраб олинган. Унга кўра, бу тушунчалар ижтимоий

муносабатларни ўрнатишда ҳал қилувчи омиллардир. Аллома “Фозил шахар аҳолисининг масалаи” рисоласида жамиятнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай дейди: “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайдди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон инҳислари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”⁶⁷. Форобийнинг фикрича, жамият эҳтиёж маҳсули ва бир бутунлиқдир. Инсонларнинг жамоа бўлиб яшашлари жамоа манфаатини пайдо қилади ва у ҳамкорлик, тинчлик, ватанпарварлик каби тушунчалар атрофида бирлашади. Аллома шахарни (жамият) ижтимоий уюшнинг етуқ шакли, инсоният қамолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди. Бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни тинчликка чақиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида оруз қилади. Форобийнинг жамият ҳақидаги қарашларида тенглик, ўзаро ҳурмат тамойиллари етакчилик қилади, инсон кадр-қимматини қамситувчи қарашларга қарши чиқади. Бундан фارب фелсафасида кейинчалик пайдо бўлган космополитизм ғояси ва демократия ҳақидаги қарашлар Форобийнинг илмий-сиёсий таълимотида бир неча аср олдин мавжудлигини кўришимиз мумкин. Форобий таълимотидаги бу каби космополитик ва демократияга хос қарашларнинг моҳиятида Ватан, ватанпарварлик, қўққпарварлик, тинчликпарварлик, инсон-парварлик ғоялари синтезлашган ҳолатда мавжудлигини кўришимиз мумкин.

⁶⁶ Маънавийт юсулларини: (Марказий Осиёнинг машҳур сийёосидор, адиблар) –Т: Абдулло Қодирий номидати халқ мероси нашриёт, 1999, 67-бет.

⁶⁷ Ҳал асар, 67-68-бетлар.

“Фозил шахар аҳолисининг маслағи” асарида Форобий идеал жамият ҳақидаги қарашларини баён қилар экан, ҳар қандай жамият бошқарув тизимига эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Жамият-ни идора этувчи шахс ўзининг қўйидаги туғма фазилат ва қобилияти билан ажралиб туриши лозимлигини айтади: зийрак ақл, фикрни аниқ, лўнда баён қилиш қобилияти, соғломлик, фаросатлилик, қучли хотирага эга бўлиш, эҳдилик, чиройли муомалалик, маърифатга интилиш, нафса қарши ўзини тия олиш, ҳақиқат-тўйлик, олиҳимматлилик, бойликка қизғинмаслик, адолатпарварлик ва жасурлик.

Форобий орузидаги идеал жамиятда инсонларни ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқоди ва маъҳаби, миллати ва ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятлари, иқтидори, ақлий қобилияти ва тажрибасига қараб турувча бўлади. Инсонлардаги бу хусусиятларнинг айримлари туғма ва айримлари таълим-тарбия ва ҳаётини тажриба натижасида шаклланишини айтади аллома. Олим итоаткорликка чақирувчи таълимотларни ёқмайди. Итоаткорлик жамият тараккиётига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Форобийнинг хурилик ҳақидаги қарашлари юртимиз ёшларини мустақилликнинг қадрига етиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Жамиятимизда маънавий янгилашни жараёнлари қузаётганига тан ва инсоният ҳамжамиятида маънавиятга қайтиш эҳтиёжи тобора қучаяётган ҳозирги шароитида алломанинг хурилик фалсафасини ёшлар онига сингдириш уларда миллатпарварлик, ватанпарварлик билан боғлиқ гуманистик ғояларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Аллома инсонийликни одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос деб атайди. Бирор қасб эгаллашга бўлган

қобилиятни инсоннинг туғма қобилиятлари сирасига киритади. У инсонларнинг қасб танлашда ўзининг туғма қобилиятларини инобатга олишларини шу соҳада қамолотга эришувининг муҳим омилли деб билади. Хусусан, аллома ҳарбий соҳа вақили бўлиш учун инсонда мулоҳазақорлик, маънавий етуқлик, руҳан текитлик, ишонттира олишлик, жисмонан бақувват бўлишлик, жасурлик ва энг муҳими, ватанпарварлик қабил туғма инсоний фазилатлар бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, лашқарбоши фойдали ва гўзал ҳисобланган фикрий қобилияти билан бирга, барча аскарлар учун умумий бўлган ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Агар у маъжур ҳаракатларни охирига етказишни хоҳласа, аскарларга ҳос бўлган сифатлардан фойдаланади. Унинг жасуриги ҳарбийларнинг алоҳида хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган жасуриликка мос бўлиши кераклигини уқтиради.

Буюк қомусчи олим Абу Али ибн Сино ҳам “Маъмур иқлимийси” да илм билан шуғулланган. Аллома таъбабат илмида руҳий таъсир қучига юқори баҳо беради ва руҳий таъсир ўтказишни эса маънавияти бой қилишга амалга ошириши мумкин, дейди. “Маънавият” ва “маърифат” тушунчаларини эса ёнма-ён қўради. У шундай ёзади: “Маърифатчи (ориф) ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўлимдан ҳам қурқмайдиған саховат эғаси бўлади. Шундай ҳам бўлмай бўлармиди! У барча беҳад нарсаларга кирс қўйишдан узоқ ва барча аданганларга меҳрибондир. Шундай ҳам бўлмай бўлармиди! У ўз нафсонияти билан улугвор бўлади. Шундай ҳам бўлмай бўлармиди!” Ибн Синонинг ушбу фикрларида унинг маърифатли, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган инсон қадридаги қарашлари ифодаланган. Ҳақиқатан ҳам, маърифатли ва интеллекти юқори инсонда қатъиятчилик, умумбашарий ва миллий

кадритларга содиқлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини амалга ошириш йўлида фидойийлик фазилатлари бўлади.

Аллома фалсафа фанини икки бўлимга ажратиб кўрсатади: биринчиси назарий фалсафа бўлиб, ўзида метофизика (олий фан), математика (ўрта фан) ҳамда табиатшунослик (пастки фан) фанларини бирлаштиради; иккинчиси амалий фалсафа бўлиб, сиёсат, ҳуқуқ, уй ишларини ўрганиш – иқтисод ва ахлоқшунослик – предмет ва ўрганиш объектига кўра фарқланади: ахлоқшунослик – инсон шахси ва унинг фазилатлари, маънавий-ахлоқий тушунчалар ва қондиларни ўрганади; иқтисодиёт – оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифаси ва ва фазолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалаларни ўрганади; сиёсат – давлатни бошқариш, мансабдорлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар, адолатли жамият барпо қилиш тамойилларини ўргатуви соҳа. Алломанинг ахлоқий фикрлари, инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрк ва озодлик борасидаги сиёсий қарашлари унинг амалий фалсафаси йўналишидаги асарларида ўз аксини топган.

Алишер Навоий ҳам ўзининг бой адабий-илмий меросида ёшларни маънавий-маърифий, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратган. Хусусан, “Маҳбӯб ул-қулуб” асарининг биринчи қисмида қирқ хил тоифадаги қасб эгаларининг “аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида”⁶⁸ фикр-мулоҳазалар билдиради. Асарда Навоийнинг сиёсий, ижтимоий-ахлоқий ва маърифий қарашлари ўз аксини топган. Асарнинг биринчи қисми 9-фасли “Лашкарлар ва ҳарбий юришдаги қора черик тўғрисида” деб номланади ва унда ҳарбий соҳа вакилларининг ҳулқ-атвори, руҳий-маънавий фазилатларини

ҳақида ўз қарашларини баён қилади. Навоий инсонлар, хусусан, ҳарб кишии учун мардлик энг муҳим фазилат эканлигини айтиб ўтади. Муаллиф мард инсонлар ҳақида тапираб экан, “Ўзингни шундайлардан узок тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр – бевафодир; мардона ҳаёт – абадийдир”, дейди. Дарҳақиқат, аллома айтган ушбу фикрлар давлат мулофаси учун қасамёд қабул қилган ҳар бир ҳарбий хизматчилар учун ўта муҳим фазилат ҳисобланади. Ватан, халқ, юрт манфаати ва мулофаси йўлида улларнинг жанговарлик қайфиятини оширади, ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кўтаради.

Шунингдек, аллома давом этиб шундай дейди: “Душманинг илловига учма... Душманинг гарази ўз ёмон ниятига етмоқир... Агар (унга) илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, у ўз мақсадининг ижросидан тўхтайдми”. Аҳборот технологиялари ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз гаразли мақсадларини тўғри тўғри ахборотлар кўринишида амалга ошираётган бугунги кунда алломанинг юқоридаги фикрлари ўзининг аҳамиятини янада оширади, албатта.

Шарқ мутафаккирлари орасида Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фазолияти ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳаётий мактаб вазифасини ўтайди. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси Бобурнинг ҳаёти мисолида ўзининг ҳар жиҳатдан амалий ифодасини топган. Бобур шахси ва ҳаётини ўрганиш ёшларда юрт мулофаси, Ватан сарҳадларини қимоя қилиш олий буюр эканлигини англашга ёрдам беради. Уларда орият, садоқат, ғурур, мардлик каби фазилатларни шакллантиради.

“Бобурунома”да муаллифининг саркарда, шоҳ ва шоир сифатидати сиймоси яққол бўй кўрсатиб туради. Айниқса, унинг саркарда сифатидати феъл-атвори, руҳияти, Ватан тақдир учун чеккан

⁶⁸ А. Навоий. Маҳбӯб ул-қулуб. –Т.: Ғафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашрияти, 1983. 15-бети

захматлари, унинг сийратигади мардлик туйғуси авлодларга ўрناк бўлишга арзийдиган сифатлардир. Дарҳақиқат, Бобурнинг довртини дунёга ёйган энг катта омил бу унинг ҳарбий санъати ва саркардалик маҳоратидир. Асар охирида уни кўчирган котиб “ул подшохи қобилининг яхшиликлари”ни айтиб, ёзиб тутатиб бўлмамлигини зикр қилади. “Лекин мужаммал бўким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси бўким, нажҳати баланд эрди; иккинчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмағ; тўртумчиси, вилоят саҳламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтинчиси, рафоҳиғ олижаноблик нияти теңри таола бандаларига; еттинчиси, черикни кўли(ни) кўлга олмағ; секкизмчиси, адолат қилмоғ”⁶⁹. Ушбу фазилатлар ҳарбий соҳада фаолият юритаётган инсонлар учун энг зарур сифатлардир. Ушбу сифатларнинг айримларига изоҳ бериб ўтсак: “ҳиммати аржуманд” – марҳаматли, ҳиммати баланд, бағрикенглик сифатига эга бўлиш; “вилоят олмағ” – жаҳонгирлик, моҳир саркардалик, ҳарбий тактика ва стратегия; “вилоят саҳламоғ” – мамлакатнинг мулофаа қудратини ташиқ қилиш ва ҳарбий салоҳиятини ошириш, хавсизлигини таъминлаш борасидаги ишлари; “маъмурлуғ” – шох сифатигади фаровонлик ва бунёдкорлик ишлари; “черикни кўли(ни) кўлга олмағ” – кўшинга тасвир ўтказа олиш маҳорати; “адолат” – юртни адолат билан бошқариш.

Марказий Осиё маданий тараққиётининг куйидаги ўзига хос томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин: **илм-маърифатни интилиш** – бу даврда мутафаккирлар илм-маърифат ривож топган марказларга интилишган ва Шарқ, қадимги Греция, Рим, Ҳиндистон илм-фани ютуқларидан баҳраманд бўлиб, табиини фалсафий, ижтимоий илмлари ривожлантиришган; **табиатга**

⁶⁹ Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юшмуца, 1989. 356-бет.

кизикиш – табиатшуносликка оид илмларнинг қучайиши, табиини қонуниятларнинг кашф қилиниши ва ақл қучига ишониш, ҳақиқатни инсон тасавури, илмининг асоси деб ҳисоблаш; **қомил инсонни тарбиялаш** – инсоннинг ақлий, маънавий-эстетик, ижодий, жисмоний имкониятларини ўстириш орқали унинг шахсни тарбиялаш. Айни шу йўналишда инсонпарварлик, интанпарварлик, адолат, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган; **қомузейлик** – мутафаккирларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча фанлар билан шуғулланишлари ўша давр маданиятининг муҳим томонларидан бири бўлган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илосий тамойиллари сифатида қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, Ватан мустақиллиги ва равнақи йўлида филокорона қурашган миллий қаҳрамонларимиз билан фаҳрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш масаласи ҳам мавжуд. Ушбу концептуал назардан келиб чиққан ҳолда илмий жамоатчилик олдида қуйидаги масалалар қўндаланг турибди:

– Марказий Осиё мамлакатларининг қадимий тарихини ҳолис ва батафсил ёритилишини таъминлаш, бунга жаҳон илмий жамоатчилигига маълум қилиш;

– ёшларнинг Ватан тарихи борасидаги билимларини мустаҳкамлаш ва уларда чуқур маданий ва маънавий илдишларга эга миллият вақили сифатигади ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш;

– буюк аждодларимизнинг бой маданий меросини ўрганиш, унинг бекиёс аҳамиятини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб ва ташвиқ қилиш;

– ватанпарварликнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ёшларга тушунтириш, тарихда ватан учун фидокорона кураш олиб бorgan миллий қаҳрамонларининг шонли ҳаёт йўлини тарғиб қилиш;

– ёшларни буюк ажодларимиз ва миллий қаҳрамонларимизга муносиб авлод сифатида қамол топишга қўмаклашиш, уларнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш;

– ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бора-сида уларда миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончини шакллантириш.

XXI аср инсоният тарихида цивилизацияларо мулоқот асри, техника-технология ва ахборот-коммуникациялар тизими мисли кўрилмаган даражада такомиллашиб борувчи аср сифатида кириб келди. Айни пайтда, дунёдаги ҳодиса ва жараёнларни глобаллашув тенденцияси, мамлакатлар, халқлар ўртасидаги цивилизацияларо ўзаро таъсир нуктаи назардан баҳолаш тўғри ҳулосалар чиқаришга имкон беради. Ҳозирги вақтда инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли кўринишлари ва боғиқчлари сифатида қараш илмда етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги дунёда амалли ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, глобаллашув ва таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммолар И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўзифодасини топган. “Глобаллашув феномени хақида гапирганда, дейди И.Каримов, – бу атама бутунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушувча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуктаи назардан қаратганда, бу жараён мутлақо янги маъно-мазмундаги ҳужжатлик, ижтимоий-сиёсий,

табiiй-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”⁷⁰. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Мана шундай шароитда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳар доимгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Аждодларимиз бўлган буюк мутафаккирларнинг бебаҳо мероси бу борада биз учун катта илмий ҳазина вазифасини бажаради. Уни ўрганиш, тадқиқ қилиш илмий жамоатчилик олдидати энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

⁷⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 111-бет.

4-бўлим

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ

(илмий рисола)

Педагогик таълим кластери – муайян географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технологияларнинг ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм.

“Мақтаб-лаборатория” – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш мақсадида қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синнов майдончалари.

Умид Ходжамқулов

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ (илмий рисола)

1. Педагогик таълим кластери – инновация

Фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши натижасида бarchа соҳаларга жорий қилинаётган инновацияларнинг мақсади, пировардида, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган бўлади. Соҳаларга инновацияларни жорий қилиш эса мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни ташаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада кўп ҳолларда ўзига хос янги йўللарни қидиришдан кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда у мамлакатимизда кўпроқ аграр, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Қисқа муддатлар ичида кластер модели иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилди ва ушбу моделини бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Аслида “кластер” (cluster) сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “тўплам”, “тўп”, “гурӯҳ”, “концентрация”, “гурӯҳларга тўплаш”, “тўплаларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлди, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда ҳам кенг қўлланила бошланди.

Умуман, бу тушунчага талкикотчилар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган (1-жадвал).

Кластер тушунчасига юқорида берилган таърифлар мазмунини ифодалаш йўсини бўйича бир-биридан фарк қилса-да, аммо уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд. Булар кластернинг қуйдаги белгиларидир:

№	Талкикотчининг Ф.И.Ш.	“Кластер” тушунчасига берилган таърифлар
1	М.Портер	Кластер – ўзаро боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг жуғрофий белги бўйича бирлаштирилган гуруҳи
2	Г.А.Яшевой	Кластер – илмий-маърифий марказ атрофида бирлашган (махусе хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ва ҳ.к.) компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланувчи тармоқ ташкилотлар мажмуи.
3	А.Г.Гранберг	Кластер – битта соҳага бирлашган ва бири бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи.
4	М.Гагушкина	Кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қилган фирмалар гуруҳи.
5	Н.В.Городнова	Кластер – муайян соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган,

		бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.
6	Д.Л.Скипин	Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи.
7	Н.Е.Егоров	Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, талкикот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.
8	Н.А.Мишура	Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.
9	Л.Л.Наумова	Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологияк занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустриалашган мажмуа.

1-жадвал. Хорижий тадқиқотчиларнинг “кластер” тушунчасига берилган таърифлари ⁷¹

- ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайди;
- рақобатбардошликни кучайтиради;
- тенг ҳуқуқли бир нечта компонентлардан ташкил топади;
- субъектларни ағона умумий мақсад остида бирлаштиради;

⁷¹ Оликов Р. Кластер тизимида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини саноат, қишлоқ тилини ҳақида соғитини ҳарҳўжатлари ҳисобининг ҳўсулотида, “Халқаро мотиб ва ҳўсай” қилиб эвентрон журнали, 2018 йил, № 3, шон.

- умумий мақсаддан хусусий манфаатдорликка қараб келинади;
- давлат учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятта эhti бўлади;
- субъектлар битта жуғрофий ҳудудда жойлаган бўлади;
- субъектлар бир-бирини тўлдирadi;
- ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширади.

Кластер назарияси асосчиси, Гарвард бизнес мактабидан профессор М.Портер кластерни ўзаро ҳамкорлигининг тибридан шаклларида фарқлаш лозимлигини уқтиради. Кластер ўзаро ишонч ва натижа берувчи алоқаларга таянади ҳамда умумий мақсаддан хусусий манфаатга келиш принципи билан содир бўлади. Кластер бу ўзаро ҳамкорлик, ammo у ўзаро ҳамкорлигининг олдидати, анъанавий шаклларида куйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- бутун тизимга тегишли асосий стратегик йўналишларини белгиловчи салоҳиятли компонентларнинг мавжудлиги;
- алоҳида олинганда айрим субъектлар имконининг доирасининг чегараланганлиги;
- кластер доирасида бирлашган алоҳида субъектлар ўртасида барқарор ахборот алмашинуvinинг йўлга қўйилиши;
- ўзаро ҳамкорлигининг махсуе дастурлари ишлаб чиқилишини ва унинг узок муддатга мўлжалланганлиги;
- субъектларнинг ҳар бирида алоҳида мақсад бўлишидан ташқари глобал аспектда улар умумий мақсадларнинг ҳам мавжудлиги.

Адабиётларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзаро ишлаб чиқарувчи махсулот, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра куйидагича таснифланади:

- алоқаларнинг шакли бўйича;
- ўзаро ҳамкорлигининг тузиллиши бўйича;
- иштирокчилар фаолиятининг хусусияти бўйича;
- пайдо бўлиш табиати ва ривожланишининг илк босқичлари орқали ўтиш жараёни бўйича;
- асосий ресурсларнинг хили бўйича;
- кафилиланганлик даражаси бўйича;
- жуғрофий таркибий қисмининг мавжудлиги бўйича⁷².

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан кластерларни белгилаш турухи бўйича ҳам таснифлаш таклиф қилинади⁷³:

1. Кластерларни таснифлашга нисбатан бир ўлчамли ёнашувлар:

1. ўзаро ҳамкорликларни тадқиқ этиш асосида: алоқаларнинг шакли бўйича; ўзаро ҳамкорлар тузиллиши бўйича; кластерни бошқариш тузилмаси бўйича; тадқиқий тузилма бўйича; кластер ичидаги алоқалар хили бўйича; санонат билан қараб олиш даражаси бўйича; кластер ичидаги ўзаро ҳамкорлигининг ривожланиши даражаси бўйича; рақобат қуралига таъсир этиш даражаси бўйича.

2. Кластер иштирокчиларини тадқиқ этиш асосида: иштирокчилар функциялари бўйича; фаолиятининг хусусияти бўйича; иштирокчиларнинг истеъмолчиларга йўналтирилганлиги бўйича; хизмат кўрсатувчи бозорнинг хусусияти бўйича; иштирокчиларнинг тадқиқ ресурсларга боғлиқлик даражаси бўйича; корхоналарнинг умумийлиги бўйича.

⁷² Ойбеков Р. Кластер типинида қилиш, бўжатиш, шакллантириш савати, қайта тизим ҳаёти қилиш ҳаракатлари ҳисобининг хусусиятлари, "Халқаро молия ва ўнбой" илмий электрон журнал, № 3, июль, 2018 йил, - Б.12.

⁷³ Яковлев Н.В. К вопросу теории кластера // Социально-экономические системы: современное состояние и перспективы. Материалы четвертой международной научно-практической конференции. – Омск: Изд-во "Сибирь", 2009. – С.238.

3. Кластерларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тадқиқ этиш асосида: *ривожланиш динамикаси ва шаклланишнинг даражаси бўйича; фаолият кўрсатиш усули бўйича; пайдо бўлиш табиати ва ривожланишнинг икк босқичлари оралиги ўтмиш жараёни бўйича; ривожланиш босқичи (ҳаётий цикли) бўйича.*

4. Жойлашган жойини тадқиқ этиш асосида: *журофий қамраб олиш бўйича; локализация белгиси бўйича; ҳудудий шароҳи белгиси бўйича; жуоофий таркибий қисмининг мавжудлиги бўйича.*

5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тадқиқ этиш асосида: *яқиний маҳсулотнинг хусусияти бўйича; ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номенклатураси бўйича; рақобат услуланишининг даражаси бўйича; тармоқ ихтисослашувни ёки диверсификация бўйича.*

6. Кластер ресурсларини тадқиқ этиш асосида: *асосий ресурсларнинг хусусияти бўйича; асосий ресурсларнинг хили бўйича.*

II. Кластерларни таснифлашга нисбатан кўп ўлчамли ёндашулар: белгилар (мезонлар) мажмуи бўйича; компаниялар ўлчами ва ўзаро ҳамкорликлар хили бўйича; услуллик қилувчи ўзаро боғлиқлиқнинг хили ва жуоофий бир жойга тўпланганлик даражаси бўйича; иштирокчилар сони ва уллар ўртачилиги ўзаро ҳамкорликлар хусусияти, кластера аъзоликнинг очиклиги бўйича.

Кластернинг шаклланиш омиллари сифатида қуйидагиларни санаиш мумкин:

- *интеграция* – соҳалараро боғланиш, табиий алоқадорлик, узвийлик ва изчилик;
- *ташабуус* – соҳанинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳар қандай инновацион лойиҳа ва тақлифларнинг қўллаб-қувватланиши;

– *қизиқиш* – кластера ҳар бир субъект ўзининг манфаатдорлиги ага бўлиши;

– *инновациялар* – замон ва тараккиётга мос ҳолда кадам қўйиш, янги лойиҳа ва гоиларнинг мунтазамлиги;

– *ақбдоротлар* – соҳанинг барқарор ривожланиши учун етарли ақбдор базасининг мавжудлиги ва мунтазам янгилаиш туриши.

Бу омиллар ҳар қандай қўринишдаги кластерларнинг самарали ишлаши ва бардавтомлигини таъминлаш учун жууда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида кластерлаштириш жараёни янги иқтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади. Мамакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг қатор чиқишларида (жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити, кишлоқ хўжалиги ҳодимлари қунига бағишланган тантанали тадбирдаги нутқларида) аграр ва енгил саноат соҳаларини кластерлаштириш гоисини илгари сурди. Бу гои мутахассислар томонидан истиқболли инновацион ташаббус сифатида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, иқтисослашувидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун аграр, енгил саноат, илм-фан, таълим каби соҳаларни кластерлаштириш жараёндарини янада кенгайтириш лозим. Ҳом аш ёстиштиришдан тортиб ундан тайёр маҳсулот олишгача бўлган жараёнларни кластер занжирида бирлаштириш аграр, енгил саноат, нефть-газ, фармацевтика, илм-фан каби кўпгина соҳаларнинг келажаги сифатида қаралиш лозим. Шунингдек, кластерлаштиришга нисбатан замонавий илм-фан ютуқларини таъбиқ қилиш, жараёнларга илмий ёндашиш, тадқиқотлар олиб бориш ва натижаи қаролатланган ишланмалар ишлаб чиқиш, соҳанинг техник

таъминотини яхшилаш бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширади.

Талкикотчилар ҳудудий кластерлар фан ва таълим субъектлари учун ҳам жозибадор бўлиши мумкинлигини таъкидлашди. Бунда фан ва таълим субъектлари илмий талкикот ва лойиҳаларни молиялаштириш ҳажминини кўпайтириш, сифат ва самарадорлигини яхшилаш, илмий талкикот ишларининг техник ва технологик таъминотини юксалтириш, илмий ва педагогик кадрлар малакасини ошириш кабилардан манфаатдор бўлади.

Кейинги пайтларда дунёнинг йirik корхоналари ўз инвестицион сиёсатида кластер сиёсати тўғри ташкил қилинган мамлакатларга катта қизиқиш билдирмоқда. Ҳўш, кластер сиёсати нима? Кластер сиёсати деганда, соҳаларни кластерлаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий таъминотни шакллантириш ва давлатнинг шу соҳани кўллаб-қувватлаши билан боғлиқ сиёсати тушунилади. Дарҳақиқат, кластерларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда давлатнинг роли жуда муҳим. Бундай шароитда давлат мамлакатда табииркорликни (ва бошқа соҳаларни) кўллаб-қувватлаш, соҳалар ривожига хизмат қилувчи инновацияларни жорий қилиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, чет эллик ҳамкорлар билан фаол манфаатли муносабатга киришиш билан боғлиқ ташки ва ички сиёсат юритиши соҳаларни кластерлаштириш жараёнларини енгиллаштиради. Бунинг учун ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ равишда шунга мос норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилиши керак. Ушбу жараёнлар бирлашиб, давлатнинг кластер сиёсатини белгилайди. Кластер сиёсатининг мақсади эса самарадорликни ошириш ва рақобатбардошликни кучайтиришдан иборат.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда кластер сиёсати қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Кластерларни самарали ташкилий ривожлантириш учун шароитлар яратиш, шу жумладан, кластер иштирокчиларини аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига зиён етказувчи “тор жойлар” ва чекловларга барҳам берилиши ҳамда кластер иштирокчиларининг рақобат жихатдан устуңлиқлари ошишини таъминловчи ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги йўналишлар бўйича кўп томонлама манфаатли сиёсат тадбирларини мувофиқлаштириш ҳисобидан кластер иштирокчиларининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган лойиҳаларнинг самарали кўллаб-қувватланишини таъминлаш лозим:

- табииркорлик ривожланишини кўллаб-қувватлаш;
- инновацион ва технологик сиёсат;
- таълим сиёсати;
- инвестицияларни жалб қилиш сиёсати;
- экспортни ривожлантириш сиёсати;
- ранспорт ва энергетика инфратўзимчасини ривожлантириш;
- иқтисодийёт тармоқларини ривожлантириш.

3. Кластер сиёсатини амалга оширишнинг самарали методик, ихборот-маслаҳат ва таълим билан кўллаб-қувватланишини таъминлаш.

4. Ижроия ҳокимият марказий органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, табииркорлар бирлашмаларининг кластер сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаоллигини мувофиқлаштириш.

Кластер ёндашуви истикболли ва самарали модел эканлиги кейинги пайтларда илмий жамоатчилик томонидан тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Бу борадаги ишларни сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтариш таркибий ўзгартришларни, шунингдек, давлат бошқаруви, олий таълим муассасалари, илмий марказлар, илмий тадқиқот институтлари ўртасидаги ўзаро манфатли ҳамкорликни талаб қилади. Самарадорлик нуктаи назаридан қаралганда, кластерлар зарурий воситалар ва таҳлилини методологияни ҳам тақтим этади. Соҳаларга нисбатан кластер ёндашуви хозирги кунда замонавий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, саноат сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бирига айланиб бормоқда. Буни турли рақусларда тадқиқ қилиш мамлакатимиз илмий жамоатчилиги олдидати энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

2. Кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатли

Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам камраб олмақда. Миллий таълим тизимининг кейинги чорак асрдаги феолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қўллаб ижобий ишлар амалга оширилганининг тувоҳи бўлгани, Айни пайтда, айтишимиз жоизки, кадрлар тайёрлаш соҳасини таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийлигининг таъминланишида айрим камчиликлар ҳам кузатилиши, бу пировардиди, мақсадни белгилашдаги тарқоқликка ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш тизимида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридagi талаб ва тақлифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидати тақсимотида мувозанатнинг бузилиши

кузатилиши. Бу айрим ҳудудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлди.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йилдан ошқроқ вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди⁷⁴.

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан тақомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш, соҳага инновациялар киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим – фан – ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги интеграция жараёнларини қучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида юзга келган кадрлар тақлифлиги масаласи, бевосита, узлуқсиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуқсизлик, узвийлик ва интеграциянинг етарли даражада таъминланмаганини, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истикбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзга келди. Умуман, бу муаммо кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими ҳам бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайдди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидати тегишли бўлинмаларнинг

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мақбала таълим вақтинчалик таълим тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги феолифнинг тақомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари феолифнинг янги тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 14 март; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янги ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янги ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 22 май.

айни масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида, педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Иқтисодиёт ва таълимни ислох қилиш мамлакатимиз олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва жаҳон бозорида таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга зарурат туғдиради. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бўлуни қулай эълон қилиш педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини таъкидлаётганда.

Иқтисодиётдаги кластер назарисининг асосчиси америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлигининг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунилади ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб беради⁷⁵.

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) сифатида тасаввур қилиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашганининг таълимий шакллари кучайтириш механизми, деб тушунади.⁷⁶

⁷⁵ Porter M. *Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors*, Cambridge, 1980, 434 pages.

⁷⁶ Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // *Высшее образование в России*. 2006. № 10. С. 24-29.

Яна бир рус олимаси Л.Беспалова кластерни ихтиёрий компонентлар каторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир неча тенг ҳуқуқли бўлақлардан иборат бўлган тузилма, деб ҳисоблайди⁷⁷.

Ушбу таърифларда мазмунни ифодалаш билан боғлиқ фарқлар кузатилса-да, уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд. Бу қуйидагилардир: кластер – ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайди; рақобатбардошликни кучайтиради; тенг ҳуқуқли бир неча компонентлардан ташкил топади; субъектларни иттифоқ умумий мақсад остида бирлаштиради; умумий мақсаддан ҳуқуқий манфаатдорликка қараб келинади; давлат учун иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Илмий адабиётларда “кластер” тушунчаси борасида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, “педагогик таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **педагогик таълим кластери – муайян географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадор тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технологиялар ва инсон ресурсларининг интеграциялашуви кучайтирувчи механизм.**

Демак, педагогик таълим кластери миметик (грек тилида *mimētai* – тақлид қилиш) метод бўлиб, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида самаралорликка олиб келган моделни педагогик таълим тизимига жорий этишни назарда тутади. Педагогик таълим кластери “таълим – илм-фан – таълим воситалари – технология – бошқарув – бизнес” инновацион занжирини ҳосил қилади ва уни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бўлуни педагогикамизнинг олидаги муҳим вазифалардан бўлиб турибди. Таълим мажмуасини

⁷⁷ Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://elab.pskovskiy.ru/pskovskiy/2009-12-01-06-24-41>. Заст. с сайта.

ташқил қилувчи бўғинлар ўртасида мавжуд табиий алоқани манфаддорлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан, маълум худуднинг иқтисодий-иқтисодий аҳволи ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таъминлаш тобора заруратга айланиб бормоқда.

Таълим мажмуасининг асосий маҳсулоти рақобатбардoshi кадрлар ва таълим хизматлари ҳисобланади. Таълим кластерининг пириовард мақсади таълим ва илмий жараёнларни тақомиллаштиришга қаратилган бўлади. Бу эса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга, мутахассисларни тайёрлаш тизимида айрим ташқиллий ва тарқибий ўзгаришларни ҳам талаб қилади. Айни пайтда, бу борадан ишларнинг барча босқичларида янги шакллар ва усулларни излаш, таълимнинг барча турларини мақсаднинг умумийлиги ва манфатларнинг ҳуқуқийлиги бўйича алоқадорлигини қучайтириш, улар ўртасидаги интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Илмий-педагогик адабиётларда инновацион жараёнларни таҳлил қилишда асосий ўзгаришлар билан бошланғич ўзгаришлар ўртасидаги чизикни топиш осон эмаслиги қайд қилинган. Шунингдек, инновацияларнинг ижобий натижаларини таълим турлари ўртасида тақсимлашда тенглик принципи шарт бўлмайди. Бугунги кунда соҳалар ривожини ва самарадорлигини инновацияларсиз тасаввур қилиш қийин. Худди шунингдек, таълим, ҳуқуқ, олий таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган инновациялар сифатида қўйилганларни санаб ўтиш мумкин:

- олий таълимнинг мақсадларини шахсни касбий ривожини тиришга йўналтирилган таълим олиш, уни иқтисодий тартибга асосланган илмий, техник ва инновацион феолиятга йўналтириш;
- ўқув жараёнини тартибга солувчи ва амалга оширувчи меъёрларни ҳар бир худуднинг иқтисодий-иқтисодий шароити ва

иқтисодиётнинг муайян тармоғидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзи ишлаб чиқиши ва амалга ошириши билан боғлиқ янги тизим ишлаб чиқиш;

– тегишли фанларни ўрганиш жараёнида олинган билимларнинг интеграциялашуви ва бир қатор фанларни муаммоларнинг ўрганишининг дастлабки шартларини яратиш; инновацион ва экспериментал ишларни феола амалга ошириш;

– ўқитишда талабаларнинг ўз-ўзини ўқитиш жараёнига ўтиш, ўқитувчининг раҳбарлиги остида мустақил ўзлаштириш тажрибасини амалиётга жорий этиш;

– жамиятнинг замонавий иқтисодий-маданый ривожланиш даражасига мос равишда таълим жараёнини зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

– таълим турлари ўртасида манфатли алоқадорлиқнинг янги қўринишларини ишлаб чиқиш;

– жамиятда юз бераётган иқтисодий-иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришчанлигини инобатга олган ҳолда бир пайтнинг ўзида бир нечта турдош мутахассисликларга ўқитиш;

– таълим муассасаларига ўз-ўзини таъминлаш ва бошқариш иқтисодини бериш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва хоказо.

Таълим тизимига нисбатан бу каби инновацион ёндашув, алар ҳақиқий ривожланиш жараёнининг мантиғига мос келадиган бўлса, албатта, самарадорлиқни оширади. Айниқса, таълим муассасаларининг бошқарув тузилмасида мавжуд муаммоларга нисбатан муносиб инновацион ёндашувлар жорий қилинса, мавжуд вазиятни олдиндан баҳолай олиш, ҳолисаларнинг ривожланишини туғри тахмин қилиш, ўз вақтида чоралар қўриш ва ташқиллий

бошқарув тузилмасига тузатишлар киритиш имкониятлари пайдо бўлади.

Таълим тизими кластери бу каби муаммоларнинг ечимини нисбатан тўғри ёндашуви қарор топтиради. Зеро, кластерни интеграция жараёнилари моддий, молиявий, технологик, информацион, услубий ва кадрлар соҳасидаги бarchа ресурсларни жамб қилганлиги билан ҳам энг қучлиси, деб эътироф этилади. Кластер мослашувчан тарзда ўз тузилмалари учун бошқарув тизимини қуриш, ўзаро ишончини таъминлаш учун ҳақиқий ривожланишнинг олдиндан айтиш (прогноزلаш) имконини беради⁷⁸. Таълим тизимининг таркибий қисмларида сифат ўзгаришлари бўлиши, мазмунини фаоллаштириш, умумий ва махсус бошқарув функция-лари, дастурлари, технологиялари ва усуллари, иштирокчиларнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар кластер муҳитини яратиш имкониятини беради.

Рус олимлари томонидан таълим кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганиш касбий таълимга нисбатан кластер ёндашуви (Б.Пугачёва, А.В.Леонова), фаоллаштириш ва педагогик лойиҳалаш назарияси (В.В.Давыдов, В.П.Беспалько, Г.И.Ибрагимов, Б.П.Леднев, М.И.Махмутов, А.А.Сластенин), узлуксиз таълим концепцияси (Б.С.Гершуниский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков), касб-хунар мактабларининг таълимнинг ижтимоий шериклиги ва бошқарув муаммоларининг оқибат берувчи тадқиқотлар (П.Ф.Анисимов, Г.В.Мухаметзянова, Г.И.Ибрагимов, Е.А.Корчагин, В.П.Панасюк, А.С.Субетто) каби йўналишларда олиб борилган⁷⁹.

⁷⁸ Шарвай Н. Кластерный подход в интеграции, "УГ Москва", №15 от 14 апреля 2015 года.

⁷⁹ Давыдова Н.Н., Прошев Е.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014, № 10, стр.75.

Ушбу тадқиқотчилар томонидан кластернинг еттига асосий стратегияси қайд қилиб ўтилган⁸⁰:

- *географик стратегия*, кичик маҳаллийдан тортиб глобал миқшабгача бўлган ҳудудларда ёйилган кластер турлари;
 - *горизонтал стратегия*, бир нечта кластерларнинг бирлашувидан ташкил топган кластернинг йирик тузилмавий шакли;
 - *вертикал стратегия*, бирлаштирувчи, яъни бир хил даражадаги субъектларни бирлаштирувчи кластерлар;
 - *латераль стратегия*, ҳар хил структурадаги субъектларни бирлаштирувчи, ўлчовни иқтисод билан таъминлай оладиган, янги комбинацияларга олиб келадиган кластерлар;
 - *технологик стратегия*, бир хил технологиядан фойдаланадиган тузилмалар тўпламида кўзга ташланадиган кластерлар;
 - *фокусли стратегия*, битта марказ атрофида жойлашган кластер субъектлари;
 - *сифат стратегияси*, таъкилотларнинг ҳамкорлигини қандай қилишга ошириш асосий масала сифатида турадиган кластер шакли.
- Бизнингча, рус тадқиқотчилари томонидан қайд қилинган юқоридаги йўналишларни кластер стратегиялари сифатида эмас, балки кластер шакллари ёки йўналишлари сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Чунки уларда кластерни амалга оширишнинг усуллар мақсадлари – стратегиясидан кўра унинг қандай шакли ва турларида намоён бўлиши ўз ифодасини тошган.
- Шунингдек, таълим кластерининг самарали ривожланиши қуйидаги шарт-шароит ва омилларга бевосита боғлиқ:
- талабга жавоб берадиган технологик ва илмий инфра-структуранинг мавжудлиги (Д.А.Ялов);

⁸⁰ Ушбу аср. 75-бет.

- катташчиларнинг ўзаро ҳамкорликка руҳий жихатдан тайёрлиги (Д.А.Ялов, В.П.Третьяк);
- кластерни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳудудий стратегиясининг мавжуд бўлиши;
- лойиҳани бошқариш усулини муваффақиятли қўллаш имконияти;

– кластер субъектлари ўртасида аҳборот алмашишни таъминловчи қучли аҳборот технологиялари (А.А.Мигранян)⁸¹.

Шундай экан, педагогик таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффақиятли амалга ошириш, уларда самарадорликка эришиш учун биздан мавжуд технология ва илмий инфраструктуранинг жараёнга мослаштириш, субъектларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг маъмур инновацион жараёнини тўла англаб етишларига эришиш, ҳамкорлик қўл томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш, кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини, лойиҳани муваффақиятли бошқаришнинг усули ва йўлларини ишлаб чиқиш, катташчилар ўртасида тезкор аҳборот алмашиш имкониятини яратиш зарур бўлади. Бу жуда кенг қўламдаги ташқиллий жараён бўлиб, вақт ва аниқ мақсадли йўналтирилган фаолиятни талаб қилади. Аммо ушбу ташқиллий жараёнларнинг мазмунини олиб бораётган фаолиятимиздан ажратилиш ҳолат эмас. Дарҳақиқат, педагогик таълимни кластерлаштириш билан шуғулланган рус олимлари: Н.Н.Давыдова, Е.М.Игошев, А.А.Симонова, С.Л.Фоменко кабиларнинг таъкидлашларича,

⁸¹ Давыдова Н.Н., Игошев Е.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования. Педагогическое образование в России, 2014. № 10, стр. 75.

кластерни ривожлантиришнинг аниқ самаралари 5-7 йилда қўзғата тилишга бошлайди⁸².

Педагогик таълим инновацион кластерининг аниқ мақсад ва мазифларини белгилаш, фаолият уфқларини олинидан кўра библиш учун дастлаб унинг қандай тамойилларга таяниши белгилаб олинishi лозим. Ўзбекистон шароитида педагогик таълим кластерининг қуйидаги тамойилларини тақсиф қиламиз:

› *табиий алоқадорлик*, кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг ҳудудий, соҳавий ёки вазифавий жихатдан объективлиги;

› *узвийлик*, кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўғиннинг ўзининг аниқ вазифаларига эга эканлиги;

› *ичкилик*, кластер субъектларининг вертикал ягона чизикда жойлашуви, бунда қуйидан юқорига, олтийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилиниши;

› *ворисийлик*, кластернинг авлодлар алмашинувидати роли, тыоторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг маънавий педагог ходимларга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам қондирилишига эришиш;

› *экономавийлик*, соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, аҳборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш;

› *йўналтирилганлик*, кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги,

⁸² Давыдова Н.Н., Игошев Е.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования. Педагогическое образование в России, 2014. № 10, стр. 75.

кутилаётган натижаларнинг олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлиги;

» *мақсаднинг муштараклиги*, кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектида ягона мақсад атрофида бирилуви;

» *манфаатларнинг хусусийлиги*, педагогик таълим кластери моделида ҳар бир субъектнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлиши, субъектларнинг хусусий манфаатлари пиروвардида умумий манфаат учун хизмат қилиши;

» *ўзаро назорат*, кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ва бу тизимнинг нуқсонсиз ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган ҳато ёки камчиликни бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилиши.

Юқоридаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим кластерини яратишда бир нечта муҳим йўналишларни белгилаб олиш мумкин бўлади. Улар қуйидагилардан иборат: **биринчидан**, кластер субъектлари ўртасида умумий мақсаднинг мавжудлиги; **иккинчидан**, субъектларнинг биргаликдаги фаолиятининг ҳуқуқий асосга эгалиги; **учинчидан**, кластер доирасида бирлашган субъектлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар тизими; **тўртинчидан**, бошқарув механизмининг мувофиқлаштирилганлиги; **бешинчидан**, субъектлар томонидан амалга оширилган ишларнинг умумий мақсаддан чекинилмаслиги; **олтинчидан**, субъектлар ўртасида ўзаро назорат тамойилига амал қилиш.

Педагогик таълим кластери тизимида мавжуд муаммоларни, ўз навбатида, унинг қучли ва қучсиз томонларини аниқлашга имко-

нинг яратлади. Кластерда ишларнинг ҳолати ҳақида маълумотларнинг жуда объектив бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Кластер доирасида ҳуқуқмат, таълимни назорат қилувчи давлат идоралари кластер амал қиладиган минтақадаги таълимни ривожлантириш учун амалга оширилган тажриба ва тадқиқот натижаларини самарали қўллашлари мумкин бўлади. Таълимга нисбатан кластер ёнлашуви бошқарув органлари тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун муайян воситалар билан таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, минтақада ривожланишнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради.

Буларнинг барчаси:

биринчидан, таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга ҳолда эканлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди, бу тизим интеграциялашув орқали янги синергетик сифатга эришиш имконини беради;

иккинчидан, тизимнинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳит ва шарт-шароит яратлади;

учинчидан, бунинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти ҳам мавжудлигидир.

Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуи илмий ва касбий кадрларни тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълимнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Аммо кластер доирасида бирлашган субъектларнинг барчаси ҳам дарҳол ҳақиқий натижа бера олмаслигини ҳам унутмаслик лозим.

Педагогик таълим кластерининг аҳамиятини соҳалар бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин: *иқтисодий соҳада*: самарали таълим хизматлари бозорини шакллантиришда; *ижтимоий соҳада*: педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда; *маркетинг соҳасида*: инновацион таълим техно-

логийларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни омалаштиришда; *хукукий соҳада*: кластер доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларида ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш; *педагогика соҳасида*: узлуksиз таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашнинг ҳамкорликда лойиҳалаш соҳаларида кўзга ташланади⁸³.

Бу барча иштирокчиларнинг ўзаро қўллаб-қувватланишини ва назорат қилинишини таъминлайдиган ўзаро таъсир ва очкилик кластернинг самарадорлигига хизмат қилади. Бир-бирига яқинлик, ички алоқалар, доимий шахсий алоқалар ва умумий очкилик ўзаро алоқани ва ахборот узатишни осонлаштиради. Кластерлаштириш билан боғлиқ масалалар таълим соҳасидаги янгиликлар, янги таркибий қисмлар ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги, таълим жараёнини синаб кўриш, таълим тизимининг ривожланишидаги янги тенденцияларни ўрганишни такозо қилади.

Таълим кластери фаолияти миллий педагогикамизда янги йўналиш бўлиб, уни амалиётга киритиш педагогик шартларини белгилашни ва малакали мутахассисларни шакллантириш самарадорлигини экспериментал текширишни талаб қилади. Олий таълимнинг кластердаги ўрни инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришда намоён бўлади. Кластер субъектлари бўлган илмий талқинот институтлари ва ишлаб чиқариш муассасалари амалиётлар базасини айланиб, ўзаро илмий ва ўқув фаолияти бўйича мутахассисларни шакллантиришда уларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиши истикболларида мувофиқ равишда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

⁸³ Давыдова Н.Н., Итошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014, № 10, стр.75.

Кластернинг барча субъектлари малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг кўп боскичли тизимини ташкил қилади ва тартибга солади. Иш бевуви ҳам, умумтаълим мактаблари ҳам, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳам, олий таълим ҳам бу интеграциялашувдан ўз манфатидан келиб чиққан ҳолда жараён иштирокчисига айланади.

Узлуksиз таълим жараёни кўп боскичли тизим бўлиб, ижтимоий даражадаги ўзгаришлар ва субъектларнинг касбий салоҳиятлари унинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Шунинг учун, узлуksиз таълим фовсининг асосий мақсади – инсоннинг шахс сифатидати макоми, истаклари ва қобилиятларини тез ўзгарувчан дунёда меҳнат ва ижтимоий муносабатларга мослаштиришни назарда тутади.

Педагогик таълим кластерини Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, қуйидаги илмий-амалий аҳамиятга эга ҳулосаларга келиш мумкин: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПК-3152 сонли Қарори билан ташкил топган бўлиб, унинг илмий ва таълимий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- таълимий, илмий ва инновацион жараёнларни иктисодиёт ва ижтимоий соҳа билан биргаликда жамлаш;
- ўқув жараёнларининг узлуksизлиги, узвийлигини ва интеграциясини куचाйтириш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;
- таълимни бошқаришга нисбатан самарали инновацияларни қўллаш;
- ташкилий, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-тарбия воситаларини интеграциялаш.

Субъектларнинг ўзаро алоқалари Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида таълим тизимини шакллантириш доирасида, шунингдек, институтнинг тегишли факультет ва кафедралари билан яқин алоқада амалга оширилади.

Амалга ошириладиган бarchа ишлар кластер иштирокчиларнинг бошланғич, профессионал, юқори профессионал ва касбий тайёрларлик даражасига безвосита боғлиқ бўлиб, илмий ва таълим-тарбия кластерини руёбга чиқаришга қаратилган бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳудуддаги мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, шунингдек, кластернинг таркибий қисми бўлган бошқа турдаги таъкилотлар умумий мақсадга ишлатилари зарур. Ўқитишда қўшимча ва масофавий таълим ҳам назарда тутилши лозим. Шунингдек, кластерда республиканинг қатор илмий-тадқиқот институтлари, сановат корхоналари ва бошқа муассасаларини ҳам фаол жалб этиш учун зарур шароитлар яратилган алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Бунинг натижасида ҳудудда:

- › *биринчидан*, малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёж сифатли қондирилади (*ижтимоий оқибат*);
- › *иккинчидан*, самарали таълим хизматлари бозори шакллантирилади (*иқтисодий оқибат*);
- › *учинчидан*, инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни тезкор оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади (*маркетинг соҳасидаги оқибат*);
- › *тўртинчидан*, таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим тизимини бошқаришнинг

янги таъкилий шаклга ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилади (*ҳуқуқий оқибат*);

- › *бешинчидан*, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини кластер субъектлари билан ҳамкорликда лойиҳалаш йўлга қўйилади (*педагогик оқибат*).

Шундай қилиб, таълимга кластер ёндашувини татбиқ қилиш таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлайди. Бунинг таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини қамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш илмий жамоатчилик олдидати муҳим муаммолардан саналади. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имкони беради. Натижада, кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, таъкилот ва технологияларни бирлаштирувчи қучли механизмни юзата келтиради.

3. “Мактаб-лаборатория”: таъриф ва тавсиф

Жамият тараққиёти ва кишиларнинг турмуш тарзидаги юксалишларни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг фаол интеграциялашуви тасаввур қилиб бўлмайди. Интеграция термини лотин тилидаги “integration” сўзидан олинган бўлиб, муайян бирликларни тиклаш, тўлдирish маъноларини билдиради. Амалга бу термин икки ва ундан ортиқ субъектларнинг бир мақсад атрофида бирлашиши билан боғлиқ жараёнларни англатади⁸⁴.

⁸⁴ Ашпихина Я.Г. Интеграционные процессы в современной России: виды и характеристики // Научный ежегодник Института философии и права УрОАиН. 2010. Вып. 10.

“Таълим”, “фан” ва “ишлаб чиқариш” тушуначларининг табиий алоқадорлигини илмий нуқтан назардан асослаш, шубҳасиз, улар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада тезлаштиришга замин яратеди, улар самарадорлиги учун хизмат қилади. Демак, ҳар бир соҳа ёки тармоқнинг ривожланиши, аввало, уч омил: таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлиги, яхлитлашуви ва интеграциясига боғлиқ. Бу учликнинг ўзаро интеграцияси нафақат соҳаларнинг, балки шу тизим субъектларининг ҳам инновацион жараёнлар сари юз беришига сабаб бўлади. Инновацияларсиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви, интеграциясиз эса иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин эмас. Бундан интеграция инновацион жараёнлар билан биргаликда содир бўладиган ҳодиса эканлиги англашилади.

Инновацияларни таълим жараёнига таъбиқ этиш тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун тизимнинг инновацион муҳити ва унинг шакллари тақомилланиши, инновацион марказлар фаоллигини яхшилаш лозим бўлади. Бу борадаги технологиялар ва объектив қонуниятларни тараққий қилган назаридан таҳлил қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ҳар қандай инновациялар билимлар интеграциялашуви билан маҳсули бўлиб, пировардида, таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз инъикосини топади. Бу эса жамиятнинг янгиликка, фановонликка ва иқтисодий ривожланган даражага олиб чиқишнинг омили ҳисобланади. Инновацион жараёнлар муайян фаоллиқни ташкил қилиш, бошқариш, жамоанинг умумий санини ва кизиқишлари, миллатнинг менталитети, давлатнинг алоқадор соҳалар бўйича олиб бораётган сиёсати, илм-фан ютуқлари ва таълим тизими салоҳияти, инсон капитали каби бир қанча омилларга боғлиқ равишда кечади.

Таълимда инновациялар назария ва амалиёт уйғунлашувининг сон ва сифат ўзгаришларига олиб келувчи, муайян мақсадга йўналтирилган таълим билан боғлиқ субъектларнинг фаоллиги тизими кўринишида кечади. Ҳар қандай инновация ташаббус маҳсули бўлиб, у таълим сифати ва мазмунини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Умуман, инновациялар ривожлантириш тамойилига асосланиши зарур. Шу маънода, “таълим инновацияси” тушуначасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашуви ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараён”. Ушбу таърифда таълим инновацияси билан боғлиқ қуйидаги белгилар кўзга ташланади:

- инновация тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши;
- ривожлантириш тамойилига асосланиши;
- янгича метод, шакл, ёндашуви ва технологик жараёнлар носитасида амалга ошириш;
- узоқ муддатли ва тизимли фаоллият;
- натижага соҳада сифат ўзгаришларини келтириб чиқариши.

Мамлакатимиз мустақиллиқни қўлга киритгандан кейин таълим тизимида амалга оширилган энг жиддий инновацион лойиҳалар сифатида педагогик технологиялар ва интерфаол методлар асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни кўрсатишимиз мумкин. Афсуски, таълимда фаоллият йўналиши, киритилган ўзгаришларнинг таъсири ва келиб чиқиш манбаига кўра бошқа йirik инновацион жараёнларни кўрсата олмаймиз.

Бизнинг назаримизда, таълим тизимига кластер моделининг татбиқ қилиниши инновация шаклларининг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтиради. Кластер таълим тизимидagi бошқарув тизими, таълим субъектлари ўртасидagi интеграция жараёндари, илмий тадқиқот соҳалари ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни камроб олади ва уларга замонавий ёндашувларни татбиқ этишни тақомил қилиди. Демак, бутун тизимга алоқадорлиги ва кенг камровлилиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги, фаолиятга нисбатан ёндашувнинг янгиланганлиги каби хусусиятлари билан педагогик таълим кластери моделини соҳага тааллуқли инновация сифатида қарош мумкин.

Педагогик таълим инновацион кластерининг мазмун-моҳияти мақсад ва вазифалари, йўналиш ва тамойиллари ҳақида шунинг жамъатчилик томонидан айрим мулоҳазалар билдирилган⁸⁵. Ушбу тадқиқотда эса инновацион лойиҳани амалга оширишнинг энг асосий омилларидан бири бўлган “Мақтаб-лаборатория” инновацион таърифа майдончалари борасида фикр билдирилди.

Аваало, "Мақтаб-лаборатория" тушунчасига изох бериб ўтган.

Таърифи: "Мақтаб-лаборатория" – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш мақсадида қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба синав майдончалари.

⁸⁵ Мухомедов / И. Педагогик таълим инновацион кластери: ехпирт, зарурат, натижа // "Халқ оғли online", 2019 йил 15 февралд., Мухомедов Г.И. Кинстер таълимга нисбатан инновацияни ёлдириш синглатида. "Барқарор ривожланишга улуғлик таълим: муваппақ ва сунъий" ҳажмидаги миллий-инови анижуми илмий шайир тўганиши I том, Чиркинс, 2019 й.; Modyfikator U.N., Pedagogical cluster – a innovativon aspect. Теория и практика современной науки, №62(44) 2019., С.25-33.

Демак, “Мақтаб – лаборатория” таърифа майдончаларини тоғонли турлари ҳамкорлигининг инновацион шакли, дейиш мумкин.

Педагогик таълим инновацион кластери бир тўрух таълим суъъектларининг инновацион маҳсулотни яратишга ва унинг раёбатбардошлигини оширишга имкон берадиган янги тизим бўлиб, у соҳанинг миллий ва минтакавий даражада ривожланиши учун кучли раёбат беради. Шунга кўра, кластер ёндашуви фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятти ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ва амалга ошириш имкониятини яратди. Кластер доирасида бир нечта суъъектларни ўзаро интегратциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бириштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади ва шундангина кластер суъъектларининг ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойиҳаларни амалда синаб кўриш муайян тажриба-майдончалари бўлишини талаб этади. “Мақтаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари бу борада асосий бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилади ва *педагогик инкубатор* вазифасини бажаради.

“Мақтаб-лаборатория” лойихаси миллий педагогикамизда янги тушуна. Бу тушунанинг илмий истеъмолга олиб кириллиши Чирчик давлат педагогика институтининг фаолияти билан боғлиқ. Педагогик таълим инновацион кластери институтининг стратегик тадқиқот йўналиши бўлиб, “Мақтаб-лаборатория” унинг ядроси ҳисобланади. “Мақтаб-лаборатория”лар илмий-педагогик иннова-

цион лойиҳаларни яратиш ва тажриба-синовдан ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

Бугунги кунда Тошкент вилояти ҳудуддаги умумий ўрта таълим мактабларида худди шундай 22 та “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ташкил килинди. Бу боралатги ишларни тизимли ва муайян режа асосида олиб бориш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика институти ва Чирчиқ шаҳар Халқ таълими бўлиmlарининг “Мактаб-лаборатория” тажриба майдонларини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма буйруғи, институт факультетлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ҳамкорлик шартномалари ҳамда чора-тадбирлар режаси ишлаб чикилди.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мақсади узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётта татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари куйидаги йўналишларда фаоллиг олиб боради:

- тажриба-инновацион йўналиши;
- илмий-услубий йўналиши;
- илмий тадқиқот йўналиши;
- ахборот-таҳлилий йўналиши.

Ҳар бир йўналиш ўзининг муайян вазифаларига эга бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

- 1) таълимнинг янгилашган мазмунини амалиётта татбиқ килиш ва апробациядан ўтказиш; касбгача ва касбий педагогик

тайёрлов бўйича таълим ва тарбиянинг инновацион усуллари, шакллари ва технологиялари бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, апробация килиш ва татбиқ этиш – тажриба-инновацион йўналишида;

- 2) педагогларнинг инновацион фаоллигида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш; конференциялар, семинарлар, мастер-класслар, очик машғулотлар, стажировкалар, гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этиш орқали педагогик кадрлар касбий маҳоратини ошириш ва “Мактаб-лаборатория”да тўпланган инновацион усуллари тарқатиш – илмий-услубий йўналишида;

- 3) психологик-педагогик тадқиқотларни таълим амалиётларида қўллаш ва экспертиза килиш, педагогик таълимни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда самарадорликни тадқиқ килиш – илмий тадқиқот йўналишида;

- 4) касбгача ва касбий-педагогик тайёрлашнинг илгор усулларини ўрганиш ва умумлаштириш; таълимга оид ахборот ресурсларини яратиш, жамлаш ва янгилаб бориш; оммавий ахборот воситаларида педагогик таълимнинг жозибадорлигини оширувчи ва унинг мавқенини кўтарувчи реклама маҳсулотлари, мақолалар ҳамда видеороликлар тайёрлаш – ахборот-таҳлилий йўналишида.

Инновацион жараёнлар инновацияларнинг юзига келишига сабаб бўлади. Инновацион жараёнлар соҳада ўзгаришлар килишга тайёрларлик кўриш, ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан асослаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлардир. Педагогик таълимда бу соҳа билан боғлиқ янгича ёндашувлар, педагогик метод ва шаклларнинг ўзгариши, киритилаётган янгиликларнинг илмий педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва

уларнинг илмий асосланиши билан боғлиқ жараёндарда кўзга ташланади. “Мақтаб-лаборатория” тажриба майдончаларини ташкил қилиш институт ташаббуси билан амалга оширилган бўлсада, унинг фаолиятида умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг фаоллиги катта роль ўйнайди. Тақдим қилинаётган илмий-педагогик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш мактаб ўқитувчиларининг профессионал салоҳияти ва масъулиятига боғлиқ.

“Мақтаб-лаборатория” назарий бўлимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, кўникмаларни ривожлантириш максадига қаратилган ўқитувчиларнинг мустақил амалий ва тадқиқот фаолиятининг шаклларида бирдир. “Мақтаб-лаборатория”да ўқитувчиларнинг тажриба-синов ишлари уларнинг илмий тадқиқот ишларининг тарқибий қисми сифатида қаралади. “Мақтаб-лаборатория” доирасида ўқитувчиларнинг асосий фаолиятини инновацион тажриба-синов ишлари бўлиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- тажриба-синов учун зарур бўлган илмий-усулбий маълумотнинг таъйини;
- тажриба-синов ишнинг режа-схемасини ишлаб чиқиш;
- тажриба-синов ишларини ўтказиш;
- тажриба-синов натижаларини қайд қилиш.

“Мақтаб-лаборатория”да ўқитувчиларнинг тажриба-синов ишлари натижадан сифатида адабиётларга шарҳ, илтор ва инновацион тажрибадан тақдим этишни, ўқитувчиларнинг очик ёки тажриба дарсларини, янги авлод дидактик материаллар банкни тузишни, ўқувчиларнинг ривожланишида педагогик натижалар таҳлисини, ўқитувчиларнинг ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларини, тўплам-

ларда нашр қилинган илмий мақолаларни, ўқитувчиларнинг “Йил ўқитувчиси” танловларидаги иштирокини айтиб ўтиш мумкин.

“Мақтаб-лаборатория” педагогик амалиётга инновацияларни ўзлаштириш ва жорий этишни ташкил этиш бўйича педагогик фан ва амалиётнинг алоҳида шаклидир. Мақтабларнинг хозирги ҳақиқий шароитларида инновацион жараёнларнинг ҳилма-ҳиллиги уларни тартибга солиш заруратини келтириб чиқаради. Бу мураккаб ва узок муддатли жараён бўлиб, унинг тузилиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, муқаррар равишда тегишли бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мақтаблар негизда тажриба муҳити шароитида бошқарув тизимини лойиҳалаш “Мақтаб-лаборатория”нинг тажриба фаолияти максад ва вазифаларини ҳал қилиш учун зарур шарт сифатида қаралади.

“Мақтаб-лаборатория” доирасида раҳбар ва ўқитувчилар тарқибидан бир неча йўналишларда лойиҳа гуруҳларини тузиш унинг фаолиятини тизимли ва кўп тармоқли бўлишини таъминлайди. Мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида Тошкент вилоятида ташкил қилинган “Мақтаб-лаборатория”ларда қуйидаги йўналишларда лойиҳа гуруҳларини тузиш максадга мувофиқ деб топилади:

- **“Бошқарув лаборатория” лойиҳа гуруҳи** – бир нечта инновацион тажриба-синов оқимлари шароитида инновацияларни бошқариш самаралорлигини аниқлашнинг мезонларини белгиловчи ресурслар ишлаб чиқиш;

- **“Инновацион бошланғич мактаб” лойиҳа гуруҳи** – бошланғич таълимда ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнининг инсонпарварлик ғоясига асосланувчи педагогика модели лойиҳасини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; янги авлод стандартларини амалга ошириш;

• **“Иқтидор” лойиҳа гуруҳи** – иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни кўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш, иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва уни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳитини яратиш;

• **“Инноватор ўқитувчи” лойиҳа гуруҳи** – инновацион жараёнларни таълим тизимига фол татбиқ этиш муҳити ва ахборот таъминоти яратиш, ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳаларга раёбатлантириш ҳамда уни кўллаб-қувватлаш.

• **“Таълим сифатини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти”** лойиҳа гуруҳи – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар, лойиҳалар, илмий-педагогик адабиётлар билан таъминлаш, таълим сифатини кўтариш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш;

• **“Мақтаб биродарлиги”** лойиҳа гуруҳи – “Мақтаб биродарлиги” ўқувчилар ҳамжамияти фаолляти доирасида болалар ва ёшларнинг самарали ижтимоийлашуви учун педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш.

“Мақтаб-лаборатория”ларда лойиҳа мавзуси сифатида танлаб-надибган муаммонинг кўлами ва долзарблиги катта аҳамиятга эга. Тажриба-синов ишларига торталаётган муаммо аниқ, ихчам, бир нечта субъектларга алоқадор бўлмаслиги ва унинг айна пайдалани долзарб масала эканлиги тажрибанинг муваффақиятли чиқиннини таъминлайди. Катта, ечими бир нечта субъектларга алоқадор муаммони бартараф қилиш узок муддатли, илмий таълим қилинишини тақозо қилаётган лойиҳалар учун объект бўла олади. Шунинг учун ҳам “Мақтаб-лаборатория”ларда умумтаълим мактабларидати кичик-кичик муаммоларни бартараф қилиш бўйича янги-янги ёндашувадиги дастурлар асосида ишлаш мақсадга мувофиқ.

Дастурда ўша муаммонинг ечими бўйича хориж тажрибасини ижодий ўзлаштириш, креатив ёндашув, ечимни амалга ошириш механизми ўз аксини топади. Бунда тизимлилик, ҳар бир лойиҳа гуруҳининг тажриба-синов ишлари бир-бирини мантиқан тўлдир-риши ҳисобга олиниши лозим. Тажриба-синов майдончаларида бир нечта кичик муаммоларнинг ечимини топиш пировардида катта муаммоларни бартараф қилишга замин хозирлайди. Муаммонинг ечимига келишда амалга ошириладиган амаллар кетма-кетлиги тўғри тартибланиши лозим. Бундай ёндашуви муаммонинг ечимига қаратилган бир неча босқичли тажриба-синов ишларига ҳам тааллуқли, дейиш мумкин. Ёъни, мавжуд муаммони бартараф қилиш босқичлари ишлаб чиқилди ва ҳар бир босқичда алоҳида тажриба-синов ишлари амалга оширилади. Ҳар бир босқичда катта муаммонинг алоҳида қирралари соз ҳолатга келтирилади. Бундай тажриба-синов ишларини кўп босқичли лойиҳа сифатида тушуниш лозим.

Умуман олганда, “Мақтаб-лаборатория” тажриба майдонча-лари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш, умумтаълим мактаблари фаоллятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаоллятини назорат қилиш ва уларни кўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

“Юрт отаси” феномени

(эссе)

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи

Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланади

Мукаддима

Менинг ушбу мақолани ёзишга кирилишим анча кийин кечди. Чунки ёзишга бўлган хоҳиш ва иштиёқ тинчлик бермаса-да, аммо шундай буюк инсон ҳақида ёзиш, ёзганда ҳам қаҳрамонимнинг халқимиз тасаввуридати салобатига яраша зағворли, маҳобатига яраша салмоқли фикрлар айта оламани, деган истиҳола ва ҳадик мени ўйантирарди. Юрт отасининг мустақиллик йилларидаги фаолиятини бевоҳита кузатганим, бу буюк шахснинг фаолияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларимнинг мавжудлиги менга таскин берди. Қолаверса, “Қандай ёзсам, Юрт отасининг маънавий қиёфасига яраша муносиб чизилар тола олам?”, “Шу пайтгача ёзилган хотиралардан менинг ёзганим нима бўлиши фарқ қилади?”, деган саволлар ҳам мавжуд эдики, бу саволларга жавоб топиш учун Биринчи Президентимиз ҳақидаги анчагина мемуарларни ўқиб чиқишимга, у кишининг асарларини қайтадан варақлашимга тўтти келди. Бу жараёнда Юрт отасининг менинг тасаввуримдаги маънавий дунёси яна-да улканлашиб, катталашиб борди. У кишининг Президент сифатидаги юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги фаолиятини янада трандроқ англадим. Бир мақола доирасида Ислам Каримовнинг кўп қиррали фаолиятини тўлақонли ёритишнинг имкони йўқ, албатта. Шунинг учун мақолада имкон қадар Биринчи Президентимиз фаолиятидати йўналишлари эътироф этилиши, кўп қиррали жисмларини таъкидлаши, инсон сифатидаги фазилатлари ва

5-бўлим

СИЁСАТ ВА МАФКУРА

(эссе ва илмий рисола)

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдинда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда аниқ марраларини белгилан вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Харакатлар стратегияси” дик дастуруламал хужжат ишлаб чиқилди. Ушбу хужжат ҳаётин зарурат маҳсули эканини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Тараққиётнинг бўғунги босқичига келиб жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши, тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларининг ҳам юзга чиқиши инсоният олдинги андани-янги муаммоларни кўндалант қўймоқда. Эндликда ўзаро таъсирлардан тўла Ҳимояланган бир минтақа ёки давлатни топиш мумкин бўлмай қолди. Бу глобализация ва интеграция жараёнари билан бевоҳита боғлиқ равишда кечмоқда.

Умид Ҳоджамқулов

раҳбар сифатидаги таъминчиларига эътибор қаратиши мақсад қилиб қўйилди. Мавзун и эҳтиросларсиз, қаҳрамонининг ҳар бир соҳадаги фаолиятини муҳим бирор факт билан асослаган ҳолда қозоғга туширишга ҳаракат қилдик.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг фаолиятисини бутун бошли миллат, халқ тақдирини тасаввур қилиш амримаҳол. Бундай инсонларни тарихий ва ижтимоий шарт-шароит маҳсули деб ҳисоблаш ҳам бор. Дарҳақиқат, Муканнанинг жасоратини ариб, Жағолиддин Мангубердиннинг қаҳрамонлигини мўъжиза, Душанбе Эшоннинг мардонавор ҳаракатларини эса чор Россиясининг истилоси билан боғлиқ тарихий шарт-шароит юзига чиқарди. Аммо бу миллий қаҳрамонларимизнинг тарихий сиймосини факат мавжуд тарихий шарт-шароит билан боғлаб қўйиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди, назаримда. Бундай шахслар *"тарих тақозо эмас, балки бутун маъруфия ва жавабгарликнинг эълонлари юқини ўз эътиқосининг олишга қодир"* бўлганлиги боис ҳар қандай даврларда ҳам ўзининг халқларвар сиёсати, илғор фикрлари, гуманистик қарашлари билан халқни ўз орқасидан эргаштира олишади. Чунки ҳар қандай даврда ва жамиятда ҳам халқ забот этилмаган янги марралар бўладики, бу манзиллар сари интилаётган халқ эса ўзида оқил ва доно йўлбошчига доим эҳтиёж сезади. Худди шу маънода, **Ислом Каримов феномени**нинг майдонга келиши, бир томондан, тарихий шарт-шароит маҳсули, яъни объектив воқеалик бўлса, иккинчи томондан шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган субъектив омиллар билан ҳам боғлиқ. Ислом Каримов шахсиятидаги юксак бағам ва саноқчилик, адолатга таяниб иш қўриш, ўз миллати ва ҳалқининг нисбатан чексиз ҳурмат, маънавий эҳсондорлик, маррани доим билан олиш, илғор воқеаликни тўғри таҳлил қила олиш ва принципалани қаби ҳуқуқиятлар унинг ўзбекистон Республикасининг Биринчи

Президенти, ўзбек халқининг йўлбошчиси ва ҳақиқат рившида Юрт отаси сифатида тарих майдонига чиқишига сабаб бўлди.

Яқин ўтмишга назар...

Ислом Каримовнинг сиёсат майдонига келиши ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келгани боис, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, яқин *"тарихимизнинг энг қур ва қора"* даври – собиқ советлар империясининг таназзулга юз тутган сўнгги йилларидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазиятга бир оз тўхталиб ўтишни лозим топдик. Маълумки, собиқ советлар давлатининг сиёсати зўравонлик ва мустамлакага асосланган эди. Дунёнинг ҳар қандай нуқтаи нзига у ёки бу даражада ўз таъсирини ўтказа оладиган энг катта империя ўзида ҳар хил эътиқодли ва ҳар бирининг менталитети ўзига хос бўлган турли этносларни бирлаштирганлиги билан ҳам аҳамиятли эдики, айни шу жиҳат империя тепасида турган сиёсатчиларни ҳар доим чўчитиб келгани, шубҳасиз. Улар миллий республикаларнинг илғор ва соғлом фикрловчи фуқаролари, зиёли катлами собиқ иттифоқнинг мустамлака сиёсатидаги адолатсизликлардан ошқора бўлмаса-да, пинҳона норози эканликларини билдиришди. Унчалик катта давр ҳуқуқронлик қилмаган бўлса-да, шу даврнинг ўзида халқимизнинг уч марта оммавий каттагон қилиниши, фикримизни тасдиқлайди. Бундай қатли омларнинг уюштирилиши, биринчидан, халққа йўлбошчи сифатида майдонга чиқиш эҳтимоли бўлган зиёли катламни йўқотишга қаратилган бўлса, иккинчидан, бу миллий республикаларни қўрқув исқандарига ушлаб туришга қаратилган маълум сиёсий "ўйин" эди. Шу тарика қизил империя ўзининг ҳуқуқронлик йиллари давомида ўз халқига энг кўп озор берган жоҳилилик қурилмаси сифатида тарихда маълум ном қолдирди. Ижтимоий адолатнинг амал қилмаслиги натижасида бўйруқбозликка асосланган маълумий-партоқратик бошқарув барча

соҳаларда муваффақиятсизликка учради. Натижада, ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб шўролар жамиятининг иқтимоий-сиёсий ҳаёти орқата кета бошлади. Йил сайин соёик иттифокнинг иқтисодий аҳволи баттар ёмонлашиб, иқтисодиётда инкирознинг ҳолат юзага келди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига эса икки омил сабаб бўлди: биринчидан, иқтимоий фаоллик ўрнини еусткашлик, давлат ва партия сиёсати ишонмаслик, бефарқлик эглади; иккинчидан, партия раҳбарлари марказдан туриб бутун мамлакатни бошқаролмай қолди. Танг вазиятда қолган иттифок раҳбарларининг топишини асосан ётақчи иқтисодчи олимлар томонидан мамлакат иқтисодиётини ислох қилиш бўйича дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Кенгаши муҳокамаига қўйилди. Дастурда мамлакатда социалистик тузумдан воз кечиб, капиталистик иқтимоий-иқтисодий тузумга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш тақлиф қилинган эди. Аммо бу дастур лойиҳаси мамлакат Олий Кенгаши муҳокамаида турли тортишувларга сабаб бўлди ва амалиётга жорий этилмай қолиб кетди. Шундан сўнг мамлакат раҳбари М.С.Горбачёв иттифок республикаларига ўз иқтисодиётини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга расман руҳсат беришга мажбур бўлди. Аммо бу расмий изнга қадар Ўзбекистон Ислон Каримов бошчилигида ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш дастурини ишлаб чиқа бошлаган эди.

Маънавий жасорат тимсоли

1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи қотиби лавозимига тайинланган Ислон Каримов янги ишта “**Биз бундан бўён эскича яшолмайми ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди!**” деган қатъий мақсад билан киришди. Бу мақсад замиридаги мавжуд тузумга

нисбатан норозилик иддаосини Ислон Каримов тор доираларда эмас, балки ўша пайтдаги ягона партия ташкилотининг пленумида очикдан-очик баён этади⁸⁶. Айни шу даврдан бошлаб Ислон Каримов фаоллигида бошқича-бошқича мамлакатнинг иқтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалаларини марказдан ҳоли тарада ҳал қилишга ҳаракат қила бошлаганлигини қўришимиз мумкин. Бу **иқтимоий соҳада ижод ва сўз эркилиги, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши** каби масалаларда қузатилса, **сиёсий соҳада соёик иттифок тарқибига кирувчи республикалар орасида биринчи бўлиб президентлик лавозимининг жорий этилиши, иқтисодий соҳада эса яна иттифок республикалари орасида биринчилардан бўлиб ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш дастурининг ишлаб чиқа бошлаганида** қўзга ташланади. Бутунни қунга келиб бу қарорлар қанчалик стратегик аҳамиятга эга бўлгани, қарор муаллифининг эса мавжуд вазиятни тўғри тахлил қила олганлиги ҳаётга ўз исботини топди. Адилат ва демократия тамойиллари ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин бўлмаган соёик иттифок даврида бу қарорларнинг қабул қилиниши қанчалик қалтис ва таваққул иш бўлганлигини яхши биламиз. Аммо буларнинг барчаси бизга *Ислон Каримов кейинги йилларда юзага келадиган иқтимоий-сиёсий вазият, нидеардида, иттифокнинг тарқаб кетиши билан якуниланганини олдидан аниқлаб етган*, деган ҳулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Ислон Каримовнинг маънавий жасорати ҳақида гап борар экан, 80-йилларнинг охирида Фарғонада айрим фарзали қучларнинг қутқуси билан юзага келган нотинч вазиятни бартафат этиш учун ёки муस्ताқилликнинг дастлабки йилларида бир гуруҳ қўпоровчи қучлар Наманган вилояти ижроия қўмитаси биносини эглаб олиб,

⁸⁶ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 24 июнидаги йиғилишидаги қутқудан.

Ўзбекистонни ислом давлатига айлантириш даввоси билан чиқканда жазавата тушган оломон ичига дадил кириб борганлигини, уларнинг максад-муддаоларини вазиятнинг ичига кириб эшитганлигини, бу билан беғуноҳ халқнинг қони тўқилишининг олдини олганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Албатта, Ислам Каримов ўз кабинетига туриб ҳам вазиятни бартараф этиш бўйича керакли кўрсатмалар бериши мумкин эди. Аммо отир вазиятларда ўз халқи билан бирга бўлмаслик, ширин жонини хатарга қўймасдан, хонанишинликда чоралар кўриш Ислам Каримовнинг ҳаётини принципларига тўғри келмас эди. Қолаверса, шахсан Президентнинг келиши жазавата тушган бузғунчиларнинг ховурини пасайтиради, вазиятни тинч аҳолининг фойдасига хал бўлишини таъминлайди. Фараз қилинг, ўша вазиятда ўзгача йўл тутилганда, нима бўлар эди? Бузғунчи қучлар ўз максадига эриша олмаслигини тайин эди, аммо бундан факат тинч аҳоли жабр кўрган, беғуноҳ инсонларнинг қони тўқилган бўлар эди. Энди айтинг, ўз жонининг хатарга қўйиб бўлса-да, бунинг олдини олган давлат раҳбарининг мард, оқил ва доно сиёсатчи демай бўладими? Бундай маънавий жасорат Ватани ва халқини ўзининг жонидан ҳам азиз билган инсонлардатиға бўлиши мумкин. Бу маънавий жасорат халқимизга “Ватан” ва “Халқ” тушунчаларининг нақадар улуғ эканини тақрор ва тақрор ёдга солувчи ибрат намунасидир. Айни шу ҳолат ҳақида халқро эксперт Зураб Тодуа Россиянинг “Независимая газета” сонида шундай ёзди: *“Бундай биноба бир ўзи, кўзи қонга тўйган оломон кўришовага кириб боргани учун одамида мислииз қалти экасарин, ирода бўлиши керак. Ўзбек халқи учун ҳал қилувчи ана шу кундан Ислам Каримовдек раҳбарнинг бўлгани Ўзбекистоннинг омони, деб ҳисоблайман”*. Энг асосийси, Ислам Каримов бу жароёнлар мавжуд вазиятдан фойдаланиб обрў таппашётган, халқимизнинг

бадном қилишга уринаётган ўзга қучларнинг таъсирида содир бўлаётганлигини тўғри англайди. Улар халқнинг отир иқтисодий аҳволда эканлигидан фойдаланмоқчи эканлигини тушунган Президент вазиятни ўнглаш учун муҳим қарор қабул қилди: қишлоқ аҳолисига томорқа ер берилиши тўғрисидаги мазкур қарорнинг ижроси билан халқимиз ўша пайтдаги отир иқтисодий тангликдан чиқиб олди. Айни пайтга келиб эса ўша даврда Ислам Каримовнинг тутган йўли нақадар тўғри эканлиги ҳаётда ўз исботини топди.

Фермерлик ҳаракати сари дастлабки қадам

Асосан аграр соҳага иқтисодлашган ва бир томонлама ривожланишга йўналтирилган республикамиз, охир-оқибат, иқтисодий жиҳатдан ноҷор аҳволга тушиб қолди. Аммо бу иш собиқ иттифок раҳбарларининг ҳатоси эмас, балки онгли равнишда амалга оширган сиёсати эди. Иттифок таркибига кирувчи республикаларни муштамлақада саклаш учун уларнинг комплекс равнишда ривожланишидан давлат тепасида турган раҳбарлар ҳар тарафлама манфаатдор эмас эдилар. Аммо Ислам Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби сифатида пахта яккаҳоқимлиги мамлакат иқтисодиётининг оёғига болта уриб турганини тўғри англайди ва қишлоқ хўжалиги бу соҳада ҳатто назарий маълумотга ҳам эга бўлмаган инсонларнинг кўр-кўрона кўрсатмаси билан ривож топаётган соҳа эмаслигини ўша пайтлардаёқ расмий минбарда туриб қуйидагича баён қилган эди: *“Мен бутун айтишим керакки, совхоз директорлари, бригадирларни юқоридан туриб бир гапга қўндириш осон эмас, чунки уларнинг ўзлари нимадан қандай даромад олинш, хўжалик аъзоларини қандай боқилиши яхши билишади. Шу маънода, пахта яккаҳоқимлиги ҳақида далада уюмман ишлаб*

кўрмаган, кишлок ҳўжалити ишлаб чиқаришга мутлақо алоқаси бўлмаган одамларнинг сафсата сотишни мени хайрон қолдиради. Бу одамлар пахта яккаҳокимлиги хақида тапириб, аввало, ўзининг ишта врокесизлигини никообамоқчи бўлиди... Ўйлайманки, бу борада кичик бир тажриба ўтказиш, яъни канча майдонга қайси экинни канча микдорда экин масаласини қолхоз ва совхозларнинг ўз ихтиёрига қолдириш керак. Биз ана шундан сўнг эришилган натижаларни бир жойга тўплаб, ўзаро фикрлашиб олишимиз мумкин. Балки би республика бўйича ҳеч қандай зўрлаш, мажбурлаш ҳолатларига йўл қўймасдан, 5 миллион тонна пахта ҳам аниқ етиштиришга эришармиз. Келингла, шунга бир тажриба қилиб кўрайлик, барча ишни далада ишлаётган одамларга ишониб топширайлик...»⁸⁷ Бу гаплар замирида, биринчидан, пахта яккаҳокимлига қарши амалий ҳаракатни кўрсак, иккинчидан, кишлок ҳўжалити соҳасини ривожлантириш, пировардида, ҳалиқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ эзгу мақсад мужассамлигини англаймиз. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда кишлок ҳўжалити ислохотининг асоси бўлган фермерлик ҳаракатининг дастлабки қадамлари ўша пайтдаёқ қўйилган эди. Кейинчалик республика мустақилликка эришгач, бу ҳаракатга расмий мақом ва тус берилиш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Бугун эса фермерлар Ўзбекистон иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи асосий бўғинлардан бирига айланди.

Бош қомусимиз муаллифи

Ҳар қандай давлат борки, ўзининг Бош қомуси Конституциясига эга. Конституция бу давлатнинг асосий қонунин бўлиб, энг юқори қоридик қучта эга бўлган ҳўжжатида,

⁸⁷ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 24 июндаги йиғилишидаги қутқовдан.

Конституция давлат тузилишини, унинг бошқарув шактини, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини, шахсинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини белгилаб беради. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим иқтимоий муносабатлар тартибга солинади. Ислоҳ Қаримов таъбири билан айтганда, Конституция “Буюқ келажатимизнинг ҳуқуқий қафолатидир”. Ана шундай муҳим ҳўжжатнинг яратилишида Ислоҳ Қаримов ўзининг ҳуқуқий билим ва салоҳиятини, бу борадаги жаҳон тажрибасини яхши билишини намоён эта олди. Энг асосийси, Бош қомусимизда умуминсоний жиҳатлар билан бирга ҳалқимизгагина ҳос миллий қадриятлар ва тафаккур тарзи инобатга олинган. Айниқса, унда мамлакатимизда юздан ортқик миллият ва элларлар истиқомат қилишини инобатга олган ҳолда бағрикенглик принципитга алоҳида эътибор қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилиниши билан боғлиқ хотиравларида Ислоҳ Қаримовнинг бу масалага қанчалик принципиаллик билан ёндашганлигини кўрамиз: “Ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун хаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳўжжатни ишлаб чиқишда Ислоҳ Абдуганниевнинг концептуал аҳамиятта эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди...”

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислоҳ Абдуганниевчидек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқини кўра оладиган буюқ сиёсий арбобнинг бу ишта раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият қасб эди.

Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келайтган қалтис ва нозик бир вазиятта турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик,

сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди...

Айнан Биринчи Президентимизнинг сазй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “Инсон ва унинг кадр-қиммати” деган улғуф тушувча марказий ўринга қўйилди...

Бир сўз билан айтганда, Ислоҳ Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз”⁸⁸. (“XXI ASR” газети. 2016-йил. 8-декабрь. 52 (684)-сон).

Бош қомусимизнинг дастлабки лойиҳа нуسخалари бўлган кунда “Ўзбекистон тарихи” давлат музейининг экспонатлари каторидан жой эгаллаган. Унда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ўз қўллари билан ёзган қайдлари кўрамиз. Бу ноёб экспонатни ҳаяжонсиз томоша қила олмайдн киши. Чунки ундаги шахсий қайдлар, тузатиш ва ўзгартиришлар Биринчи Президентимизнинг бу сиёсий ҳужжатга нечоғлик эътибор қаратганлигининг, шахсан у кишининг таҳрир ва тузатишлари билан қабул қилинганлигининг тарихий шаҳодатидир.

Батри кент инсоннинг бағрикенглик сиёсати

Қайсики давлатда диний, сиёсий, иркий ва миллий бағрикенглик сиёсати олиб борилса, ўша давлатда турли низоларнинг юзага келмаслиги кафолатланади. Аммо ҳаётнинг бу оддий ҳақиқатини рўёбга чиқаришда, биринчидан, шу сиёсатни амалга ошириш учун етарли ҳуқуқий асослар яратилиши, иккинчидан, шу давлатда истикомат қилувчи туб миллий аҳолининг ушбу сиёсат моҳиятини англаб етиши муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг давлатимизда бағрикенглик сиёсатининг ҳуқуқий асослари, аввало, давлатимизнинг Бош қомусида, “Виждон эркинлиги ва

⁸⁸ “XXI ASR” газети. 2016 йил. 8-декабрь. № 52 (684).

диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Давлат тили ҳақида”ги бир қатор қонунларда ўз аксини топан. Қолаверса, юртимизда жаҳон мамлакатлари фаолиятида кам кузатиладиган Республика байналмилал маданият маркази ва Миллий маданий марказлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар юртимизда истикомат қилувчи муайян миллат вакилларининг миллий маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларда заминимизда этник низоларни келтириб чиқаришга уринган ташки қучларнинг олиб борган қабих ишларини яхши биламиз. Хайриятки, Ислоҳ Каримовнинг оқилона олиб борган тадбирлари натижасида уларнинг ғаразли мақсадлари амалга ошмади. Аммо юздан зиёд турли миллат ва эллар истикомат қилдиган юртимизда этник тенглик таъминланмаса, бу борада ҳуқуқий асослар яратилмаса ва оқилона давлат сиёсати олиб борилмаса, ҳар лаҳзада миллий низолар келиб чиқиши мумкин эди. Бундан манфаатдор ташки қучлар эса қулай фурсат кутиб тургани ҳам ҳақиқат. Ўзбекистон кўра билган Ислоҳ Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда миллий тенглик ва бағрикенглик сиёсатига алоҳида эътибор қаратди. Унинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Бугунги кунга келиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, уни замонга мослаштириш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, “Харакатлар стратегияси”нинг бешинчи бандида **миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласига** алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 19 майдати “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада

тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин.

Модомики, тап мамлакатимиздаги бағрикенглик сиёсати ҳақида борар экан, унинг халқаро майдондаги эътирофига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, 2017 йил 29 сентябрда Ўзбекистонга таширф буюрган Москва ва Бутун Рус патриархи Кирилл Ўзбекистонда дин ва эътиқодга бўлган ҳурматга тан бериб, уни халқаро майдонда қуйидагича эътироф этди: “Америка, Европа сиёсатчиларини Ўзбекистонга чақиринг, келиб кўришсин. Бунадай бағрикенглик ҳеч қаерда йўқ! Мен бу ерда кўрангларимни ҳамма ерда ва ҳар доим айтаман. Бу ерда одамларнинг самимий меҳр-мухаббати ва ҳурматини ҳис қилдим...”⁸⁹. Бу эътирофни мамлакатимизда олиб борилаётган бағрикенглик сиёсатига берилган муносиб баҳо, дейиш мумкин.

Умуман, бағрикенглик Ўзбек миллатига хос қадрият ҳисобланади. Меҳмондўстлик, ўзга миллат вакилларига нисбатан дўстона муносабат, халқаро муносабатларда ўзаро ҳурмат тамойилига амал қилиш миллатимизнинг олийжаноб ғазилатларидандир. Шу маънода, давлатимиз олиб бораётган бағрикенглик, тенглик ва дўстлик сиёсати миллатимиз маънавиятининг илдирида, халқимизнинг қон-қониди мавжуд, десак хато бўлмайди. Бу оқилона сиёсат натижасида мамлакатимиздаги барча миллат ва эллатлар ҳамжиҳатликда, тинчлик ва тотувликда яшаб келмоқдалар.

Афсонани ҳақиқатга айлантирган инсон

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакатда автомобилсозлик саноатига асос солиниши иқтисодиётда янги даромад манбаини яратиб билан бирга аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш

⁸⁹ (knp.uz сайти, 04.10.2017 йил)

учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – Ўзбек автомобилсозлигининг ташаббускори ва асосчиси Ислон Каримов таъбири билан айтганда, “Мустиқлик мамлакатимиз тараккиёт йўлидан собит бормоқда, бу йўлдаги илк ғалабамиздан бири мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармок – автомобил саноатининг яратилиши бўлди”⁹⁰.

Дарҳақиқат, мустиқликкача аграр соҳага ихтисослашган ва иқтисодиёти паст даражада бўлган мамлакатимизнинг мустиқликнинг дастлабки йилларидаёқ жаҳон иқтисодиётида энг мураккаб соҳалардан бири бўлган автомобилсозлик саноатига асос солинишига кўпгина хорижий иқтисодчи ва сиёсатчилар ишонмай қараган эди. Аммо Ислон Каримов характеридаги сўз ва иш биллиги, доим маррани бағанд олиб ҳаракат қилиши, бошлаган ишини охирига етказиши ва шижоати натижасида “афсона” ҳақиқатга айланди.

Агарда ушбу тармокнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, республикамизда автомобилсозлик саноати тез фўреатларда, аммо мажсад сари ишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин. 1992 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Жанубий Корея Республикасига таширифи доирасида “DAEWOO” автомобил заводи билан танишиши бу борадаги амалий ҳаракатларда биринчи қадам бўлган эди. 1992 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “UZDaewooAuto” кўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида фармойиш қабул қилиниши ва 1994 йил май ойида эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Ўзавтосаноат” – Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси (кейинча-

⁹⁰ Каримов И.А. Асосий вазифалар – ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

лик “Ўзавтосаноат” АҚ) ташкил этилди. Ниҳоят, 1996 йилнинг 19 июль куни Асакада Марказий Осиёдаги биринчи автомобил, заводнинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу билан Ўзбекистон ўз автомобил саноатида эга бўлган 28-мамлакат сифатида дунё мамлакатлари орасидан жой олди.

Миллий автосаноатимиз ҳукусида сўз юритганда, яна бир ўзига хос объект – автомобил двигателларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёдаги ягона “GM Rowentain Uzbekistan” заводининг аҳамиятини ҳам қайд этиб ўтиш жоиздир. 2008 йил 16 декабрда “General Motors” корпорацияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилган “General Motors Rowentain Uzbekistan” қўшма корхонаси ташкил этилди ва мазкур корхона 2011 йил ноябрь ойдан дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги кунда дунёнинг аттиги 18 та мамлакатда енгил автомобиллар учун двигателлар тайёрлангани шариғатда мазкур янги заводнинг ишга тушиши Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар каторидан 19-бўлиб ўрин олишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда GM глобал тармоғига кирадиган хорижий автомобилсозлик корхоналарида ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган двигателлардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, “Ўзавтосаноат” АҚ тизимига кирувчи 70 дан ортиқ корхона, жумладан, “GM Uzbekistan” АЖ, “Самарканд автомобиль заводи” МЧЖ, “Jv MAN Auto-Uzbekistan” ЁАЖ каби юқори қувватга эга бўлган корхоналар маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ мамлакатимиздаги 194 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Бугунги кунга келиб, автомобилсозлик миллий иқтисодий тизимизда катта улушга эга бўлган даромад манбаи, мамлакатимиз саноатининг ҳақиқий локомотивига айланди. Бу эса, шубҳасиз,

мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исроҳим Каримов номи билан боғлиқдир.

Исроҳим Каримовнинг илмий мероси

Исроҳим Каримов нафақат сиёсий арбоб ёки ташкилотчи раҳбар, балки жамиятшуносликнинг иқтисод, сиёсат, фалсафа каби ижтимоий соҳалари билан шуғулланган олим сифатида ҳам ўзидан бебаҳо илмий, ижтимоий-сиёсий мерос қолдириди. Ватанимиз Исроҳим Каримовнинг 23 жилдлик асарлар тўплами, ҳусусан, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” (1996), “Биздан овоз ва обод Ватан қолсин” (1996), “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” (1996), “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” (1997), “Янгица фикрлаш ва ишлаш – давр талаби” (1997), “Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” (1998), “Тарихий хотирасиз келажак йўқи” (1998), “Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз” (1999), “Овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максалимиз” (2000), “Ҳавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак” (2002), “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайдими” (2006), “Юксак маънавият – енгилмас қуч” (2008), “Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: Ўзбекистон шариғатида уни барқарор этишнинг йўллари ва чоралари” (2009), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” (2011), “Она Ватанимиз бахту иқболли ва буюк келажати йўлида хизмат қилиш – энг олғий саодатдир” (2015) ва бошқа асарлари ҳамда матбуада баён қилинган голларнинг амалиёти туфайли Ўзбекистон ривожланишининг равои йўлига чиқиб олди. Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Ислом Каримов асарларида мамлакатнинг ривожланиши билан боғлиқ кўлаб соҳалар камраб олинган. Уларни умумлаштириб қўлсак, бу илмий меросда тарих ва келажак, иқтисод ва сиёсат, оғз ва тафаккур, жамиятичилик ва фарсат, ҳуқуқ ва бurch, ижтимоий адолат ва демократия, адабиёт ва санъат, фан ва ишлаб чиқариш, ҳаёқисзиқ ва муҳофаа, таълим ва тарбия, мданият ва спорт каби кўлаб масалаларнинг узвийлиги, боғлиқлиги, муносабати ва мувозанати бўйича назарий фикрлар ва амалий тақдирлар илгари сурилган.

Иқтисодий ривожланишнинг “Ўзбек модели” асосчиси

Жамиятнинг бир боскичдан иккинчи боскичга ўтиш даврида, айниқса, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида янги муаммолар, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар пайдо бўлиши, уларни бартараф этиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш назарияси такомиллаштирилиши, ишлаб чиқаришнинг янги йўналишлари, ҳўжалик юритишнинг янги механизмлари ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши керак бўлади. Чорак аср муқаддам худди шундай вазият Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам пайдо бўлди. Бундай вазиятдан чиқиш учун ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолати ва шароитидан келиб чиқиб ривожланишнинг устувор жиҳатларини белгилаб олиши лозим. Ўзбекистон шароитида бу бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойиллари сифатида ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бу тамойиллар кейинчалик жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди ва иқтисодий ривожланишнинг “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойилларда мамлакатимизнинг ўша пайтдаги иқтисодий жиҳатдан ноҳор аҳволи ва истикбодлагани улуғ

масаллари инобатга олинган. Ривожланишнинг ушбу модели ҳар жиҳатдан мукамаллиги ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан асосланганлиги билан эътирофга сазовор бўлди. Хусусан, ХХI аср бошланишидаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мазкур тамойиллар синовдан ўтди ва республикамиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишида давом этиши билан ўзини оқлади. Айни шу жараёнда “Ўзбек модели”нинг эътиборга сазовор жиҳатлари яна бир қарра ортди, дейиш мумкин.

Ушбу устувор жиҳатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ҳам Ислом Каримов босқичма-босқич чоралар белгилаб, ўз асарларида ушбу тамойилларни назарий жиҳатдан асослаб берди. Хусусан, “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон – иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида” каби асарларида иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва унинг мазмуни, моҳияти, тамойиллари, устувор муаммолари ва амалга ошириш йўналишлари кўрсатиб берилган. Бу борада Ислом Каримов шундай таъкидлаган: “Ўзбекистон ўзининг истиклол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворларини, принципларини ва йўналтирилган аниқлаб олди”⁹¹.

Ушбу тамойиллар йиллар мобайнида босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб келинди. Ўтган давр мобайнида ҳамжамиятида содир бўлган иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар эндиликка мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида, иқтисодий ва ижтимоий масалаларда янги ислохотлар кераклигини кўрсатди. Бунинг тўғри англаб етган

⁹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истисол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 352-бет

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбек модели”нинг мантаний давоми сифатида “Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни ишлаб чиқди. “Ҳаракатлар стратегияси” Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбек модели”ни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишга, унинг ижросини таъминлашга, юзга келган муаммоларни бартараф этишга ва ривожланишнинг янги истиқболларини очинишга қаратилганлигини билан аҳамиятлилар.

Таълим ва спорт тарғиботчиси

Юртнинг довути, қуч-қудрати ва муваффақияти шу мамлакат аҳолисининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Мамлакат ривожига таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти бекиёсди. Қайсики мамлакатда бу тизим мукаммал йўлга қўйилган бўлса, илм-фан ривожига шарт-шароитлар яратилган бўлса, ушш мамлакатда ҳар тарафлама ривожланиш кузатилади. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожланиши шу соҳадаги кадрлар салоҳиятига ва уларнинг илм-фан қутқуқларидан самарали фойдаланишларига боғлиқ.

Ислоҳ Каримовнинг фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, кадрлар тайёрлаш масаласига аввалбошдан қўн тартибнига қўйилганлигини кўрамиз. Хусусан, собиқ иттифок давридаёқ маҳаллий кишилар орасида айрим мутахассисларнинг етишмаслиги таълим соҳасида тўхталиб, 1989 йилда жумладан шундай деган эди: “Нима учун маҳаллий миқлатга мансуб кишилар ўртачада муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман. Бу муаммо устида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак. Мен бошқа мисоллар келтириб ўтирмайман, лекин шунинг ўзи ҳам барчамизни ҳушёр қилтириши зарур. Биз ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илгор

меҳнат ва тафаккур усулларини сингдириш учун нима қилмоқдамиз? Тан олиш керакки, деярли ҳеч нш қилгётганимиз йўқ”². Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок Биринчи Президентимиз шу каби муаммоларни ҳал қилиш борасида собитқадамлик билан жиддий ислохотлар олиб борди. Таълим соҳасидаги энг жиддий ислохотлардан бири “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши бўлди. Бунинг ортидан босқичма-босқич жиддий ислохотлар амалга оширилди: ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими янгидан яратилди, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси ва у ердаги таълим сифати яхшиланди, олий таълим тизими тубдан ислох қилинди. Бу билан Ўзбекистонда муғлақо янги узлуксиз таълимнинг миллий модели ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Таълим тизимидаги ислохотлар вақт ва маблағ талаб қилиши, йиллар давомида, аммо ишончли самара бериши билан характерланади. Мазкур йиллар мобайнида давлат бюджет харажатларининг ўртача 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган бўлса, унинг ўртача 55 фоизи таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга сарфланган. Бундай кўрсаткич дунё таърибасида кам кузатиладиган ҳолиса ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Биринчи Президентимиз раҳнамолигида нафақат таълимнинг инфра-тузилмаси ва моддий-техник таъминоти, балки унинг мазмуни ва сифати ҳам жиддий эътибор қаратилди. Давлат таълим стандарти ва дастурларининг қайтадан ишлаб чиқилиши, янги авлод дарслиқларининг яратилиши, тизимга илгор таълим технология-

² Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 24 июндаги йиғилишидаги қутқуқини.

ларининг таъбиқ этилиши, педагог кадрлар сифатининг оширилиши каби масалалар таълим мазмунини янги босқичга олиб чиқди.

Баркамол инсонни тарбиялашда илм-фан қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, спорт ҳам ундан кам бўлмаган аҳамият касб этади. Ислоҳ Каримов фаолиятида маънан етук ва жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу маънода, ўтган йиллар мобайнида таълим инфратузилмаси билан бир каторда спорт инфратузилмаси масаласига ҳам сиёсий масъала сифатида қаралди. 2002 йилда ташкил қилинган Ёшларлар спортини ривожлантириш жамғармасига Ислоҳ Каримовнинг шахсан ўзи раислик қилиши бу масъала нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Жамғарма томонидан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий таълабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари бунёд этилди. Натижада, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз спортчилари томонидан жами 5000га яқин медаллар кўлга киритилди. Хусусан, Бразилияда бўлиб ўтган XXXI Ёзи Олимпиадада 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медаллари билан Ўзбекистон дунёнинг 207 мамлакатлари ичида 21-ўринни, мусулмон мамлакатлари орасида 1-ўринни, Осиёда 4-ўринни, МДХ бўйича 2-ўринни, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида 1-ўринни эгаллади. Умуман, мамлакатимиз спортчиларининг шу кунга қадар 198та олимпиада медалларини кўлга киритишганлиги замирида Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасидан саъй-ҳаракатни ёттибди, десак адашмаган бўламиз. Айнан спорт соҳасидан ютуқларимиз Ўзбекистонни жаҳон мамлакатлари орасида ном қозонишга сабаб бўлмоқда. Зеро, Ислоҳ Каримов айтганларидек, *“Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчиллик дўнғига тез ташини олмайди”*.

Мамлакатимизнинг Биринчи Олий Бош Кўмондони

Мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаётини таъминлаш, урушлар ва қуролиш можароларининг олдини олиш мақсадида ҳар бир давлат ўзининг мудофиа тизимини яратди. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақилликнинг дастлабки қунларида – 1991 йил 6 сентябрда ўзининг Мудофиа ишлари вазирлигини ташкил қилди. 1992 йил 14 январда собиқ иттифокнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлари ва бўлинмаларини республика тасарруфига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қабул қилди ва ушбу тарихий қарор қабул қилинган сана мамлакатимизда миллий байрам – “Ватан ҳимоячилари куни” сифатида нишонланади. Шу тариха босқичма-босқич “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Четара қўшинлари бўлиномлари ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десант қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида”ги Фармонлари билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди. Бу йиллар республикамизнинг Қуролиш Қучларини барпо этишнинг таъкилий даври бўлиб, унда тизимни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва дастлабки таркибий тузилиши белгилаб олинди.

Кейинги босқичда Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Қуролиш Қучларининг Олий Бош Кўмондони сифатида тизимда сифат масаласига эътибор қаратди. Биринчидан, миллий армиямизнинг таркибий тузилмаси ихчамлаштирилди, миллий шароитларимизга

мос, ихчам ва тактик жиҳатдан пухта тайёртарликка эга ва тезкор бўлишлар ташкил қилинди. Иккинчидан, ҳарбий хизматчи ва аскарларнинг таркибини сифат жиҳатдан яхшилашга ҳаракат қилинди. Эндликка, ҳарбий хизматчиларнинг нафақат жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларига, балки уларнинг интеллекти ва маънавий жиҳатлари ҳам баркамол бўлишга эътибор қаратилмоқда. Учинчидан, ҳарбий қисмлар ва бўлишлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ва у ердаги ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар яхшиланди. Тўртинчидан, мамлакатимизнинг геостратегик ва геосиёсий ўринини инобатга олган ҳолда халқаро терроризм, экстремизм, нарковарсияга қарши курашувчи махсус операцияларга иктиросолаштирилган қисмлар тузилди. Буларнинг ҳаммаси қуролли қучлар тизимининг замонавий талабларга мослаштириш, тизимда таркиб ва сифат ўзгаришларини амалга оширишга қаратилган савй-ҳаракатлар бўлиб, унинг натижасида миллий армиямизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи мустаҳкамланди. Хусусан, 2015 йилнинг сентябрида Global Firepower экспертларининг берган маълумотига кўра Ўзбекистон армияси дунё армиялари орасида 54-ўринни эгаллаб, ўрта Осиёда энг қудратли армия номини олди.

Бу йиллар давомида муддатли ҳарбий хизмат ўташ шартлари ҳам жиддий равишда ўзгартрилди. 2003 йилда унинг муддати 18 ойдан 12 ойгача қисқартрилган бўлса, 2008 йилдан эса ҳарбий хизматга чақириш йилига бир маротаба амалга оширилган бўлиди. Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўташ йилитларимиз учун шароити бунча саналади. Ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний ва руҳий тайёртарлиги жиддий синовдан ўтказилган ҳолда, энг муносиб номзодлар миллий армиямиз сафига қабул қилинмоқда.

Миллий армиямиз – миллий таянчимиздир. Унинг, аввало, ташкил топиши, кейинчалик таркиб ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариллиши Биринчи Президентимиз Исроом Каримов номи билан боғлиқдир.

Сўнггўз ўрнида...

Бир пайтлар келиш ва кетишдан иборат умрни сезимли адибимиз икки эшик орасига қислаган эди. Кириш ва чиқиш эшиклари орасидаги қисқа вақт эса ҲАЁТдир. Мана шу қисқа умри давомида баъзи инсонлар жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариб, ҳаёт саҳифаларини халқи, юрти ва Ватанига манфаат келтирувчи эзгу амаллар билан безайдилар. Исроом Каримовни биз ҳақли равишда ана шундай сермазмун ҳаёт кечирган инсонлар каторида қўраимиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўтган йиллар давомида Исроом Каримов раҳнамолигида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда жуда юксак марраларни забт этди. Умрининг охириги сонинсигача халқи, юрти ва Ватанининг равнақи учун фидокорона фаолият олиб борган Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ўрнак ва намунадир. Ватанга фидойилик, юртига содоқат, халқига ҳамнафас бўлиб яшаш Исроом Каримов феномени тимсолида биз учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

2016 йилда И.Каримовнинг вафот этиши бугун Ўзбекистон халқини қайғуга солди. Халқимиз чин маънода ўз йўлбошчисида, раҳнамосидан жудо бўлди. Аммо бу даражадаги сермазмун ҳаётнинг шунчаки йўқлик сари кетмаслиги яна бир қарра исботини топди. **Халқимиз бирдамлик билан Исроом Каримовнинг ҳақиқий издоши Шавкат Мирзиёевга овоз берди.** Натижада, мамлакатимиз Исроом Каримов бошлаган йўлдан огишмай, қисқа даврда янада янги марралар сари шиддат билан олдимламоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН: ТАҲДИДЛАР ВА ХАВФСИЗЛИК

(*илмий рисола*)

1. Ахборот хуружи ва ёшлар маънавияти

XX асрнинг охири ва асримиз бошига келиб ҳаётимизда “ахборот асри”, “ахборотлашган жамият”, “ахборот хуружи” каби тушунчалар пайдо бўлди. Бу эса бутунги кунда “ахборот” тушунчасининг аҳамияти ошганлигидан, камрови кенгайганлигидан, максад-муддоси ўзгараётганлигидан дарак беради. Ахборот энди бирор жараён, воқеалик ёки ҳодиса ҳақида хабар бериш маъносидан четга чиқиб, инсонлар орти ва руҳига таъсир этишининг, жамиятда мавжуд қонун-қоидаларни ва бутун дунё эътироф этган умуминсоний қадриятлар ва тушунчаларни маълум максад атрофида бирилашган айрим тўрух ва жамоваларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ўзига хос янги талқинларини юзата чиқаришининг, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, диний ва бошқа бир қанча қарашларнинг тарғиботчилигига айланиб бормоқдаки, бунинг натижасида, инсоният таракқиётининг айнаи палпасида ахборотнинг омма ортига таъсири ва унинг салбий оқибатлари жамиятнинг жиддий муаммоларидан бирига айланиб улғурди. Энди ахборот аталмиши кулол воситасида инсон ортига ҳужум қилиш натижасида унинг тафаккури ва интеллектини эгаллаш, ўз аудиториясини кенгайтириш билан қудратини ошириш орқали уларни қайсибир қои атрофида бирилашган қучларнинг максадларига хизмат қилдириши билан боғлиқ “уруш”нинг замонавий кўринишлари пайдо бўлди. Таракқиётнинг ҳозирги босқичига келиб, дунё ахборот бозориди муносиб ўрин эгаллашга эришиш учун моддий кўриниш ва шакли эга бўлмаган, фақат ақл билан кўриш ва тафаккур билан аниқлаш мумкин бўлган жиддий кураш авж олмоқда. Соҳа мутахассис

ларнинг фикрича, “ахборот қурулғлари” тушунчаси остида бирор халқ, миллат менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг инфомацион ва ҳарбий тизимига салбий таъсир ўтказадиган махсус дезинфомацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади.

Ёш психологиси нуктаи назаридан олиб қаралганда, ахборот олишга бўлган эҳтиёж ёшларда катталарга нисбатан бир неча марта ортиқ. Чунки ёшларнинг билишга нисбатан қизиқувчанлиги, ахборотга бўлган эҳтиёжининг ҳали қондирилмаганлиги уларнинг ахборот олиш борақидати фаоллигига сабаб бўлади. Ахборотга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ижобий ҳолат, аммо ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, бир қарашда беозоргина бўлиб кўринган, лекин максад-муддоси ғаразли бўлган ахборотларга ёшларнинг алданиб қолаётганлиги ташвишланарли ҳолатдир. Давлатларнинг сиёсий қарашларини ноўғри талқин қилувчи, турли экстремистик ва террористик ғояларни, инсониятга қарши қулол кўтаришга ундовчи, ўз-ўзини ўлдирлишга қайиқувчи, наркотик моддалар ва одам савдоси билан боғлиқ максадларни кўзловчи, “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи барча ахборотлар ўзига хос таъсир этиш имкониятларига эгаки, бу “алдамчи қилувчанлишлар”га, кўп ҳолларда, ақлий ва маънавий жихатдан ҳали тўла шаклланиб улғурмаган ёшлар “мафгун” бўлиб қолмоқда. Ҳатто бундай ғаразли максадлар ўз табиати билан эзгуликка хизмат қилиши керак бўлган санъат асарлари (кино, анимацион фильмлар, мусика, кўшк, рақс ва ҳ.к.) замирига ҳам сингдириб юборилмоқдаки, бу каби “қоса тағидидаги нимқоса”ларни англаш учун инсонлардан теран ақл-заковат ва бир қараганда кўриш мумкин бўлмаган, аммо реал мавжуд “ахборот қурулғлари”га қарши иммунитет шаклланган бўлиши лозим.

Хўш, биз яшаб турган оламда ўзига хос “алдамчи жилавлари” билан ўзига ром этувчи; матн, товуш ёки тасвир ортида бир қарашда англаш мумкин бўлмаган, аммо айрим тўрух ва жамоаларнинг фарзли максалларини тартиб этувчи пинҳона “ахборот хуружлари” мавжуд экан, жамиятимизни бу каби салбий таъсирлардан ихоталаш учун, хусусан, бу иллатнинг ёшлар онги ва дунёқарашига таъсирини камайтириш учун қандай чора-тадбирлар қўрилимоқда ва бу ишларнинг самарадорлигини ошириш учун яна нимадир қилишимиз лозим бўлади?

Ававало, бу борада шу пайтга қадар қўрилатган чораларни умумлаштирадиган бўлсак, бир қанча ишлар амалга оширилган-лигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, давлатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик базаси шакллантирилмоқда, бу борада оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда, ҳалқимизнинг, хусусан, ёшларнинг фикри ва қарашларини ўзгариштиришга, фарзли максалларни тарғиб қилишга қаратилган интернет сайтларига чекловлар ўрнатилган. Аммо, бизнингча, бутун дунёда фикр, онг ва интеллектни етлашга қаратилган ўзига хос тарздаги “уруш” – “ахборот хуружи” ва унинг салбий оқибатларига қарши курашиш учун амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар етарли эмас. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш ва тақомиллаштириш учун, бизнинг фикримизча, яна қуйидаги ишларни бажариш лозим:

1) ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик базасини тақомиллаштириш, хусусан, алоҳида қонун ҳужжати қабул қилиш масаласини қўриб чиқиш;

2) миллий ахборот мақонимизни аҳолининг қизқичқинлиги инобатга олган ҳолда жараёнларни объектив ва позитив ёритувчи

маҳаллий ҳамда хорижий ахборотлар билан мунтазам тўлдириб бориш;

3) ҳалқимизнинг, хусусан, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини ўстириш, ундаги ҳар қандай ахборотни тафаккур ва таҳлил қилиб, сўнг ҳулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур;

4) мамлакатимиз тўғрисида нотўғри, бир тарафлама ахборот тарқатувчи ҳар қандай хорижий ахборот воситалари фаолиятини қонун доирасида чек қўйиш, бу каби ахборотлари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш ва тарқатилган ахборотларнинг бир тарафлама ёки нотўғри эканлигини мутахассислар иштирокида ҳалқимизга ўз вақтида етказиш;

5) ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, шунингдек, олий таълим муассасаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, ахборот хуружлари, унинг шакли ва қўрилишлари, максалли ва салбий оқибатлари борасида махсус курслар ўтилишини таъминлаш;

6) “миллий ғоя”, “мафкура”, “маънавий”, “ватанпарварлик” тушунчалари тарғиботи борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш.

Хулоса сифатида шунни айтишимиз мумкинки, “ахборот” тушунчаси бутунги кунда ҳар доимгидан ҳам кенгрок маъно-мазмун касб этмоқда. Бутун биз яшаб турган замон ва маконда бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда тоҳида ошқора, аксарият ҳолларда пинҳона тарзда ҳаракат қилувчи “ахборот хуружи” аталмиш қурол юзата келдики, бу қурол воситасида энди инсон онтига етглик қилиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу салбий иллатдан ҳалқимизни, хусусан, ёш авлодни ҳимоя қилиш, уларда “ахборот хуружи”га қарши иммунитетни шакллантириш ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

2. Диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмнинг Ўзбекистон хавфсизлигига таҳиди

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, четара, ҳулуф ва минтақа каби тушунчаларни тан олмайдиган ва бугун инсониятга катта хавф солувчи таҳдидлар тобора кўпайиб бормоқда. Тап хавф ва таҳдидлар ҳақида борар экан, энг аввало, диний экстремизм, фундаментализм ва терроризм каби ўта жирканч ва ҳеч қандай сабаблар билан оқлаш мумкин бўлмаган фаолит турларига ҳамда унинг кўпурувчилик, бузғунчилик ва қишлар маънавияти ва руҳиятига етказувчи салбий жиҳатларига тўхталиш лозим бўлади. Аввало, ушбу тушунчалар ўзида қандай маъно ва мазмунни ифодалашга ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Экстремизм (лотинча – “ақл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиб”) жамиятда қабул қилинган қонун-қондаларга зид радикал қараш ва ҳаракатлардир. Аслида, ушбу тушунча моҳият-этибори билан дин билан боғланмаган бўлса-да, унга диний тус бериш натижасида “диний экстремизм”, деб ном олган ва ҳозирда инсониятни таҳлика ва кўрқувга солиб келаётган ўта салбий ҳатти-ҳаракатлар ва фаолит тури пайдо бўлиб улгурди. Диний экстремизм қишлар онтида азалдан мавжуд бўлган анъанавий диний қадриятлар ва ақидаларни кескин ва асосиз рад этиш, уларга зид ғояларни эса алдов ва зўрлик билан тартиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади. Экстремистик қарашларни барча динлар: буддизм, христианлик, ислом ва дин даражасига кўтарилмаган турли оқимлар билан ҳам боғлаш ҳолатларини учратиш мумкин. Экстремизмнинг дин билан боғланиши тасодифий бўлмай, бу онгли ва ғаразли мақсадда амалга оширилган. Сабаби, инсоннинг эътиқоди катта қучта эканлиги, унинг эътиқодига таъсир кўрсатиш, ўзгартириш ва уни маълум мақсадларга йўналтириш

жуда катта қучта эга бўлиш эканлигини диний экстремизм “ижодкор”лари англаб етганлар ва бу фаолит шу мақсадда пайдо бўлган.

“Фундаментализм” (лотинча – “асос”) тушунчаси эса муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўриниши деган маънони англатади. Диний фундаментализм эса “маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин”, деган фикрни илгари сурш таълимотиани англатади. Диний фундаментализм диний ақидаларнинг ўзгармаслигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таъинган мантқий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва отишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланилади. “Фундаментализм” атамаси илк бор биринчи жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианлигининг анъанавий ақидаларига, айниқса, Библиянинг мутлақо муқаммаллигига ишонишни мустақкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий рив қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кент тарқалиб, 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошлади. Бунда “фундаментализм” атамаси Қуръони қарим ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатили бошланди.

“Террор” (лотинча – “кўрқитиш”, “вахимага солиш”) – аҳолининг кенг қатламларида дахшат ва кўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини етгаллаш ва бошқа ғаразли максалларга қаратилган жиноий феолиятдир. Террор – оммавий ва сиёсий максалларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишидир. Шундай қилиб, “террор” душманни жисмоний зўравонлик йўли билан кўрқитиш, ҳатто, уни жисмонан йўқ қилишни англатади. “Терроризм” эса террор амалиётидир. Бу икки тушунчани шу таразда четаралаш макбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиққан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бизгача асрлар кўнидан етиб келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ва геониктисодий аҳамиятига кўра, дунёнинг муҳим ҳудуди сифатида эътироф этилади. Чунки у табиий ресурсларга бой улкан геосиёсий майдонни етгаллаган, умумий инфратузилмага эга ҳудуд бўлиб, шимол ва жануб, шарқ ва ғарбнинг ўта муҳим транспорт-коммуникация йўлларини боғлайди. Шу маънода, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди азалдан ташқи душманларнинг диққат марказида бўлиб келган. Улкан табиий имконият ва ресурсларга, шарқ ва ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг марказларидан бўлган бу ҳудудни етгаллаш ва унга еталик қилиш уларнинг азалий орузи бўлиб келган. Бошқа мамлакатларнинг диққат-эътиборида бўлган бу ҳудудга қизиқиш бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Албатта, минтақанинг геосиёсий ва геониктисодий омиллари йирик давлатларнинг эътиборини ўзига жалб этмасдан қолмаслиги табиий. Лекин уларнинг манфаатлари доим ҳам минтақа давлатларининг манфаатига мос келавермайди. Шунинг учун

минтақа давлатлари ўз миллий ва минтақавий манфаатларининг устуворлигини сақлаган ҳолда ташқи сиёсат, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммолари ҳақида умумий минтақавий ёндашувни талаб этади. Қолаверса, айрим кўшни давлатларидаги сиёсий ва иқтимоий вазиятнинг нобарқарорлиги, терроризм, наркотрафик, диний экстремизм ва фундаментализм каби инсониятга қарши қаратилган жиноятларнинг ўчоғи сифатида қаралаётганлиги бу ҳудуднинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Ҳалқимизда “Кўшнинг тинч – сен тинч” деган ибора мавжуд. Дарҳақиқат, кўшни давлатлардаги сиёсий вазиятни барқарорлаштирмасдан туриб Марказий Осиё мамлакатлари тўлақонли тинчлик ва хотиржамликка, барқарорликка эриша олмайдди. Аммо бу муаммоларни Марказий Осиё мамлакатлари ўзларича ҳалқ қилиш имкониятига ҳам эга эмас. Шундай экан, ҳудудда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун жаҳон ҳамжамияти бирлашиши, Осиё ва Африкадаги Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия, Миср, Ғаластин, Ливан, Жазоир каби мамлакатлардаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда ҳамжихатлик билан иш кўришлари лозим бўлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом дини никоби остида феолият юритади. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига “ал-Қоида”, “Муслумон биродарлар”, “Ҳизбул-таҳрир”, “ал-Ҳиход ал-Исломиий”, “ат-Такфир ва-л-Ҳижра” (Миср), “Ҳизбуллоҳ” (Ливан), “ҲАМАС” (Ғаластин), “Абу Сайёф” (Филиппин), “Озод Ачех”, “Лашкари жиход” (Индонезия), “Қуролли исломий ҳаракат” (Жазоир) қабилаҳи қиритиш мумкин. Инсониятга қарши қаратилган

ташкilotларнинг Осиё ва Африканинг Осиё минтақасига яқини ХУДУДларида кўним толганлиги Ўзбекистон учун ҳам катта таҳдидлардан ҳисобланади. Ушбу мамлакатлардаги вазиятнинг ижобий томонга ўзгарилиши ҳарбий йўл билан амалга ошириб бўлмаганини жаҳон тажрибаси кўрсатди, буни соғлом фикрладиган катор сиёсатчилар эътироф этишмоқда. Афғонистондаги вазиятни ўзгартириш учун салкам кирк йилдан буюн ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда. Аммо вазият салбий томонга қараб ўзгара ўзгаришдики, аммо ижобий томонга ўзгармади. Шундай экан, бу мамлакатларда амалга оширилаётган ҳар қандай кўринишдаги ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш пайти келди. Халқаро терроризмнинг трансмиллий аҳамиятга эга эканлиги, турли мамлакатлар ХУДУДИдаги террорчи гуруҳлар орасида мустақкам аҳборот ва ёлланма жангариларни алмашиш тажрибасининг мавжудлиги, компьютер технологияларидан тарғибот-ташвиқот ва ёллаш ишларида кенг фойдаланишнинг йўлга қўйилгани, йирик молиявий манбаларга эгаллиги юқоридаги террорчилик ва диний экстремистик ташкilotларнинг таҳдиди нафақат минтақавий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади, балки бу таҳдид бутун сайёрамизни ташвишта солимоғи лозим. Бу ҳам терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм каби радикал ҳаракатларга эга ташкilotларга қарши курашишда жаҳон ҳамжамиятининг бирлаштиришга чақиради.

Бутунги воқелик Ер юзидаги ҳеч қайси давлат умумий хатарларга қарши яқка ўзи самарали кураш олиб бораолмаслигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат давлатлардан халқаро хавфсизлик механизмларини такомиллаштиришни, халқаро ҳамжамият фаоллигини мувофиқлаштиришни, умумий хатарга қарши ҳамкорликда курашишни такозо этади. Марказий Осиё давлатлари,

хусусан, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги вақтда халқаро, минтақавий, миллий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масаллари ўзаро ҳамбарчас боғлиқки, мавжуд таҳдидлар кўламинини ҳисобга оладиган бўлсак, алоҳида бир давлатнинг ўз миллий хавфсизлигини минтақавий ва халқаро хавфсизликдан узишдан ҳолда таъминлаши ўта мушкул вазифа ҳисобланади. Шу бонс, халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқинида кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Экстремизм мазмунига кўра – диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра – ХУДУДИЙ, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинад. Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон четара билмаган, дин, миллат, ХУДУДИ тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Шунингдек, бу радикал ғоя ислом оламида ҳам кенг тарқалган. Диний экстремистлар қаерда фаоллият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо этиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўравонлик билан эришишни кўзлайдилар. Бу эса мустақилликка ҳам, жамият таракқиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятнинг кўлга қиритиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усуллардан фойдаландилар. Экстремизм хавфи ҳақида тўхталиб, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаган: “Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудлиқни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади”.

Ислом фундаментализми ҳозирги Исромади у ҳокимдан (традиционализм ва модернизм билан бирга) бири. Бу оқим ўзини диний уйғониш тарафдорлари деб атайди. Диний фундаментализм, яъни ақидапарастлик кўр-кўрона ишоништа, эътиқодга асосланган далилсиз, исботсиз қоидага, ишона билан айтилган фикрга ёки қаттиқ ишониш билан мулоҳазага асосланади. Шу сабабли ақидапараст одамларга ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи, ақидаларга ёпишиб олган, доғматизм тарафдори сифатида қаралади.

Демак, диний ақидапарастлик – ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қилган, ваҳий ва мўъжизаларнинг мукаддас китоблардаги баённинг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинига асосланган эътиқодни ақига таъинган мантикий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларнинг қатъий ва отишмай бажарилишини талаб қилган диний оқимларни ифодалагани қўлланиладиган тушунчадир.

Юқорида билдирилган фикрлардан ҳулоса қилиш мумкинки, “фундаментализм”, “экстремизм”, “фанатизм”, “терроризм” тарғиб тарихий келиб чиқиши ва бошқа жумҳурий жихатлари билан бир-биридан фарқ қилса-да, бир-бирини тўлдириб келган. Диний фундаментализм ва экстремизм мавжуд экан, терроризм ҳавфи ва таҳдиди ҳамма вақт сақланиб қолади. Зеро, терроризм ўзининг ғовий ва мафкуравий озиғини улардан олади, уларга таянади.

Таъкидлаб ўтилган барча ҳолатлар терроризмга қарши умумдават тизимида кураш олиб бориш йўлларини ишлаб чиқишда муҳим йўланма бўлиши табиий. Бугунги кунда экстремизм билан терроризмнинг қаттиқ кетганлиги ҳам жиддий ҳавотир уйғотади. Қўпинча террорчилик ташкилотлари мафкуравий

МОҲИЯТНИ АНГЛАШ САОДАТИ | 2020

пойдеворга эга экстремистик гуруҳлар билан онгли равишда бирлашади. Бундай бирлашишдан мақсад жиноий тузилмаларнинг ҳуңрезлиқларига, қўпурчиликларга “тоя учун кураш”, “жиход” тусини беришдир.

Диний фундаментализм ва экстремизм асосида вужудга келиб, террорчилик усулларини қўллаётган ислом никобилиги турли ташкилотлар ва ҳаракатларга қарши самарали мафкуравий кураш олиб бориш ҳамда уларнинг кураш усулларининг ғайринисоний моҳиятини фотиҳ этишда, уларнинг тарихий ва ғовий илдишларини аниқлаш ва илмий-фалсафий таҳлил қилиш муҳим назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Афғонистон диний экстремизм ва фундаментализмининг, бир оз муддат ўтган террористик ташкилотларнинг энг йирик ўчоғига айланди. Мавжуд сиёсий бекарорлик туфайли турли мамлакатлардан экстремистлар Афғонистонга оқиб келди. “Совуқ уруш” интиҳоисида етакчи геосиёсий қуч марказлари учун “қизити” қолмаган курулди тузилмаларнинг “ҳомий давлатлар”лар назоратидан чиқиши жангарчилик тизими вужудга келишига сабаб бўлди. 1998 йили Афғонистонда “ал-Қоида” гуруҳ етакчилигида “ал-Жамоа вал-Исломиийа”, “ал-Жиход” (Миср), “Жамаати уламе Покистон”, “Қашмир қўзғолончилиқ ҳаракати” (Ҳиндистон), “Жиход” (Бангладеш) ташкилотлари ва “Толибон ҳаракати” вакиллари “Яҳудий ва салбийларга қарши ҳалқаро ислом fronti” уюшмаси тузилди. Уюшма номидан Усома бин Ладин Ғарб дунёсига жиход эълон қилди. Диний экстремизм ва у билан боғлиқ терроризмнинг Марказий Осиёга кириб келишида айнан Афғонистон ўзига хос дарвоза вазифасини ўтади. Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда фаолияти қузатилган диний экстремистик гуруҳлар

категориа “Ўзбекистон/Ўзбекистон ислом ҳаракати” (ЎИХ), “Ҳизбут таҳрир”, “Ақромийлар”, “Нуричилар” ва “Таблиғчилар” кирди. Кейинги йилларда илгари ЎИХ таркибида бўлган, ҳозирда мустақил фаолият юритаётган “жиҳодий жамоатлар” мавжудлигини ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Мазкур жамоатлардан бири 2004 йили Тошкент ва Бухорода террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Ҳозирда кўпроқ “Ҳизбут таҳрир”, “Ақромийлар” ва ЎИХ гуруҳларининг фаолияти кузатишмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида суверенитети, худудий яхлитлиги ва конституциявий тузумини ҳимоя қилиш мақсадида катор халқаро ва минтакавий ташкилотларга аъзо бўлган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Коллектив Ҳавфсизлик Шартномаси Ташкилоти, НАТОнинг Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури ишида фаол иштирок этиб, минтакавий хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон учун БМТ билан ҳамкорлик қилиш барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга, талқикотчиларнинг БМТ фаолиятини ташкил этишни қайта кўриб чиқиш, уни ҳозирги воқеаларга мувофиқлаштириш зарур, деган фикрларига қўйилиши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш имконига эга бўлган кўп томонлама ҳамкорлик механизми сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига катта умид билдиришмоқда. ШХТнинг очик ташкилот бўлиб

қилиши, минтакавий хавфсизликни таъминлашда иштирок этиши Марказий Осиё давлатлари манфаатларига тўлиқ мос келади.

Шу ўринда ШХТ дорасида “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (2001), “ШХТга аъзо давлатлар худудидида терроризмга қарши тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги битим (2006) қабул қилинганлини ҳамда Тошкентда ташкилотнинг Минтакавий аксилтеррор тузилмаси (2004) таъсис этилганлини таъкидлаш жоиз.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ЕХХТ ҳам муҳим ўрин тутди. Минтақа давлатлари факат эндиликларнинг эҳтимолий ўчоқлари мониторинг дорасидагина эмас, балки маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва таълим соҳаларида ҳам ЕХХТ томонидан кўрсатиладиган ёрдамга умид қилишга ҳақиндирлар.

Марказий Осиё минтакавий хавфсизлик тизимида КХШТ ҳам ўз ўрнини эгаллашга интишмоқда. Минтақада, бир томондан, хорижий давлатлар Ҳарбий базаларининг (Қирғизистонда Россия ва АКШ, Тожикистонда Россия), иккинчи томондан, КХШТ тезкор ҳаракатланиш коллектив кучлари ва НАТО кўпинларидан иборат халқаро коалициянинг мавжудлиги (Афғонистонда) моҳияти жиҳатидан мисли кўрилмаган тарихий ҳолатни вужудга келтирди.

Терроризмга қарши глобал кураш НАТОнинг халқаро ва минтакавий хавфсизликни таъминлашдаги ролини оширишга хизмат қилади. НАТОга Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар штаби бошқарувининг ўтиши бунинг исботидир. Бундан ташқари, НАТО минтақа давлатлари билан ҳарбий-техникавий соҳада, ҳарбий кадрлар тайёрлашда фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг муайян ташкилий-ҳуқуқий асослари

яратилган. Минтакада коллектив ва мудофаа тизими институтлари билан бирга кооператив хавфсизлик механизмлари ҳам фаоллият юрғутмоқда. Минтакавий хавфсизликнинг халқаро ҳуқуқий асоси айнан мазкур институтлар доирасида шаклланапти. Бирок минтакадаги муаммолар ечими Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришни ва тақомиллаштиришни тақозо этади.

Президентимиз Исроф Каримов диний экстремизм ва фундаментализм, уларга қарши курашиш ҳақида тўхталар экан, “Биринчи гапда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғоятда, мафкурата эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак. Боғаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузаядиган, эртанги кунинга мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз кураш билим эмас, ғоя билан курашимиз зарур”, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм каби инсониятга қарши қаратилган халқаро миқёсдаги жиноятлар ғарзли ғояларга асосланади. Ғояга қарши эса ғоя билан курашиш лозимлиги Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган бўлиб, агар шу усулда курашилмайдиган бўлса, бу ўзининг самарасини беради, албатта. Замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг қўлайлиб бораётгани, аиникса, бу борада дин ва террор омилларини фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Шу нуқтани назардан қаратганда, бутунги кунда инсонларни бундай зарарли, таъбир жониз бўлса, манфур офатлардан асраб-авайлаш барчанни янада хушёрликка, эҳтиёткорликка, ҳар жиҳатдан ақил-идрок билан иш тутишга ундайди.

3. Глобаллашув шароитида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари

Тараққиётнинг бутунги босқичига келиб жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши, унинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларининг ҳам юзата чиқиши инсоният олдида янгидан-янги муаммоларни кўндалант кўймоқда. Эндликда ўзаро таъсирлардан тўла химояланган бирор бир минтақа ёки давлатни топиш мумкин бўлмай қолди. Бу глобализация ва интеграция жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Глобаллашув жараёни мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий, диний соҳалардаги салохиятига боғлиқ равишда турлича кечяди. Бу жараёнинг тараққий этган мамлакатларда нисбатан фаолроқ ҳодиса сифатида кузатилиши унинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда шиддатли тарзда кечаятган глобаллашув жараёнининг жаҳон мамлакатларига салбий таъсирини қайтариш ва ижобий таъсирини ошириш учун мазкур ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Глобаллашувнинг моҳиятини ва хусусиятларини чуқур ўрганиш унга мослашиб, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш, унинг қучидан “ўзига қарши” фойдаланиш имкониятини яратяди. Бундан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усул ва воситаларини, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бутунги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Глобаллашув жараёни жамият ривожланишининг табиий босқичи сифатида инсонларнинг яшаш тарзи ва мақсад-муддаоларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Энди ҳар бир жамият глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланган ҳолда, салбий оқибатларидан қафолатли химояланиш чораларини

қўмоқда. Глобаллашув жараёни жамиятнинг барча жабоҳаларига тааллуқли эканлиги қуйидаги фактларда кўзга ташланади: *иктисодиёт*: 2007 йилда Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлган инкироз оқибатда жаҳон молиявий инкирозига сабаб бўлиб, Ер қуррасидати деярли барча давлатлар бу инкирознинг салбий оқибатларига қарши иқтисодий чоралар ишлаб чиқишга мажбур бўлин; *сиёсат*: дунё мамлакатлари ўзининг хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида янгидан-янги минтакавий ва бутунжаҳон халқаро ташкилотларига асос солишмоқда; *маданият ва маърифат*: ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланган “оммавий маданият” тушунчаси остида пайдо бўлган ёт мафкура бутун дунё халқлари турмуш тарзига кириб борди; *хавфсизлик ва муҳофизат*: дунёнинг исталган нуктасида террористик актларнинг содир бўлиш эҳтимолининг мавжудлиги; *ахборот*: ахборот коммуникацион технологиялар тобора ривожланаётган бутунги кунда “ахборот” тушунчаси бирор жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақида хабар бериш маъносини кенгайтириб, инсонлар онги ва руҳига таъсир этишнинг воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Бутунги глобаллашув жараёнида “Ватан ва ватанпарварлик”, “миллат ва миллатпарварлик” тушунчалари ҳар доимгидан-да муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир жамият учун ўзликни сақлаш, ёт таъсирлардан ҳимояланиш, мафкуравий ва ғовийи хуружлар таъсиридан иҳоталаниш билан боғлиқ янги муаммолар пайдо бўлди. Бундай шароитда ёшларнинг мафкуравий иммуни-тетини ошириш, алдамчи “жилвалари” билан ўзига тортаётган ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолишдан асраш энг долзарб масалалардан биридир.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Республикаси табиий ресурсларга бойлиги, Шарқ билан ғарбни боғловчи қадимий савдо

йўли бўлган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашгани, минтақадаги ўзининг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрни ҳамда аҳамиятига кўра дунёнинг муҳим стратегик ҳудуди сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудни босиб олишга азалдан қизиқиш катта бўлган. Бошқа мамлакатларнинг диққат-эътиборида бўлган бу ҳудудга қизиқиш бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аммо эндиликда бу ҳудуднинг осойишта-лигига путур етказиш, нотинчликни юзага келтириш ва бу вазиятдан ўз мақсади йўлида фойдаланиш ташқи қучларнинг мақсад-муддаоларига айлانмоқда. Умуман, бутунги кунта келиб ўзга давлатларга таъовуз қилишнинг шакли-шамойили ўзгарди. Эндиликда ўзга давлатларнинг ҳудудига қирмасдан мафкуравий хуружлар воситасида сиёсий бекарорликни юзага келтириш ва оқибатда, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа кўринишдаги қарамликни юзага келтириш билан боғлиқ таъовузлар кўпаймоқда. Бундай шароитда ёшлар маънавиятнинг бузғунчи мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг энг муҳим шarti бу уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдир. Ўзбекистон шароити-да бу қуйидаги вазифаларнинг амалий ижросида кўзга ташланади:

– “ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлини чуқур сингдириш;

– қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимиз-нинг мустақиллиги ва раванакли йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни қучайтириш;

– миллий армиямизга жисмонан бакувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун

муқаддас бурч экани ҳақиқати тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

– ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли йечки ва ташки таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш;

– ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

– Ўзбекистон манфатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жаҳҳаларида химоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш – бу бутунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига синдириб бориш”⁹³.

Глобаллашётган бутунги даврда Концепцияда келтирилган ушбу вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим ва долзарб масала, шу билан бирга бу вазифаларга кўр-кўрона ёндашиш ҳам масаланинг ижобий ечимини таъминламайди. Чунки ташки таъсирларнинг мазмун-моҳияти ва шакл-шамойили кун сайин ўзгараётган ҳозирги замонда улардан Ҳимояланишнинг, хусусан, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг вазифалари ҳам замонга мос равишда ўзгариши табиий.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”⁹⁴да мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, унинг бутунги даврга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти, Ўзбекистон Қурулли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Қурулли Кучларимиз ташкил топланининг 26 йиллиги муносабати билан Ватан Ҳимоячиларига

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сонли қарори.

йўллаган байрам табригида шундай дейди: “Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қурулли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилдик.

...Аввало, ташки сиёсатимизнинг мослашувчанлиги ва очиклиги, кўшилларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифа экани ҳақиқати принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди”⁹⁴.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда бағрикенгликка, ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларга асосланган, ҳар томонлама манфатли ташки сиёсат олиб боришмоқда. Айниқса, узоқ ва яқин давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг янги даври бошланди. “Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш” деб номланади ва унда ташки сиёсатимизнинг устувор жиҳатлари белгиланган. Бутунги ташки сиёсатимизда ўзаро манфатларни мослаштириш масаласи етакчилик қилади. Бу, аввало, иқтисодиёт ва тинчлик йўлида бирлашиш масаласида кўзга ташланади. Шунинг учун

⁹⁴ Ватан Ҳимоячилари кунини муносабати билан Президент таъбири, 2018 йил, 14 январь.

Марказий Осиё давлатлари ташки ва мулоффа сиёсатида ўз миллий манфаатларининг устуворлигини сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммолари борасида яқдл минтакавий ёндашишлари талаб этилади. Қолаверса, айрим кўшни давлатлардаги сиёсий ва ижтимоий вазиятнинг нобарқарорлиги, терроризм, наркотрафик, диний экстремизм ва фундаментализм каби инсониятга қарши қаратилган жиноятларнинг ўчоғи сифатида қаралаётганлиги фикримизнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Дарҳақиқат, кўшни давлатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарорлаштириласдан туриб, Марказий Осиё мамлакатлари тўлақонли тинчлик ва хотиржамликка, барқарорликка эриша олмайдилар. Аммо бу муаммоларни Марказий Осиё мамлакатлари ўзларича баътом ҳал қилиш имкониятига ҳам эга эмас. Шундай экан, ҳудудда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун жаҳон ҳамжамияти бирилашиб, Осиё ва Африка қитъасидаги айрим мамлакатларда кузатилаётган беқарор сиёсий вазиятнинг барқарорлаштиришида ҳамжихатлик билан иш кўришлари лозим бўлади.

Глобаллашу жарёнида майда ва нисбатан колок этник бирликларнинг маданияти, тили, урф-одатлари ва қадриятлари йирик ва нисбатан ривожланган этник бирликларнинг маданияти, тили, урф-одатлари ва қадриятлари билан рақобатлаша олмайд, четта чиқиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Бундай шароитда миллатимизнинг дунё ҳамжамиятида рақобатбардош бўлиши учун "...мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 4 та сифатга эга бўлиши керак: 1) замонавий мутахассис бўлиши; 2) ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукамал билиши; 3) доим ўз билим доирасини янгиллаб бориши ва 4) тадбиркор-ташаббускор бўлиши керак"⁹⁵.

⁹⁵ Абдулҳамид М. ва бошқалар. Мустиқлилик: тохтин илмий-оммабон дугат. –Т.: Шарқ, 2006. –528 б.

Келтирилган ушбу фикрларни маъқуллаган ҳолда, глобаллашу жарёни тобора шиддатли тус олаётган бўлунги даврда миллатимизнинг ҳар бир соҳада ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиши, интеграциялашу жарёнининг салбий оқибатларига рақобатбардошлигини таъминлаш учун бу сифатларнинг ўзи қифой қилмаслигини таъкидлаш ўринли бўлади. Биз бу борада яна қуйидагиларни кўшимча сифатида тақлиф қиламиз: 1) асрий қадриятларимиздан озикланувчи миллий мафкураимизнинг моҳиятини чуқур англаш; 2) мафкуравий имунитетни мустаҳкамлаш; 3) ёт таъсирларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддоси борасида зарурий тушунчага эга бўлиш ва ўзгарувчан шаку шамойилини илғай олиш (хушёрлик); 4) сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онг ва маданиятни ошириш; 5) дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жарёндарга нисбатан мустиқил фикр ва муносабатни шакллантириш; 6) кўп асрлик миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириш борасида масъулиятни ҳис қилиш.

Умуман, глобаллашу шароитида "ёт таъсирлар" тушунчаси остида ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган хуружлар ортида чуқур ўйланган стратегия ва мақсадлар мавжуд. Мақсадлар ортида турган "ақлли инсонлар" ўз ғояларининг асрлар давомида яшаб келаётган ўзга миллатларнинг қадриятлари ва мафкураси билан тўқнаш келганда рақобатлаша олиши, инсонларнинг ўз ғоялари ортидан эргаштира олиши учун ҳар қандай усул ва воситалардан фойдаланишади. Бундай ёт ғояларнинг ўзига ром этувчи алдамчи жилавланишлари ортида салбий мақсадларни англаш осон эмас. Бунинг учун инсонларда, хусусан, ёшларда сиёсий онг, мафкуравий имунитет, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат, миллий тарбия ва юксак даражадаги ахлоқий сифатлар шакллантиган бўлмоғи лозим.

2019 йил.

МУНДАРИЖА

1-БЎЛИМ. БАДИИЙ ИЖОД ТАДҚИҚИ

Ишоралардаги ҳаёт ҳақиқати (<i>Шоҳур Ҳолмұраевнинг "Яши</i> <i>"Нава" ҳикояси таҳлили</i>).....	3
Қумушнинг сўнги мактуби (<i>бадиий асар композициясида</i> <i>мактуб элементи</i>).....	3
Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини (<i>Бобур, Ҳумоюн ва</i> <i>Ақбар ўрмачисида оқилонга қористийлик</i> <i>Пиримқул Қодиров</i> <i>таълимида</i>).....	13
Миртемир – сўз санъаткори (илмий рисола).....	20
1. Сўзнинг бадиий имкониятлари (<i>Шоҳур ижод</i> <i>лабораториясига назар</i>).....	28
2. Образ яратиш санъати (<i>шоҳур ижодий эволюцияси тадқиқи</i>).....	53
3. Сўз ва портрет (<i>бадиий портретда образ мўъжиза тадқиқи</i>).....	68
Қитоб – саккизинчи мўъжиза.....	87
2-БЎЛИМ. МОҲИЯТ ВА МУВОЗАНАТ	
Буюк мувозанат (<i>Ёхўд тараккиёт фалсафаси ҳақида</i> <i>мулоҳазалар</i>).....	96
Ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари.....	108
Ҳуштакни ким чақлади? (<i>Ёхўд Абдулла Қаҳҳорга жавоб</i>).....	114
3-БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ВА ТАЪБИИ МУВОЗАНАТИ	
Виждон тарозиси (<i>Ёхўд ўқитувчининг орияти борасида</i> <i>мулоҳазалар</i>).....	123
Ҳато қилишдан қўрқманг! (<i>Нормандарт фикрлари тарзи</i> <i>ҳақида мулоҳазалар</i>).....	130
Таълимдаги “қўтариш” ва “тушириш” принциплари (<i>ЯПТ ва</i> <i>ушрни қўлини борасида айрим мулоҳазалар</i>).....	138
Ватанпарварлик тарбияси (“ <i>Ватанпарварлик</i> ” тушунчаси <i>бўйича Марказий Осиё мутафаккурларининг илмий, сиёсий ва</i> <i>адабий мероси тадқиқи</i>).....	148

4-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ

Педагогик таълимда инновация (илмий рисола)	
1. Педагогик таълим кластери – инновация.....	165
2. Кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида....	174
3. “Мақтаб-лаборатория”: таъриф ва тавсиф.....	189
5-БЎЛИМ. СИЁСАТ ВА МАФКУРА	
“Юрт отаси” феномени (<i>эссе</i>).....	201
Глобаллашув шароитида Ўзбекистон: таҳлиллар ва хавфсизлик (<i>илмий рисола</i>).....	224
1. Аҳборот хуружи ва ёшлар маънавияти.....	224
2. Диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмнинг Ўзбекистон хавфсизлигига таҳлили.....	228
3. Глобаллашув шароитида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари.....	239

Ўмид ХОДЖАМКУЛОВ

МОҲИЯТНИ АНГЛАШ САОДАТИ

илмий рисолалар
илмий мақолалар
эссе

Мухаррир М.А.Хакимов

Босишга рухсат этилди 12.03.2020й. Бичими 60X84 1/16.

Босма табоғи 15,5. Шартли босма табоғи 15,5. Адади 100 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

“Университет” нашриёти. Тошкент, Таалабалар шаҳарчаси, ЎзМУ
маъмурий биноси.

“PROFESSIONAL SOLUTION” МЧДЖ босмахонасида босилди.

Тошкент, Чилонзор тумани, Тўроб Тўла кўчаси, 55.

тел.: 71 245-35-55, 95 195-11-22, 99 002-11-22

